

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Тўхлиев Боқиҷон

Адабиёт ўқитиш методикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларининг педагогика университетлари ва институтларининг филология йўналиши талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашири.

Тошкент 2010

83

Т98

Тұхлиев, Бекижон.

Адабиёт ўқитиши методикаси : Олий ўқув юргларининг педагогика университетлари ва институттарининг филология йұналиши талабалари учун ўқув құлланма/ Б. Тұхлиев ; масъул мұхаррір С. Матжонов ; ҮзР Олий ва үрта маҳсус таълим вазирилгі, Низомий номидаги Тошк. Давлат педагогика ун-ти. тұлдирилған ва қайта ишланған 2-нашри. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси нашриёти, 2010. - 168 б

ББК 83я73

Масъул мұхаррір: С. Матжонов, педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: М. Мирқосимова, педагогика фанлари доктори, профессор.
У. Долимов, педагогика фанлари доктори.

Мазкур «Адабиёт ўқитиши методикаси» ўқув құлланмаси амалдаги ўқув режаси ва шу режа асосидаги ўқув дастурга мувофиқ яратылған. Үнда адабиёт ўқитишининг эңг долзарб муаммолари бугунғи күн талаблари нұқтаи назаридан ёритиб берилған. Ўқув құлланмаси педагогика университетлари ва институттарининг филология факультетлари талабалари учун мұлжалланған.

№ 184-3509/2010
ISBN 978-9943-06-276-4

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий қутубхонаси нашриёти, 2010 й.

К И Р И Ш

«Бу дүнёда фәқат бир мұаммo бор - одамларғa ҳaётдан маңнавий қониқиши ҳиссини қайтариши керак. Маңнавий бойліккіз қалб тошғa айланур... Комилликка йўналтирилған дидни тарбиялламоқ лозим»

(Сент Экзюпери)

Р е ж а :

1. Адабиёт ўқитиши методикаси – фан сифатида.
2. Таълим босқичларида адабиётнинг ўқув фани сифатида ўрганиши хусусиятлари.

Адабиётни ўқитиши учун маҳсус фан керакми? Жамиятда шунга эхтиёж борми? Таълим босқичларида адабиёт фанини яхши ўрганиш ва ўргатиши учун адабиёт мұаллимлари қайфуриши керакми ёки адабиётшуносларми, педагогларми ёки руҳшунос-психологларми? Албатта, бундай саволларнинг кети узилмайди. Улар кеча берилгандар эди, бугун ҳам берилмоқда, уларнинг эртага берилмай қолиши амри маҳол.

Адабиёт ўқитиши бошқа фанларни ўқитищдан анчайин кескин фарқ қиласы. Шунга күра, уни фан сифатида қарайдиганлар бир гурухни ташкил этса, адабиёт ўқитиши санъат тури сифатида баҳолаб, адабиёт ўқитувчисининг ишини ҳам санъаткорона бир иш сифатида баҳолайдиганлар кам эмас. Демак, улар адабиёт ўқитиши методикасини ҳам санъат билан тенгглаштиришади. Амалиётчилик нұқтаи назаридан қарайдиганлар эса адабиёт ўқитиши методикасини дарсларнинг ўтилишига бевосита ёрдам берадиган, ҳар бир дарснинг яхши ва самарали бўлишига амалий кўмак бера оладиган соҳа деб билишади.

Адабиёт ўқитиши методикаси биринчи навбатда адабиёт ўқитишининг, яъни адабий таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳақидаги фандир. Маълумки, адабиёт таълимнинг турли босқичларида худди бошқа предметлар каби ўсиб келаётган авлод – ўқувчиларга мўлжалланган. Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларда – ўсиб келаётган ёш авлодда муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шакллантириши, шуларнинг негизида уларнинг бой маңнавий оламини яратишдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда бадиий адабиёт билан тенг келадиган бирорта соҳа йўқ деб айта оламиз. Бадиий адабиёт алоҳида шахсга ҳам, бутун

жамиятта ҳам күчли даражада таъсир кўрсата олиш имконига эга. У жамиятнинг ўз-ўзини англашида, уни инсонпарварлаштиришда беқиёс имконларга эга. Адабиёт ижтимоий онгнинг кўринишларидан бири сифатида ўзида халқ хотирасини мужассамлаштиради, унинг ахлоқий мънавий қадриятларини асрлардан асрларга, аждодлардан авлодларга олиб ўтади.

Шунга қарамай, бадиий адабиётга бўлган муносабатларнинг ҳам ниҳоятда хилма-хиллигини, уларнинг орасида «бевосита нақд фойда»ни кўзлаб ўқиш тамойилларининг ҳам мавжудлигини эътироф этишга тўғри келади. Буни адабиётшунос Д.Қуронов шундай ифодалаган:

«Ҳозирги кунда, таассуфки, бадиий асарга ноижодий ёндашиш ўқувчи омманинг аксариятига хос бўлиб қолаётир. Кўпчилигимиз бадиий асарни мънавий-руҳий имкониятларимизни кенгайтириш эҳтиёжи билан эмас, кўпроқ ҳордиқ чиқариш нияти билан ўқийдиган бўлиб қоляпмиз. Дўконларимизда ялтироқ муқовали, олди-қочди гапларга тўла китоблар салмоғининг ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради. Тоталитар ёндашув натижасида кўпчилик асардан воқеа қидиради, бу тоифа учун «Ўткан кунлар» Отабегу Кумушнинг саргузашларидан бошқа нарса эмас, «Кутлуғ қон» - Йўлчи билан Гулнор севгиси-ю бир абллаҳ бойнинг тўғаноқ бўлиши, холос...- хуллас, биз **воситани мақсад** деб тушунадиган бўлиб қолаяпмиз»¹.

Демак, биз бадиий адабиётни ўрганиш йўлларини ҳам билишимиз зарур бўлади. Шундай экан, бу фан ўқувчи-ёшлиарнинг ўзига хос хусусиятлари, бу ўзига хосликларнинг адабий таълим билан bogliқ жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритади. Адабиёт ўқитиши методикаси фани ўз номига муносабиравища ўқувчиларга бадиий адабиёт билан яқинлашиш, ошно бўлиш ва уларни таҳлил қилиш йўлларини кўрсатишга йўналтирилган. Айни пайтда у китоб устида ишлашни, бадиий ўқишни ташкил этишни, ўқувчиларнинг адабиётга бўлган қизиқишиларининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларини кўрсатиши билан ҳам эътиборлидир. Айни шу фан адабиёт дарсларини ташкил қилиш, бу дарсларда қўлланадиган метод ва усуllар, ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақида тасаввур уйғотади, шу ҳақидаги билимлар тизимини тақдим этади. Мана шулар замирида эса ўқувчиларга жамоавий, гуруҳ-гуруҳ ёки индивидуал

¹ Қуронов Д. «Адабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Адабий-танқидий мақолалар. 39-бет.

ёндашишнинг йўл-йўриқларини беради.

Хитой мақолларининг бирида шундай дейилади: «Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер – у бир кун тўқ бўлади, унга балиқ тутишни ўргат – у бутун умри давомида тўқ юради»¹. Демак, бир иш қилиш учун шу ишни қандай қилиб яхшироқ ва натижалироқ тарзда амалга ошириш мумкин деган саволга жавоб излаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг ҳолатимизда бу саволга адабиёт ўқитиш методикаси фани жавоб беради.

Методика фанига берилган таърифларнинг ниҳоятда хилмалик эканлиги кўзга ташланади. Улар ичида энг эътиборлилари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин:

М.А.Рибникова:

«Методика — бу вақтни тежаш малакаси, ўқувчи кучларини оқилона сарфлаш, ўқув материалидаги асосий ва бош нарсани толиш малакаси, жамоа меҳнатини ташкил қилиш санъати, бу ўқувчилардаги хилма-хил индивидуалликларга таянадиган таъсир тизимиdir».

В. В. Голубков:

«Барча методикалар, уларнинг қайси бир фанга алоқадорлигидан қатъий назар, ўқитувчининг иш принциплари, материал ва методларини муайян кетма-кетликда, изчилликда кўриб чиқишига ҳамда учта энг асосий, яъни нима учун? нимани? ва қандай? деган саволларга жавоб беришига кўра бир-бирига ўхшайди».

Н.И.Курдяшев:

«Адабиёт ўқитиш методикаси ўқувчиларни ўқув предмети сифатида тарбиявий аҳамият касб этиб, адабиётни ўқитишдаги ижтимоий жараён манбаи бўлган ва унга тўғри раҳбарлик қилиш мақсадида бу жараённинг қонуниятларини очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган хусусий педагогик фандир».

А.Зуннунов:

«Адабиёт ўқитиш усули педагогика фанининг узвий қисми бўлиб, бадиий адабиётни тадқиқ этади, адабиёт ўқитиш шартлари ва усулларини илмий асосда ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, синфда ва уйда ўқиш, шунингдек, синф ва мактабдан ташқари машғулотларнинг шакли ва усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Унинг асосини бадиий асарни таълим ва тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ўрганиш, ўқувчиларни эстетик

¹ Айзerman Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. - // Литература в школе, 2006, № 6, с.25. (25-28)

тарбиялаш жараёни ташкил қиласы. Шу жараёнда ўқитувчи ёзувчи яратган бадий образларнинг аҳамиятини ўқувчилар онгтига сингдиради, бадий образнинг моҳиятини очади, ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитади¹.

Назаримизда, бу таърифларда фаннинг асосий моҳияти анча ёрқин кўрсатиб берилган.

Адабиёт ўқитиш методикаси фани биринчи навбатда бўлажак адабиёт ўқитувчиларининг касбий шаклланишлари ва дастлабки маҳорат қирраларини ўзлаштиришлари учун имкон берадиган фандир. Бу фан ўқувчи ёшлиарнинг адабий ривожидаги ўзига хос қонуният ва қоидаларнинг англаб етилиши учун омил бўлади. Унинг ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг асосларини тушунишда муҳим бўғин эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Адабиёт ўқитиш методикаси фани бу фаннинг тарихи ва ривожланиш босқичларини кўрсатиш, бу босқичларнинг ҳар бирига хос бўлган асосий унсурларни таҳлил қилиш, бадий асарни таҳлил қилиш ва уни ўқувчилар томонидан қабул қилинишидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиш, бадий асарни таҳлил қилишда уларнинг тур ва жанр хусусиятларига эътибор бериш, таълим босқичларида фақат бадий асарнинг ўзини эмас, балки уларга боғлиқ равишда адабий-назарий тушунчаларни ҳам ўрганиш заруриятини ва йўл-йўриқларни кўрсатиш, адабиёт дарсларини ташкил этиш, адабиётдан синфдан ташқари ва мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш йўлларини кўрсатиш билан кифояланмасдан ўқувчиларнинг ўз устиларида мунтазам ишлаш, мустақил ижодий ишларни ташкил этиш йўлларини кўрсатиши билан ҳам муҳимдир.

Адабиёт ўқитиш методикаси фани мустақиллик туфайли ўзининг асл ўзанларини топиб бормоқда. Эндиликда адабиёт ўқитиш назарияси ва амалиётида бир хиллиқдан қочиш, ранг-бараангликка интилиш тамойилларининг тобора кенгроқ тарзда кўзга ташланадётгани сезилади. Бу адабий ҳодисаларга нисбатан эстетик ёндошувнинг устиворлашиб бораётганида, маданий меросга нисбатан муносабатларнинг ҳаққонийлашаётганида, кўплаб адабий ҳодисаларга нисбатан баҳоларнинг ўзгариб, уларнинг ўзларига хос ва ўзларига мос хусусиятларидан келиб чиқилаётганилигига намоён бўлмоқда.

¹ А.Зиннуров, Н.Хотамов, Ж.Эсонов, А.Иброҳимов. Адабиёт ўқитиши методикаси. Тошкент “Ўқитувчи” -1992. 10-бет.

Умумий ўрта таълим мактабалари, академик лицейлар, касб-хунар колледжлари, олий таълим тизими учун яратилаётган кўплаб дарслерлар, методик ҳамда ўкув қўлланмаларининг янги авлодлари юзага келмоқда.

Биринчи маротаба адабий таълимнинг давлат таълим стандарти яратилди. Унинг такомиллашиш жараёни эса узлуксиз давом этмоқда. Ушбу жараёнда анъанавий таълимдаги энг яхши ютуқларни сақлаб қолган ҳолда жаҳон илм-фани, хусусан, психологияси, педагогикаси ҳамда методикаси соҳасидаги энг янги ва яхши намуналарга уйғунлашиш тамойили кузатилмоқда.

Айниқса ўқитишдаги таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар уйғунлиги методологик асос сифатида қабул қилинмоқда. Буларнинг адабий таълимдаги анъанавий йўналиш билан замонавий талабларни ўзаро уйғунлаштиришнинг оқилона йўли сифатида қабул қилинаётганлиги бежиз эмас.

Ижтимоий ҳаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар адабиётнинг ўзида ҳам, уни ўқитиш соҳасида ҳам янгиланишларни, янгича ёндашувларни тақозо этаётгани аниқ. Шунинг учун ҳам кун тартибига янги ахборот технологияларидан, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш муаммосининг кўндаланг бўлаётгани тасодифий эмас. Бу нарса таълим методларидан бошлаб дарснинг таркибий қисмларигача, адабий таълим мазмунидан бошлаб ўқитувчи ва ўқувчининг муносабатларигача, ўкув дастурлари, дарслерлардан бошлаб адабиёт дарсларини ташкил этишгача бўлган муаммоларнинг барчасига бир хилда дахлдор бўлиб турибди.

Бугун ахборотлар оқими шиддат билан кучайиб бораётган, компьютер ва умуман техника олами инсон ҳаётида тобора кенгроқ ва мустаҳкамроқ ўрин олиб бораётган бир замонда китоб ўқиши, китобхонлик муаммосининг янада долзарблик касб этиши сир эмас. Зоро, китоб ва китобхонлик инсон маънавий оламининг ажralмас қисми экан, китоб ўқишини ўрганиш, китобхон маънавиятини шакллантириш таълим-тарбия жараёнидаги энг асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Ўқувчи ёшлар ҳар қандай китобни ўқиганда унга онгли, энг муҳими, эстетик муносабат билдира оладиган, ундан таъсирланадиган, завқланадиган даражага этиши учун биринчи навбатда китоб ўқилиши, завқ билан ўқилиши, китобхон ундан тегишли ҳузур ва руҳий қаноат туйиши керак. Буни ихчам тарзда “эстетик тўйиниш” деб ифодалаш мумкин бўлар.

Аммо бу даражада орзу, холос. Үнга эришмоқ учун янги-янги иш усулларини, адабий таҳлилнинг муносиб шакл ва кўринишларини, бадиий матн мазмунига, моҳиятига этишнинг турфа йўлларини, хусусан, муносиб изоҳ ва шарҳларга, муайян ижодкор ёки алоҳида олинган бадиий асар қатида мужассамлашган янги поэтик оламга хос бўлган бадииятни идрок этишга, мушоҳада қилишга имкон берадиган иш турларини қўллаш эҳтиёжи кўпроқ билинмоқда.

Бўлажак адабиёт ўқитувчилари ўз иш фаолиятларида ўқувтарбия жараёнларининг инсонпарварлашувига, таълим жараёнинда ҳар бир ўқувчининг алоҳида, ўзига хос бўлган табиий-ижодий имконларига эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Бадиий адабиёт яхши инсоний фазилатларни тарғиб қилишга, урушни, зўравонликни қоралаб, тинчликни, ҳалиқларнинг осойишта ҳаёти ва ўзаро дўстлигини улуғлайдиган, хунуқликдан нафрatlаниб, гўзалликни тарғиб этадиган, ўсиб келаётган авлодга юксак маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожланшига имкон берадиган хислатлари билан эътиборлидир.

Адабиёт фанининг ўзига хослиги шундаки, унда бошқа фанлар билан алоқадорлик бу фанинг табиатига сингдирилган. Демак, бу имкониятдан ҳам унумли фойдаланиш жоиз. Унинг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар билан яқинлиги, айниқса, она тили, тарих, санъат йўналишидаги фанлар билан алоқадорлигини исботлаб ўтириш зарурати йўқ. Айни пайтда унинг география, биология, физика, математика сингари фанлар билан алоқадор жиҳатларидан ҳам унумли фойдаланиш, бу боғланишларнинг ички моҳиятини кўпроқ кўрсатиш, амалиётга кўпроқ жорий этиш зарурати бор.

Бир хил мавзуни бир хил ҳажмдаги вақт оралиғида турлича ўқитувчиларнинг ниҳоятда турли-туман тарзда ёритиб беришлари ҳаётда кўп кузатиладиган ҳодиса. Уларнинг орасида энг маъқули ҳозирги жамиятимиз муаммолари билан кўпроқ алоқадорликни таъминлагани, замонавий технологиялардан ўринли ва унумли фойдаланганлари, болаларнинг ёш хусусиятлари, адабий тайёргарликларига таяниб туриб уларнинг мавзуга ҳам, адабиёт фанининг ўзига ҳам қизиқишларини энг кўп даражада ошира олганларидир.

Аслида адабиёт ўқитишининг бош йўналиши таълимнинг турли босқичларида ўқувчилар онгига бадиий асарнинг мўъжизакор таъсир кучини амалий жиҳатдан таъминлашга қаратилган.

Мактабгача тарбия муассасалари, бошлангич таълим, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар таълимидағи адабий таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигининг натижаси ўсиб келаётган ёш қалбда гүзалликка бўлган ижобий ва иходий муносабатни шакллантиришдан, уларга бадиий асарага – китобга бўлган меҳр ва муҳаббатни ўстиришдан, буларнинг замирида эса ундаги бадиий-эстетик дидни такомиллаштиришдан иборат.

Буни замондошимиз Сирожиддин Саййид жуда гўзал тарзда ифодалаган:

*Ҳар бир калла,
Ҳар бир бош
Жаҳолатдан қўрқиши керак.
Ҳар бир бола,
Ҳар бир ёш
Навоийни ўқиши керак...
Ватан азал битта Ватандир,
У биз учун сўлмас чамандир,
Шул сабабдан бола чоғлардан,
Майса чоғлар, лола чоғлардан
Ўзни уриб юлқиши керак,
Навоийни ўқиши керак,
Дилга недир юқиши керак!"*

Худди мана шу нуқталар бўлажак адабиёт ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида диққат марказида туриши лозим. Бўлажак адабиёт ўқитувчисининг адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий жараён ҳақидаги илмий-назарий қарашлари қанчалик асосий ва муҳим бўлишидан қатъий назар, уларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш педагогик фаолиятдаги тегишли мақсад ва вазифаларни амалга ошириш имконини бермайди. Тўлақонли муваффақият қозониш учун уларнинг педагогика ва психология туркумидаги, айниқса болаларнинг ёш физиологияси, уларнинг оламни қабул қилиш ва ўзлаштириш хусусиятлари, қизиқишилари ҳақидаги асосий маълумотларни берадиган фан асосларидан хабардорликлари ҳам тақозо этилади.

Бадиий адабиётнинг инсон руҳиятини, ҳатто унинг шахсиятининг шаклланиши ва ривожидаги ўрни бекиёсdir. Агар С.Саййид айтганидек, бола «дилига недир юқтиrsa», адабиёт муаллими ўз вазифасини адо этган, адабиёт дарсларининг

¹ Сирожиддин Саййид. Қалдироғчларга бер айвонларингни. Тошкент, Шарқ, 2005, 9-10-бетлар.

самараси таъминланган бўлади.

Кўплаб буюк шахслар машхур бўлишларида, ўзлари эришган ва етишган олий даражаларда бадиий адабиётнинг ўрни ва аҳамиятини эътироф этишади.

Масалан, Алишер Навоий юз мингдан ортиқроқ байтни ёддан билган. Бу байтларнинг энг сара, энг нодир бадиий дурдоналар бўлганлигига шубҳа йўқ.

«Ўқувчилардаги барқарор гоявий, маънавий-ахлоқий ва эстетик ишонч-эътиқодларнинг шаклланиши, уларнинг энг муҳим ҳётий тушунчалар мағзини чақа олиши маълум маъноларда адабиёт ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқdir»¹.

Шунга кўра таълим босқичлари учун яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари, уларнинг таркибига кирадиган бадиий асарларнинг намуналари ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги ва дидларига мос ва муносиб бўлиши, уларнинг баркамол инсон сифатида шаклланишлари ва камол топишларида муҳим омил вазифасини адо этиши керак.

Бугун фақат миллий замингагина таяниш камлик қиласди, зоро, жаҳон ҳамжамияти бир-бирига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ интилмоқда. Бу айни пайтда бир-бирини бойитиш жараёни ҳамдир. Бунда бадиий адабиётнинг ўзига хос ўрни бор.

Қолаверса, бошқалар тажрибасини ўрганиш ҳар доим инсониятга ютуқ ва янгиланиш омили бўлган.

Жаҳон педагогикаси эндилиқда ҳамкорликни асосий таянч нуқтаси деб эътироф этмоқда. «Ҳамкорлик педагогикаси» деган алоҳида тушунча ва атаманинг пайдо бўлганлиги бежиз эмас. Бу ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатларнинг янгича босқичини англатади. Демак, эндилиқда педагогик жараёнда «ҳоким-тобе»лик эмас, том маънодаги ҳамкорлик юзага келди. Бу адабий таълимда, айниқса, айрича аҳамият касб этади. Зоро, бадиий адабиётни ўқиши, ўрганиш ҳамма пайт ижодий жараёндир. Бу жараёнда ўқувчиларнинг миллий қадриятлар, асрий урф-одатлар билан танишиши, яқинлашуви жонли тарзда амалга ошади.

Бўлажак адабиёт ўқитувчиси учун бадиий адабиётнинг ўзига хос томонларини билиш, англаб етиш қанчалик муҳим ва аҳамиятли бўлса, таълимнинг турли босқичларида адабиёт ўқитишнинг ўзига хос қонуният ва хусусиятлари билан боғлиқ

¹ Лессохина Л.Н. Нравственное развитие учащихся в процессе изучения литературы.- Сб. Искусство анализа художественного произведения. М.: Просвещение. 1971. с. 124.

сиру асрорларни эгаллаш ҳам шунчалик мұхимдир.

Таълимнинг турли босқичларида боланинг ёш хусусиятларигина әмас, ҳатто асарнинг жанри, услуги ҳам уни ўқитиши, ўрганишда ўзига хос ёндашувлар бўлишини тақозо этади. Дейликки, қадимги туркий адабиётни ўрганиш билан Яссавий ҳаёти ва ижодини ўрганишда бир хил усулни қўллаб бўлмаганидай, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си билан Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим»ининг таҳлили ҳам бошқа-бошқа нуқтаи назарлардан ўрганилиши керак. Рубоййни ўрганиш учун танланган усулни романни ўрганишга татбиқ этиш қанчалик мумкин бўлмаса, мумтоз адиларимизнинг асарларини ўрганиш билан хорижий мамлакатлар адиларининг асарларини ўрганиш орасига ҳам тенглик аломатини қўйиш шунчалик хатодир.

Қайси бир асарни ўрганишда шарҳ ва изоҳларнинг ўрни каттароқ бўлиши, бошқа бир асарни ўрганишдан олдин ифодали ўқиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Қай ҳолатларда биографик метод ўринли бўлса, қайси ўринларда эстетик таҳлилнинг ўрнини босадиган бирор усул бўлмаслиги ҳам табиийдир. Буларнинг барчаси адабиёт ўқитиши методикасининг фан сифатидаги ўрни ва аҳамияти қанчалик катта эканлигини кўрсатиб турибди. Мазкур курс худди шунинг учун ҳам алоҳида долзарблик касб этади.

Буларнинг ёнида бадиий асарни ўқиш, уни тушуниш муаммосининг ҳам борлигини эътироф этишга тўғри келади. Бадиий адабиёт сўз санъати сифатида китобхоннинг, унинг маънавий оламининг шаклланишига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Агар қабул қилишнинг мутлақо индивидуал хусусиятга эга эканлигини назарда тутадиган бўлсак, бадиий асарни ўқиш, уни тушуниш ва «ҳазм қилиш»нинг нақадар катта аҳамият касб этишини тасаввур этишимиз қийин кечмайди.

Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов уқтириб ўтганидек: «Адабиёт ўқувчини тарбиялаш учун унинг онги, фикригагина әмас, қалбига, завқига, туйғуларига ҳам таъсир этиши керак. Шундай асарларгина чинакам санъат намунаси деб аталиш ҳуқуқига эга»¹.

Рус методист олимлари замонавий адабий таълим методикасидаги асосий вазифалар қаторида қўйидагиларни кўрсатишади:

¹ Шарафиддинов О. Истъедод жилолалари. – Тошкент, Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 150-бет.



Биз ихчам тарзда адабиёт ўқитиши методикаси фани зиммасига юклатилган вазифаларни шундай шакллантиришимиз мумкин:

1. Адабиёт предметининг таълим босқичларида нима учун ўрганиш зарурлигини асослаш, яъни адабиёт ўқитишининг мақсад ва вазифаларини муайянлаштириш.

2. Адабий таълим мазмунини аниқлаш. Ўқув дастурларининг таркиби ва мазмунини асослаш, ўқувчилар учун яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларига қўйиладиган талаб ва меъёрларни ўрганиш. Айни пайтда ўқувчиларнинг муайян таълим босқичида ўзлаштириши лозим бўлган адабий билимлари, уларга боғлиқ ҳолда эгалланиши лозим бўлган қўникма ва малакаларнинг ҳажми белгиланади.

3. Методика фани адабий таълимнинг ўзига хос йўл ва усууларини ўрганиш билан ҳам шуғулланади. Унда алоҳида дарсларни ташкил этиш, унга қўйиладиган талаблар ҳам ишлаб чиқилади.

4. Таълимнинг турли босқичларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришига қўйиладиган талаблар ҳам методика фанига алоқадор. Бунда баҳо меъёрлари ва мезонлари, назорат қилишнинг шакл ва усуулари қамраб олинади.

5. Талабаларга адабиёт ўқитиши методикаси бўйича уларнинг амалий фаолиятларида асқотадиган назарий ҳамда амалий маълумотларнинг энг муҳимларини етказиш.

6. Талабаларни шу фанга алоқадор бўлган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини амалга ошириш, ижодий фаолият ва илгор тажриба мактабларини ўрганишга тайёрлашдан ҳам иборатдир.

Адабий таълимни такомиллаштириб, ҳозирги замон талабларига уйғунлаштириб бориши энг муҳим вазифалар қаторига киради. Бунинг учун фақат бадиий адабиётнинг ўз ички хусусиятларни билиш, ўрганиш камлик қиласи, адабиётнинг ёш авлодга, ўқувчи-ёшларга кўрсатадиган маърифий, маънавий-ахлоқий, эстетик, эмоционал таъсирини янада кучайтириш, таълимнинг турли босқичларидаги адабий таълим узвийлиги, узлуксизлигига алоҳида эътибор бериш, улардаги мустақил ва ижодий фикрлашга оид кўнкіма ва малакаларни ривожлантириш, сўз санъати воситасида гўзалликни ҳис этишга оид дид ва туйғуларни камол топтириш, адабиётга, адабий асарга, ҳар қандай бадиий матнга нисбатан ижодий ёндашув тамойилларини шакллантириш ҳам зарур бўлади.

Савол ва топшириқлар:

1. «Адабиёт ўқитиши методикаси» фанининг мақсад ва вазифалари ҳақида нималар дея оласиз?

2. Бу фаннинг қандай аҳамияти бор?

3. «Инсоннинг қўлига бир дона балиқ бер – у бир кун тўйқ бўлади, унга балиқ тутшишини ўргат – у бутун умри давомида тўйқ юради», деган хитой мақолининг методика фанига қандай даҳли бор? Уни изоҳланг.

4. Адабиёт ўқитиши методикаси фани олдидағи асосий вазифалар моҳиятини изоҳлаб беринг.

АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

P e ж a:

- 1. Адабиёт ўқитиш методикасининг адабиётшунослик туркумидаги фанлар билан алоқаси.*
- 2. Адабиёт ўқитиш методикасининг тишлишунослик туркумидаги фанлар билан алоқаси.*
- 3. Адабиёт ўқитиш методикасининг ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар билан алоқаси.*
- 4. Адабиёт ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси.*
- 5. Предметлараро алоқаларнинг таълимий ҳамда тарбиявий аҳамияти.*

Ҳар бир фан, одатда, фақат ўз қонуниятлари билангина яшамасдан, бошқа фанлардаги имкониятларни ҳам эътиборда тутади. Бу билан у ўзидаги имкониятларни янада кенгайтиради. Адабиёт ўқитиш методикаси ҳам бу борада истисно эмас. Унинг кўплаб фанлар билан барқарор алоқалари мавжуд. Табиийки, адабиётшунослик фанисиз уни ўқитишни тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ўтмишда яратилган маданий-адабий мерос дастлаб “Адабиёт тарихи” фанининг баҳосини олади. Ёки ҳозирги замон асарларининг тарихий, адабий ҳамда бадиий эстетик баҳоси «Адабий танқид» орқали реаллашади.

Сўз санъатининг ўзига хос қонуниятлари, адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий ижод турлари, ижодий жараён ҳақидаги фикрлар эса «Адабиёт назарияси» фани орқали аён бўлади. Буларсиз «Адабиёт ўқитиш методикаси» бир қадам ҳам боса олмайди.

Айрим асарларнинг яратилиши, асар муаллифи, асаддаги қаҳрамон ва образлар, унда тасвириланган воқеа-ҳодисалар моҳиятини чуқурроқ англаш учун тарихий щароит ва географик муҳитни билиш зарурати ҳам пайдо бўлади. Бу ўз-ўзича адабиёт ўқитиш методикаси фанининг тарих ва география фанлари билан доимий алоқада бўлишини тақозо этади. Мусиқа, театр, кино, тасвирий санъат ва бошқа санъат турлари билан алоқадорлик ҳақида гапиришга ҳожат йўқ.

Биз бу йўналишда педагогика ва психология туркумидаги фанларни алоҳида таъкидлашимиз жоиз. Модомики, бадиий

адабиётни ўрганишдан кўзда тутилган бош мақсад инсоннинг тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш экан, демак, бунда айрим педагогик ҳамда психологик қонуниятларнинг ҳеч бўлмагандан умумий қонуниятларини билмасдан туриб олға қадам ташлашнинг имкони бўлмайди. Бу саноқни яна давом этириш мумкин. Адабиёт ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси фаннинг мақсад ва вазифаларини англашда, унинг таркибий қисмларини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Адабиётни бошқа ижтимоий фанлар билан боғлаб ўрганиш ҳаётий заруратdir. Биргина 9-синф Ўзбек адабиёти дарслик мажмуасини шу нуқтаи назардан кўздан кечирайлик. Дарслик-мажмуя «Халқ оғзаки иходи», «Ўзбек адабиёти тарихи», «XX аср ўзбек адабиёти» ҳамда «Жаҳон адабиёти» қисмларидан ташкил топган. Юзаки қарагандаёқ бу мавзуларни ўтишда этнография, тарих, география, она тили, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, санъат тарихи ранг тасвир, театр билан нечоғлик боғланиб кетганлигини тасаввур этиш мумкин.

IX синфда адабиёт тарихига оид манбалар ўтилганида асарнинг тили ва услубини она тилидаги услуб турлари, тил воситалари, сўзнинг шакл вл маъно муносабатига кўра турлари, унинг ўз ҳамда кўчма маъноси ва бошқа тушунчаларга мурожаат қилиниши табиийдир.

V синфда «Афсоналар» мавзусининг ўтилишида ўқувчиларнинг тарих дарсларида олган билимлари қўл келади. Марказий Осиё ҳалқларининг босқинчи душманларга қарши кураши тарихи Широқ, Тўмарис каби образларнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини, тарихий қимматини тўлароқ тушунишга ёрдам беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганишда тарих дарсларидағи «Бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон ва унинг маданияти» мавзулари ўқувчиларнинг адабий материални осон ва теранроқ тушуниб етишларига имкон яратади.

Радио, телевидение, аудио ва видео материаллар ҳам адабиёт ўқитишини бошқа фанлар билан алоқадорликда ташкил этишининг муҳим воситасидир.

Методист олим С.Матжонов тўғри кўрсатганидай: «Дастур ва дарсликларда адабиётнинг тасвирий санъат, тилшунослик, мусиқа эстетика, тарих, руҳшунослик, кино санъати билан боғлиқлиги етарли даражада ўз ифодасини топмаган.

Тарихий мавзудаги асарлар таҳлили, тарих, экранлаштирилган

асарлар таҳлили кино санъати билан боғланмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмагани каби, адабий қаҳрамонларнинг феълатори, ўзаро зиддиятли муносабатлари ҳақида сўз юритганда этика ва руҳшунослик фанлари эришган ютуқдарга таянилмаса, мурод ҳосил бўлмайди. Бизнингча, масалани шундай қўйиш керакки, ўқувчилар назарий билимсиз, бадиий асарни тушуниш, таҳдил қилиш мумкин эмаслигини англаб етсинлар»¹.

Бадиий адабиёт оламни ўзлаштиришнинг ўзига хос воситаси ва манбаидир. Бу жиҳатдан у фан билан яқинлашади. Оламни акс эттиришдаги образлилиги билан ундан ажралиб туради. Бадиий адабиёт оламни ҳар доим кўрсатмаларга бой тарзда кўрсатади. Энг муҳими уларда ўқувчи қалбига таъсир кўрсатадиган эстетик лаззат ва ҳузур, маънавий сабоқ мавжуд бўлади. Буларнинг барчаси ўқувчининг қалбida юксак маънавий туйгуларнинг шаклланиши ҳамда улардан баҳрамандлик шарофати билан ҳосил бўладиган маънавий қониқишига олиб келади. Адабиёт ўқитишининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини қисқача тарзда қўйидагича акс эттиришимиз мумкин:



¹ С. Матжонов. Мактабда адабиётдан мустақиқ ишлар. – Т.: Ўқитувчи. 1996, 19-бет.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт ўқитиши методикаси күпроқ қайси фанлар билан алоқадорликда ўрганилади?
2. Адабиёт ўқитиши методикасининг ижтимоий фанлар билан алоқасини қандай изоҳлайсиз?
3. Адабиёт ўқитиши методикасининг даврий матбуот билан алоқаси деганда нималарни тушунасиз?
4. Бешинчи ва олтинчи синф адабиёт дарсларида ўтиладиган мавзулардан бирини танланг ва уни бошқа ўқув предметлари билан боғлаб ўтиши ҳақида дарс ишланмасини тайёрланг.
5. Алишер Навоийнинг газалларидан бирини танлаб, уни академик лицейларда бошқа предметларга боғлаб ўрганиши ҳақида реферат тайёрланг.

922 545

АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИННИГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ¹

P e j a :

- 1. Адабиёт ўқитиши методикаси фанининг шаклланиши, ривожланиши тарихи.*
- 2. Энг қадимги даврларда адабиёт ўқитиши методикаси.*
- 3. Адабиёт ўқитиши методикаси тарихида жадидчиллик даври.*
- 4. 1930-1990 йилларда адабиёт ўқитиши методикаси фанининг ўзига хос хусусиятлари.*
- 5. Мустақиллик ва адабиёт ўқитиши методикаси фанининг ривожланиши хусусиятлари.*

Адабиёт ўқитиши методикаси фани қачон пайдо бўлган? деган саволнинг ўртага қўйилиши табиийдир. Бу саволга дабдурустдан жавоб бериш қийин. Шу нарса аниқки, бадиий адабиёт пайдо бўлганидан кейин, уни бошқаларга, замондошларга, шунингдек, кейинги авлодга етказиш, етказганда ҳам уларни бошқа инсонлар қалбига таъсир қила оладиган даражада етказиш асосий муаммолардан бири бўлганлигини ҳис этиш мумкин.

Яқин-яқинларгача ҳам ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси тарихи асосан Октябрь инқилоби билан бөглиқ ҳолда талқин ва тарғиб этилгани сир эмас.

Мустақиллигимизнинг шарофати билан барча фанлар ривожланишининг тўғри ўзанларига тушиб олди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидаи: “Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган. Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий ҳалқа, Шарқ ва Фарб учрашадиган, уларнииг фаол савдо - иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган жой бўлган”². Мана шундай ҳолатда бу ерда кўплаб фанлар қаторида адабиётшуносликнинг, тарбияшнуносликнинг, улар қаторида эса адабиёт ўқитиши методикасининг муайян ўрни бўлганлигини тасаввур этиш мумкин.

Халқимиз азал-азалдан бадиий адабиётни тушуниш, севиш, эъзозлай билишни, адабий ҳодисаларни ҳис қилиш, айни пайтда, буларнинг барчасини бошқаларга етказишни ҳам ўзи учун одат

¹ Ушбу қисм Т.Ниязметова билан ҳамкорликда ёзилган

² И.А.Каримов. Бўйцдорлик йўлидаи, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 332-бет.

деб билган. Бунга биз узоқ тарихимизга назар ташлаб янада тұлароқ ишонч ҳосил қилишимиз мүмкін.

Методика тарихини билиш эса замонавий таълим технологиялари мөхиятини теранроқ илгаш имконини беради. Зоро, «Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий құвват оладиган халқни енгіб бұлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қороллантиришимиз зарур. Тарих билан қороллантириш, яна бир бор қороллантириш зарур»¹.

Адабий асарни ўрганиш билан bogliq бұлған дастлабки қайдлар Авесто ёдгорлигидәң үчрайди. Бевосита туркій мұхитда эса буни Үрхун-Энасой ёдгорликларидаги айрим ишоралар орқали пайқашнимиз қишин әмас.

Адабиёт үқитиш методикаси фани үтмишдаги бой тажрибаларни ўрганиш асосида ҳозирги замон мактабларидаги адабиёт үқитиш жараёнини умумийлаштиради. Адабиёт Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳаётида ҳар доим жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамиятта әга бўлган. Чўлпоннинг «Адабиёт яшаса – миллат яшар» деган фикри бежиз әмас. Аммо уни үқитиш бирданига ҳозирги ҳолига келмаган. Туркій халқлар орасида адабиёт үқитиш анъаналари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Буюк мутафаккирларимиз Ал-Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Синолар таълим-тарбия, үқитувчи хусусида алоҳида тұхтаб ўтишган. Улар инсоннинг шахс сифатида камол топишида илм олишнинг, таълим ва тарбиянинг аҳамияти ҳақида ўzlарининг қимматли фикрларини айтғиб ўтғанлар.

Ўрта Осиёning улуғ мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950) ўзининг илмий ишларida овоз, нутқнинг тарбиявий аҳамиятига алоҳида эътибор беради. У «Илмларнинг келиб чиқиши» («Иҳсо үл-улум») номли рисоласида бадий асарни ифодали үқиши, үқиганини ҳикоя қилиб бериш зўр санъат эканлигини айтади. Унинг таъкидлашича, ҳикоячиликда (үқишида) ўтқир таъсири бўлган ана шу санъатда ўзига муносиб ўрин эгаллаган кишилар ҳаким дейилади ва у үқишини, нотиқликни эгаллаган санъаткор, файласуф, донишманд билан тенгdir.

Фаробий ҳар бир кишининг ўзига хос, индивидуал хусусиятта

¹ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олим ва журналистлар билан сұхбат. – Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.7.- Тошкент, «Ўзбекистон», 1999, 149-бет.

эга бўлишини, таълим-тарбия жараёнида бу хусусиятларга эътибор бериш шарт эканлигини алоҳида уқтиради: «Кишилар жисмоний ва тугма қобилият. куч-кувватда бир-бирларидан ортиқ-кам бўладилар»¹.

Фаробийнинг таъкидлашича, «Ҳар кимки илм-ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлоқли-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансан. хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин»². Бугина эмас, «Роҳатланиш, дард чекиши ва қайгуриш асосий табиий хислатлар ҳисобланадилар, улар туфайли фазилатлар ва иллатлар ўзлаштирилади. Ва, ниҳоят, балогат ва билимларга, яъни ривожланишга тарбия ва машқ орқали эришилади»³.

Тарбиянинг буюк имконияти шундаки, у орқали инсон яхши ва ёмон, фойдали ва зарарли нарсаларни ажратишга эришади. «Тарбия оқилликни вужудга келтиради. Кишининг тарбияси бўлмаса, у бемаъниликни хуш кўради»⁴.

Фаробий комил инсонлар ҳақида гапирганида уларнинг бевосита нутқига, сўзни тушуниш ва тушунтириш имкониятларига ҳам эътибор беради. Унинг ёзишича, у сұхбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. ...у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида. чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур»⁵.

Фаробийнинг бевосита санъат ҳамда адабий таълим ҳақида ҳам бир қатор жиддий кузатишлар олиб борганлиги яхши маълум. «Катта мусиқа китоби», «Лафз – сўзлар ва ҳарфлар ҳақида китоб», «Ритмлар классификацияси ҳақида китоб», «Мусиқа ҳақида сўз», «Ёзув санъати ҳақида китоб», «Абу Насрнинг шеър ва қофиялар ҳақидаги сўзи», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида» ва бошқа асарлари шу ҳақдадир.

Фаробий шеър тузилиши, унинг моҳияти, энг муҳими, шеър воситасида бадиий адабиётни ўрганиш ва ўргатиш усуслари ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирган. Мутафаккир ритм ва вазн

¹ Фаробий. Афлотун қонунлари моҳияти. – // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993, 188-бет.

² Ҳ.Хомидий. Кўхна Шарқ даргалари. Бадиий-илмий лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1999, 28-бет.

³ Фаробий. Афлотун қонунлари моҳияти. – // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993, 23-бет.

⁴ Ўша китоб, 30-бет.

⁵ Фаробий. Фозил шаҳар одамлари қарашлари. – // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993, 159-160-бетлар.

ҳақида гапириб, жумладан, шундай дейди:

«Шеър маълум бўлакларга бўлингган бўлиб, бу бўлаклар (олдинмакетин) баб-баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър табииати – тузилишида бошқа қонун-қоидаларга риоя қилиш унчалик зарурий саналмаган, ваҳоланки, бу қонун-қоидаларга риоя қилишнинг ўзи шеърнинг энг афзал ва улуввор бўлишига сабаб бўлган»¹.

Фаробий бадиий ижоднинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий усулда кўрсатиб беради: «Демак, бундан маълум бўлишича, исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади»².

Мутафаккирнинг асарларида айрим тур ва жанрлар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш, шу асосда уларни ўқувчиларга тушунтириш борасида ҳам қизиқарли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Юнон адабиёти ҳақида тўхтар экан, олим Гомернинг «Илиада»сини, шунингдек, трагедия, драма, комедия, дифиримби, сатира, эпос, риторика, поэмалар ҳақида тўхтаб ўтади. Уларнинг ҳар бирига хос бўлган тасвир усуллари, ифода тарзлари, уларнинг мавзу ва тили, шаклий-поэтик хусусиятлари ҳақида маълумот беради.

Ибн Сино 980 йил (ҳижрий 370 йил)да Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келган. У қомусий олим бўлиб танилади. Олимнинг тиб илмида ниҳоятда беназир бўлганлигини яхши биламиз. Айни пайтда олимнинг асарларида таълим ва тарбия, айрим фанларни ўқиш-ўрганишга оид қимматли фикр-мулоҳазалар ҳам талайгина. У ўз педагогик қарашларида мұхитнинг шахс тарбиясига жиддий таъсир кўрсата олишини маҳсус уқтиради. Олим илм олишнинг узлуксиз жараён эканлигини, бироқ олам сирларини билишда инсон доимо интилиши, ҳаракат қилиши зарурлигини таъкидлайди:

Ҳеч бир гап қолмади, маълум бўлмаган,
Жуда оз сир қолди, мавҳум бўлмаган,
Билимим ҳақида чуқур ўйласам,
Билдимки, ҳеч нарса маълум бўлмаган³.

Ибн Синонинг қайдларидан биз ўша даврдаги таълим-тарбия тизими ҳамда унинг мазмун ва моҳияти ҳақида айрим тасаввурларга

¹ Фаробий. Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ на муқаддималар муаллифи А.Ирисов.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 15-16-бетлар.

² Ўша китоб, 18-бет.

³ Абу Али ибн Сино. Шырлар ва тибий дистон. Тузувчи Абдусодиқ Ирисов. – Тошкент, 1981, 51-бет.

эга бўлишимиз мумкин. Унинг ёзишича, «Бола олти ёшга етгач, уни мураббий ва муаллим ихтиёрига топширилади. Таълим астасекинлик билан берилиши керак; бирданига уни китобга боелаб қўймаслик лозим»¹. Олим айрим адабий намуналарнинг инсон руҳиятига кучли таъсир қилишини кузатган. Жумладан, ошиқлик ҳолати ҳақида гапириб, шундай дейди: «Фазал эшитганда аҳволи шодлик ва қулгуга ёки ғамгинлик ва йигига томон ўзгаради, айниқса, жудолик ва ҳажр тилга олинганда шундай бўлади»².

Абу Райҳон Беруний (973-1048) илмий меросида ҳам олам ҳодисаларни ўрганишга имкон берадиган қўплаб фикр-мулоҳазалар мавжуд. У «кўз билан кўрган эшитгандан афзаладир» деган ақидага риоя қиласди. Билимни эса «қайтариш ва такрорлаш натижасидир»³, деб билади. У билим олишда ва ўргатишида усулларнинг хилма-хиллигини, шаклларнинг ранг-баранглигини эътироф қилган. Чунки дейди олим, «доимо бир хил нарсага қарай бериш малолли ва сабрсизликка олиб келади. (Ўкувчи) фандан фанга ўтиб турса, турли боғларда юрганга ўхшайди, бирини кўриб ултурмай, бошқаси бошланади ва у киши «Ҳар бир янги нарсада лаззат бор», дейилганидек, уларни кўришга қизиқади ва кўздан кечиришни истайди».

Олим «Авесто», «Калила ва Димна», араб адабиёти, ҳинд адабиётига оид қўплаб мисолларни таҳлил қиласди, қиёслайди, улардан ўрнак ва намуналар олишга чақиради.

Айрим асарларни ўқиши услуби эшитувчиларга таъсир қилишнинг муҳим омили эканлиги қадимги туркийларга яхши маълум бўлган. Жумладан, «Тишаствустик» сутрасида декламация билан ўқишига кўрсатма берилган. М.Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк»и орқали XI асргacha бўлган туркий таълим-тарбия тизими ҳақида айрим маълумотларга эга бўлиш мумкин. Жумладан, у алоҳида, биргалашиб ва қўплашиб ўқиш ҳақида ишоралар беради.

Махмуд Қошғарий XI асрнинг буюк мутафаккиридир. Унинг қомусий олим сифатида қўплаб фанларга оид маълумотларни тўплагани ва ўзининг «Девону луғот ит-турк» асарида акс эттиргани яхши маълум. Олим бу асарида ўзини йирик тилицунос ва

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланмана. 1 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нацириёти, 1994, 90-бет.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланмана. 2 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нацириёти, 1994, 21-бет.

³ Абу Райҳон Беруний. Ўйлар, ҳикматлар, накидлар, шеърлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов, - Т.: Ёш гвардия, 1973, 22-бет.

адабиётшунос сифатида ҳам күрсатади. Девондаги адабий парчалар ниҳоятда кенг мавзуларга бағишиланган. Уларнинг жанрлари ҳам ранг-баранг. Олим бу асарларга тегишли изоҳ ва шарҳлар беришининг гўзал намуналарини тавсия этади. Китобда айрим жанрлар, бадийтасвирий воситалар, шеърий вазнлар ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар, изоҳ ва талқинлар мавжуд. Баъзи ҳолларда айрим адабий асарларнинг ўқилиши, уларнинг маъно хусусиятлари ҳақидаги кўрсатмаларнинг мавжудлиги адабий таълимнинг ўша даврдаги ҳолати ҳақида дастлабки тасаввурларни бера олади.

Олим ўз китобидаги материалларни жойлаштириш ҳақида, уларни китобхонларга етказиш ҳақида узоқ муддат бош қотирган: «Мен бу китобни маҳсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим. Қаттиқ жойларини юмшатдим, қийин ва қоронги жойларини ёритдим. Бу иш устида сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бир неча йиллар мashaққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, қийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим»¹.

Асада кўплаб адабий парчалар мавжуд. Уларнинг катта қисми халқ оғзаки ижодига мансубдир. Айниқса, мақолларнинг кўплаб намуналари жамланган. Муҳими, олим уларнинг мавзу доираларини, қўлланиш хусусиятларини ҳам кўрсатиб беради. Жумладан, «Ашич айтур: тубум алтун, қамич айур: мен қайдаман?» «Қозон айтур: тубим олтин, чўмич айтур: мен қайдаман?»

Бу масал ўзининг кимлигини биладиган таниш кишилар олдида мақтанувчи кишига нисбатан айтилади».

Ёки «Ағилда ўғлақ тугса, ариқда ўти унар — молхонада бузоқ туғилса, ариқда ўти чиқади» мақоли келтирилади, унга шундай изоҳ берилади: «Бу мақол овқат ёки ризқ учун ортиқча уриниш ва қайгуриш керак эмаслиги учун айтилади». Яна бир мисол:

«Эрик эрни йағлиғ, эрмагу бashi қанлиғ. — Тиришқоннинг лаби ёғлиқ, эринчоқнинг боши қонлик. ...Бу матал ялғовликни ташлашга, гайрат билан ишлашга ундан айтилади».

Мақолларнинг орасида кам сўзлашга, оз сўз билан кўп маъно уқтиришга ундейдиганлари ҳам бор:

Талим сўзуг уқса бўлмас, йалим қайа йиқса бўлмас. — Кўп сўзни тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни йиқитиб (синдириб) бўлмайди.

¹ Қошгарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону лугот ит-турк). Уч томлиқ, I том, Таржимон ва нашрға тайёровчи С.М.Муталлибов, - Тошкент, Фан, 1960, 44-45-бетлар.

Асарда шеър вазнларини аниқлашга доир ҳаракатлар мавжудлигини кўрсатадиган далиллар бор. Жумладан: «кўг» сўзининг изоҳида, шеърнинг вазни, бу йир не кўг уза ул – бу шеър қайси вазнда?» деган мисол учрайди.

«Эрдам бashi тил – энг яхши хулқнинг боши тилдир» деган мақол ҳам Маҳмуд Қошғарий ёзиб олган нодир мақоллардан биридир.

Юсуф Хос Ҳожиб сўз ва унинг маънолари ҳақида алоҳида тўхтаб ўтади. У сўзни, айниқса, бадиий сўзни муқаддас ҳодиса сифатида санайди:

Яшил кўқдин инди йагиз йерка сўз,
Сўзи бирли йанглуқ ағир қилди ўз.
Сўз бўз ерга яшил кўқдан тушди,
Сўзи туфайли инсон ўзини улуғ қиласди.

Адид тилни укув ва билимларнинг таржимони деб билади. У элчилар ҳақидаги бобда сўзнинг ички ва ташқи, ўз ва кўчма маънолари ҳақида гапиради. Инсоннинг ақлу заковати мана шу ҳодисаларни ажратса олишида ҳам намоён бўлишини таъкидлайди.

Уқушлуг керак каз йалавач, ўруг,
Билиглиг керак сўзка, билга, йўргур.
Яна билса сўзнунг ичи ҳам таши,
Этилса аниңг ўтру бузмиш иши.
Элчи жуда заковатли, хотиржам (бўлиши) керак,
Билимли, сўзга доно, тадбирли (бўлиши) керак.
Яна сўзнинг ичи ҳам ташини билса,
(Токи) унинг туфайли бузилган ишлар тузалса.

Сўзнинг ичи ва ташини билиш учун уни билдирадиган киши ҳам керак бўлади. Демак, ўша даврларда мана шу зарурат мавжуд бўлган. Биз бундан сўз маъноларини изоҳдаб, шарҳлаб ўрганишнинг яхши йўлга қўйилганини тасаввур этишимиз мумкин бўлади. Бундай ўқитишнинг мадраса таълимидағи устивор йўналиш эканлиги эса фан тарихидаги яхши маълум бўлган ҳодисадир.

Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқа адилларимиз ижодида таълим-тарбия жараёни, унинг шахси ва мазмунига оид қимматли фикрлар мавжуд.

Ўтмишда қиссанхонлар, ровийлар, воизларнинг жамият ҳаётида катта ўрин тутганлиги яхши маълум. Бу ўлкада шоҳномаҳонлик, яссавийхонлик, саъдийхонлик, ҳофизхонлик, бедилхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик йигинлари кенг тус олган.

Мактабларда диний асарлар, айниқса, Қуръонни ифодали ўқиши, унинг маъноларини англаб етиш билан бир қаторда айрим асарларнинг матни, маъноси, ҳар бир сўзнинг изохи, бадиий асарни тушунтиришга оид машқлар устида жиддий ишланган. Бадиий асарларга шарҳлар битиш анъана тусини олган.

Мактаб ва мадрасаларда фақат туркий тилда эмас, балки араб ва форс тилларида ёзилган бадиий китобларни ўқиши ҳам таомилда бўлган. Уларда жуда эрта ёшдан Шарқнинг машҳур классиклари – Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Фузулий, Навоий, Бедил асарлари билан танишиш имконлари яратилган.

Исломдаги илмга нисбатан ижобий муносабат ҳам таълимтарбиянинг ўзига хос тарзда ривожланишига имконият яратди. Жумладан, ҳадиси шарифларда бу ҳақда шундай мулоҳазаларни кўришимиз мумкин:

«Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, Чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир»¹.

«Садақанинг афзали мўмин кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир».

«Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади».

«Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир».

А.Навоий фақат сўз санъатининг буюк намояндаси, оламшумул аҳамиятга молик бўлган ижодкоргина эмас, таълимтарбия соҳасида жиддий фикрларни билдирган, бу соҳада назарий фикрларни айтиш билан чекланмасдан, катта ҳажмдаги амалий фаолият билан шугулланган беназир мутафаккир ҳамдир.

«Маҳбуб ул - қулуб» асарида билим олиб мустақил мушоҳада юрита олмайдиган инсонни «устига китоб ортилган эшак»²ка қиёслайди ва «нодон» деб атайди. Шунингдек, улуф шоир асарида ўқувчини чиройли ёзувни, ёзма нутқ малакасини эгаллашга унрайди. У ёд олиш усулининг имконият ва афзалликларини тарғиб қилди. Жумладан, Фарҳод ҳақида гапириб:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,

Яна очмоқ йўқ эрди ул варакни.

...Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,

Қолиб ёдида саҳфа-саҳфа бори, – деган мисраларни битади. «Лайли ва Мажнун» достонида эса матндаги сўзлар маъносини

¹ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990, 32-бет.

аңглаб ўқишиңи улуғлайды:

Күн бор эдиким беш-йн сабақни

Аңглаб эвурур эрди варақни.

Үзининг устози ва дўсти Паҳлавон Муҳаммадни ҳам «маснавий ва қасида ва газал ва ҳар синф шеърдин хўб ва кўп ёдида»¹ бўлганлигини ифтихор билан эслайди. Навоийнинг ўзи ҳам бу борада бошқаларга намуна эди. Адиб «Муҳокамат ул-лугатайн»да шундай эътироф этади: «Ийигитлигим замони ва шабоб айёми айвонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин **абётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутумен** ва алар завқу хушҳоллигидин ўзумни овутупмен...»².

Навоийнинг ўзи айрим сўзларни изоҳлаш, тушунтириш асар, хусусан, шеърий асарлар мазмунини тушунишдаги асосий қалит деб билади. Ўзи бунинг гўзал намуналарини беради.

Навоийнинг ўқитувчи ҳақидағи қараашлари ҳам ибратлидир. У «Маҳбуб ул-қулуб»да «Мударрислар зикрида» деган алоҳида фасл ажратган. Унда мударрис «ўзи билмаган илмни айтурга муртакиб бўлмаса», дейди. Шогирдларнинг эса устодлар олдида ҳар доим бурчдор эканлигини («Дабиристон аҳли зикрида» фасли) таъкидлайди: «Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устод андин розидур — тенгри розидур.

Байт:

Ҳақ ўйлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила»³.

Адибнинг шеър ва шеърият, назм ва наср, айрим адибларнинг ижодкорлиги борасидаги фикрлари ҳам адабий таълим билан бевосита алоқадордир.

Жумладан, Амир Темур ҳақида шундай ёзади: «Т е м у р К ў - р а г о н — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор»⁴.

Унинг мактаб, таълим-тарбия ҳақидағи фикрлари фавқулодда катта аҳамиятга эга. Ўрни-ўрни билан эса адибнинг бевосита адабий таълимга оид фикрлари ҳам мавжуд. Жумладан, Навоий ўқувчиларнинг

¹ Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. — Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн бешинчи том, Тошкент, Фан, 1999, 111-бет.

² Алишер Навоий. Муҳокамат ул-лугатайн. — Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн олтинчи том, Тошкент, Фан, 1999, 32-бет.

³ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. — Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн тўртинчи том, Тошкент, Фан, 1998, 28-бет.

⁴ Алишер Навоий. Мажолис ул-нағоғис. — Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн учинчи том, Тошкент, Фан, 1997, 163-бет.

саводхонлиги, уларнинг дунёқараши, нутқларининг равон бўлиши учун назмий ҳамда насрый асарларининг ўқитилишини қайд этади:

Ёдимда мундоқ келур бу можаро,
Ким туфулият чоғи мактаб аро,
Ким чекар атфоли марҳум забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун.
Эмгонурлар чун сабақ озоридин,
Ё каломуллоҳнинг тақоридин.
Истабон ташхис хотир устод,
Назм ўқитурким равон ўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқурлар достон
Бу «Гулистон» янглиғ, ул «Бўстон».
Манга ул ҳолатда табъи булҳавас,
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди мултамас.

XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача ўтган даврда, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистонда педагогик, методик фикр ўзига хос тарзда ривожланиб борди.

Дилшод Барно (1800 - 1906) берган маълумотларга қараганда XIX аср мактабларида адабий таълимнинг алоҳида ўрни ва мавқеи бўлган. Бу ҳақда, жумладан, шундай маълумотлар бор: «Ҳамдам ва ҳамсуҳбатларим зеҳнли шоири қизлар бўлиб, 51 йил мактабдорлик қилдим. Мактабда айло ва ўрта ўқувчилардан доим 20 ва 30 қиз таълим олар эдилар. 891 қизни саводли қилиб чиқардим. Улардан яқин тўртдан бир қисми табъи назми бор шоира, оқила қизлар эди»¹. Анбар Отиндек буюк шоира ҳам Дилшод Барно мактабининг ўқувчиси бўлганини эсласак, бу даврдаги адабий таълимнинг натижаларини тасаввур қилишимиз осонлашади.

Ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси, асосан, йигирманчи асрнинг 20-йилларда фан сифатида шаклланди ва ривожланиб борди. Ўзбек адабиётини ўқитиш усулининг мустақил фан эканлиги шундаки, бошқа фанлардаги каби унинг ҳам ўрганиладиган, тадқиқ этиладиган предмети мавжуд бўлиб, у бадиий адабиётдир.

Умумий сиёсий ҳаётдаги ўзгариш маданий ҳаётнинг ҳамма тармоқларига ўз таъсирини кўрсатди. Беҳбудий, А.Авлоний, X.X.Ниёзий, А.Қодирий, Чўлпон каби шоир ва ёзувчилар ўзбек халқининг маърифатли бўлиши, янги тур ва мазмундаги адабиётни яратиш учун ҳаракат қилдилар.

¹ Ўзбек шоирлари баёзи. Дилшод. Анбар отин. Тузувчи ва сўзбоши муаллифи М.Қодиро-ва. -- Т.: Фан, 1994, 85-бет.

Беҳбудий «Падаркуш» асарида дастлаб маърифатнинг инсон ҳаёти, инсоният тақдирини учун қанчалик катта аҳамият касб этишини бадиий жиҳатдан тадқиқ этади. Миллий, инсоний қадриятни англазда маърифатли бўлиш зарурлигини, маърифат ва жаҳолатни - эзгулик ва ёвузлик тимсоли сифатида тасвирлайди.

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шаҳридаги Мерганча маҳалласида Миравлон aka ҳамда Фотима опалар хонадонида дунёга келган. У дастлаб Акрамхон домланинг хусусий мактабида савод чиқаради, 1890 йилда аввал маҳалладаги мадрасада ўқий бошлайди, сўнг уни Шайхонтаҳурдаги Абдулмаликбой мадрасасида давом эттиради.

«Адабиётга ҳавас унда шу йиллари уйғонди. Навоий шеъриятига, Фузулий ғазалларига меҳр қўйди. Сўнгиз бир иштиёқ билан форс тилини ўрганди. Саъдий ва Ҳофизнинг сеҳрли оламидан завқ-шавқ олди»¹.

Авлоний шоир, носир, драматург, публицист ва мударрис сифатида шуҳрат қозонади. У дастлабки миллий дарслик ва қўлланмалар муаллифи ҳамdir.

Тошкентдаги дастлабки усули жадид мактабларининг ташкил этилиши Авлоний (1904) номи билан боғлиқ. Унинг Миробод (1907-1908), Дегрез маҳаллаларида (1909) мактаб очганлиги яхши маълум. Муҳими, у мазкур мактаблар учун зарур бўлган дарсликларни ҳам яратади. «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» шулар жумласидандир. Б.Қосимов унинг ўз даврида босилмай қолган «Учинчи муаллим», «Мактаб жуғрофияси», «Ҳисоб масалалари» дарсликларини ҳам кўрсатган эди.

«Мухтарам муаллим афандиларимиздан рижо қилурманки, бизнинг «Биринчи муаллим»имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўқутуб кўрсалар», - дейди муаллифнинг ўзи. Унда дидактик руҳ ниҳоятда қучли бўлган ҳикоя ва ибратномалар жамланган. Ёлғончиликни қоралаш («Ямонлиқ жазоси»), сабр-тоқатли ва қаноатли бўлиш («Қаноат»), яхшилик қилишга даъват («Яхшилик ерда қолмас») сингари эзгу фоялар уларнинг асосий мазмунини ташкил этади.

«Иккинчи муаллим» китобининг муқаддимасида муаллиф «Биринчи мактабларимизнинг шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун очуқ тил ва осон таркиб ила ёзууб, ахлоқий ҳикоя-

¹ Қосимов Б. Оқ тоңгларни орзулаган шоир. – Абдулла Авлоний. Таъланган асарлар. 2 жилдик. Й-жилд. Шсьлар, ибратлар, тўплочи, нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б.Қосимов. – Тошкент, Маънавият, 1998, 5-бет.

лар, адабий шеърлар ила зийнатланмиш»¹, -деб таъкидлаган бўлса, «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ асари муқаддимасида «Мен бу асари ночиzonamni² биринчи мактабларимизнинг юқори синфларида таълим бермак ила баробар улуф адабиёт муҳиблари³, ахлоқ ҳаваскорларининг анзори⁴ олийларина тақдим қилдим», - дейди.

Абдулла Авлоний тарбиянинг бу ўзгартириувчи кучига, одамзод табиатини ўзгартириш таъсирига катта баҳо беради: «Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Базилар тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсаллар, табиат ўзгармас... — демишлар. Лекин бу сўз тўғри эмасдур. Чунки тарбиянинг ахлоққа, албатта, таъсири бўладур. Орамизда масал борки, «суг или кирган жон ила чиқар», мана бу сўз тўғридур».

Тадқиқотчи Р.Баракаев Авлонийнинг «Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом» китобини болалар учун маҳсус мослаштирилган китоб сифатида баҳолайди: «Аслида Қуръони Каримдаги оятларнинг еттидан бир қисмини ажратиб олиб, бошлангич мактабларда айнан шу қисмни ўргатишининг ўзи ҳам катталар учун яратилган асарни болаларга мослаштириш (адаптация)нинг бир усули сифатида баҳоланиши жоиз»... «Инчунин, «Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом» ҳам анъанавий «Тарихи анбиё»ларни соддалаштириш ва ёш китобхонлар савиасига мослаштириш маҳсули сифатида XX аср бошларидағи ўзбек болалар адабиётидаги ўзига хос изланишидир»⁵.

Абдулла Авлоний муҳаррир сифатида «Шуҳрат» газетасини (1907 йил 4 декабрь) нашр этади. 1917 йил Февраль инқилобидан кейин эса «Турон» газетасини чиқара бошлайди. Бу газетага «Яшасин халқ жумҳурияти!» деган шиор танланган эди. Авлоний «Хижрон» тахаллуси билан шеърлар ёзади, публицистик мақолалари остига эса «Мулла Абдулла», «Авлоний», «Абдулла Авлоний», «Индамас» деб имзо чекарди. У театрда айрим ролларни ижро этган актёр сифатида ҳам машҳур эди. Ўзи «Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва Сиз», «Икки севги», «Пўртугалия инқилоби» сингари драмаларини ёзади.

Абдулла Авлоний «Мактаб Гулистони» дарслигига адабий

¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд, Пандлар, ибратлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. Тупловчи ва нашрга тайёрловчи Б.Қосимов. – Тошкент, Маънавият, 1998. 9-бет.

² Асари ночиzonona - ёч нарсага арзимайдиган, кўч камтарона

³ муҳиблар – муҳлислар, дўстлар

⁴ анзор –қарашлар, «назар»нинг кўплиги

⁵ Баракаев Р.Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Тошкент, Фан, 2004, 78-бет.

асарларни ифодали ўқишининг якка ва кўпчилик бўлиб ўқиш, ифодали ўқиш, диалог, драма ҳолига келтириш турларини кўрсатади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919) методика тарихида ҳам тегишили из қолдирган йирик сиймолардан бири. У таълим мазмуни, таълимни ташкил этишнинг ўзига хосликлари, таълим жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мавқелари ҳақида қизиқарли ва жиддий фикрларни билдирган. Жумладан, кўп асрлик тарихга эга бўлган ҳамда Шарқ зиёлиларининг кўплаб авлодларни оламшумул обрў-эътибор топишларига имкон берган мадраса таълим мининг ўз замонига келиб оқсан қолганлигини, ривожланишнинг мазкур босқичида тараққиётдан орқада қолаётганлигини ўзи англайди, буни бошқаларга ҳам Англатиш йўлидан боради. Унинг бевосита ташаббуси билан «ибтидоий синфларда диний дарс ва илмлардан намоз ўқиш, ҳафтияки шариф, маорифи иймон ва эътиқод, ибодати исломия, тажвид, тарихи анбие, аҳли суннат ақидаси кабилар ўргатилса, дунёвий дарс ва фанлардан алифбо, ёзиш, шеър (назм) ва наср, иншо, ҳисобдан тўрт амал, жуғрофия, бир оз аҳволи олам ва дунё одамларидан маълумот берилади, болаларнинг хат ва саводи мукаммал чиқади»¹.

Хайруллахон Сайд Носир ўғли Мирзо (Мирзо Хўқандий) (1880-1943) ҳам бир неча йўналишларда иш олиб борган маърифатпарварлардан биридир. У янги усулдаги мактаблар очища ташаббус ва фаоллик кўрсатган, ўзи шу мактабларда дарс берган, мактаб қошида кутубхона ва нашриёт ташкил этган. Бошқа тиллардаги дарсликларни ўзбек тилига ўтирган, ўзи ҳам «Гулшани Мирзо», «Гулшани хаёл» номлари билан дарсликлар яратган. Болаларнинг ақлий имкониятларини ошириш, уларнинг зеҳнини ўстириш мақсадида «Жумбоқ мажмуаси»ни тузган. Мажмуадан топишмоқлар ўрин олган².

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1911 йили Кўконда Ҳожибек гузарида янги усул мактаби очди ва ўзи ўқитувчилик қилди. У 1914-15 йилларда «бошлангич мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби»ни ёзди. Энг муҳими, Ҳамза ўз китобларини осондан мураккабга ўтиш асосида тузди. Бу китобларда ўқиш, матн устида мустақил ишлаш, синфдан ташқари ўқишига эътибор берди. Уларнинг барчасида ўқувчиларга адабий таълим

¹ Дўсткорасев Б. Маҳмудхўжа Беҳбудий – таълим ислоҳотчиси. - // Til va adabiyot ta'limi, 2005, 4-сон, 94-бет.

² Қаранг: ЎзМЭ, Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003, 5-жилд, 700-бет.

бериш асосида болаларнинг мукаммал тарбия асослари билан ҳам танишишлари бош мақсад қилиб қўйилди.

Илгор фикрли зиёлилар Туркистон мактабларида таълимнинг янги тартибини амалга ошириш учун курашдилар. Натижада таълимда янги турдаги «усули савтия» мактаблари юзага келди. Бу мактабларда она тили (ўзбек тили) асосий ўқув фани сифатида ўқитилди. Таълим жараёнида изоҳлаш (шарҳлаш) усулидан фойдаланилди. Шунга кўра, адабиётда бу таълим «изоҳли ўқув» деган номни олди.

1918 йилда Тошкент эски шаҳар маориф шўбаси қошида «Макотиб» (методик бирлашма) уюшмаси ташкил этилди ва унга Зуфар Носирий раҳбарлик қилди. Бу шўбада ҳафталиқ ўқув режаси тузилиб, мактабларда шу режа асосида дарс ўтилди. 1918 йил «Маориф» журналида V-VIII синфлар учун она тили ва адабиёти дастури эълон қилинди. Дастурда бадиий асарни ўқишига эътибор берилди. Асар билан таништиришдан олдин адабиёт назариясидан маълумот бериш мўлжаллаган эди. Дастурда назарий маълумотларни ўтишда бадиий асарларга суюниш тавсия этилса ҳам, уларнинг аниқ номи, ҳажми кўрсатилмади.

Шу йиллардаги мактабларнинг бири ҳақида гапириб, Ойбекнинг умр йўлдоши Зарифа Сайдносирова шундай хотираларини ёзишган эди: «Мактабда она тили, ҳисоб, жуғрофия, тарих дарслари ўқитилар, бутун дарсликлар татар тилида, Қозон ва Оренбургдан келтирилган эди»¹.

ХХ асрнинг 20-йилларида мактабларда «жўғрофия, табиёт, тарих, ҳисоб каби она тилидан бошқа билимлар ҳам» мактабларда ўқитила бошлаганини Элбек ҳам тасдиқлади².

Абдураҳмон Саъдийнинг «Сабоқ тузуги» (1920) дастурида ҳам мактабда ўрганилиши лозим бўлган асарлар номи аниқ кўрсатилган эмас, адабий материал танлаш ўқитувчи ихтиёрига топширилган эди. «Адабий ўқиши» термини 1921 йил дастури нашр этилган вақтдан бошлаб мактаб ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллади. Адабий ўқишида асарни ғоявий-бадиий таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди, яъни ҳар бир асар бутун ҳолда ўрганилади. Аммо материал танлашнинг илмий тамойиллари ҳал қилинмади. Асарлар ғоявий-бадиий, эстетик мазмунига қараб эмас, давр сиёсатига қараб танланган эди.

1924 йилдан 1929 йилгача ўтган давр ичida Элбекнинг «Намуна» (I-IV қисм, 1925), Фитратнинг «Адабиёт қоидалари»,

¹ З.Сайдносирова. Ойбеким менинг. Хотиралар. Тошкент, Шарқ, 1994, 20-бет

² Элбек. Танланган асарлар.- Т.: Шарқ, 1999, 260-бет.

«Ўзбек адабиёти дарслари» (1925) китоблари яратилди.

«Адабиёт қоидалари» фақат адабиёт назариясига оид китобгина бўлиб қолмасдан, айни пайтда адабиётшуносликка оид дарслер ҳамда методикага доир қўлланма сифатида ҳам баҳоланиши мумкин¹.

30-йилларда ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги ҳамда ҳалқ оғзаки ижоди соҳасида эришилган ютуқлар дастур ва дарслерларда ўз ифодасини топди. «Адабиёт дастури» тарихийлик асосида тузилиб, унда классик ҳамда сўнгти давр адабиётининг йирик намоёндалари асарларидан намуналар берилди.

Аммо, бу дастурлар бўйича адабиёт ўқитишида айрим бадиий асарларни ўзлаштириш эмас, балки ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини баён этишга, ижодининг ижтимоий-сиёсий моҳиятини, ёзувчининг синфий мавқеини очишга кўпроқ эътибор берилди.

Партиявийлик талабининг адабиёт ўқитиши жараёнига ҳукмрон тамойил сифатида киритилиши таълим тизимидағи адабиёт фанларининг ўқитилишини бир ёқламаликка олиб келди.

«Тўлиқиз ўрта ва ўрта мактаблар учун программалар» (1938) да адабий асарни ўқишига асосий ургу берилди. Сал кейинроқ тузилган «Ўрта мактаб программалари» (1940)да оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришга, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш имконларини ривожлантиришга эътибор берилди, асарни ифодали ўқиш, савол ва топшириқ ҳамда машқлар асосида асарнинг гоявий мазмунини ўзлаштириш тавсия этилди.

Танланадиган асарларнинг ўқувчиларнинг ёши ва билим савиясига мос бўлишига эътибор қаратилди.

1934 йилда «Ўрта мактабларда адабиёт ўқитиши методикасининг асосий масалалари» деган маҳсус китоб (А.Саъдий) яратилди. Унда адабиётни маҳсус фан сифатида ўқитиши, болага адабий таълим беришда тегишли изчиллик ва мантикий қоидалар бўлиши кўрсатиб ўтилди.

И.Султоновнинг «Адабиёт назарияси» (1940) дарслигининг яратилиши фақат адабиётнинг умумий қоидалари, унинг назарий масалаларини умумлаштириши билангина эмас, балки бу назарий тушунчаларнинг таълим жараёнига олиб кирилиши учун ҳам қулай замин яратди.

Ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси фанининг ривожида 50-йилларда фаолият кўрсата бошлаган кўплаб олимларимизнинг хизматлари катта бўлди. С.Долимов, Ф.Каримов, Н.Маллаев,

¹ Бу ҳақда қаранг: Х.Болтабоев. Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси. - // А.Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Х.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1995, 3-19-бетлар.

Х.Убайдуллаев, К.Аҳмедов, А.Зуннунов, С.Исматов сингари олимлар бу соҳанинг мустақил бир соҳа сифатида камол төпишига муносиб ҳисса қўшишди. Уларнинг адабиётшуносликнинг тури соҳаларидаги, методика илмидаги хизматлари гуфайли ўрта мактаблар учун тузилган дастур ва дарсликлар ҳам маълум даражада мунтазам ҳолатга кела бошлади. Адабиёт ўқитиши методикасига оид дастлабки мустақил тадқиқот - қўлланманинг яратилиши ҳам худди шу даврларга тўғри келади¹. «Адабий ўқиш методикаси» деб номланган бу китоб муаллифлари таниқли методистлар **С.Долимов ва Х.Убайдуллаевлар** эди. Унда ифодали ўқиш ҳақида, унинг мазмун ва моҳияти, турлари ҳақида яхлит маълумотлар берилган. Китоб адабиёт ўқитишидаги назарий асослардан тортиб, унинг бевосита амалиётдаги ҳолатларигача бўлган ҳодисаларни қамраб олади. У тўрт қисмдан иборат. Булар: адабиёт методикаси ва унинг назарий асослари ҳақида маълумот, адабий ўқиш, адабий ўқиш юзасидан синфдан ва мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишлар, режалаштириш ва жиҳозлаш масалалари деб номланган. Китобда амалий фаолият билан алоқадор бўлган масалаларга анча катта эътибор берилганлиги унинг асосий ютуқлардан биридир. Муаллифлар ҳар бир назарий муаммони албатта аниқ мисоллар билан далиллаш йўлидан боришиган. Шунга қарамай, унда ўша давр мафкурасининг кучли таъсири ҳам очиқ сезилиб туради.

С.Долимовнинг «5-синф «Ватан адабиёти» хрестоматияси учун методик қўлланма» китоби 70-йиллардаги ўзбек адабиётини ўқитишидаги ўзига хос усуулар ҳақида муайян тасаввурлар беради². Муҳими, у ўша пайтларда адабиёт дарси самарадорлигини ошириш учун амалий тавсияларга бойлиги билан эътиборли бўлган.

Кудрат Аҳмедов ўзбек адабиёти методикаси учун катта хизмат қилган олимларимиздан биридир. У меҳнаткаш олим, ташаббускор раҳбар ва яхши ташкилотчи сифатида адабиёт методикаси равнақи учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Олимнинг «Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганиш»³ деган йирик тадқиқоти бу соҳадаги хизматларининг яқъол далилидир.

Ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси фани ривожи профессор Асқар Зуннуновнинг номи билан бевосита боғлиқ. **Асқар Зуннунов** Ўзбекистонда айни шу соҳа бўйича етишиб чиққан биринчি фан

¹ Долимов С.. Убайдуллаев Х. «Адабий ўқиш методикаси», Тошкент, 1952

² Долимов С. 5-синф «Ватан адабиёти» хрестоматияси учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитуучи, 1974.

³ Аҳмедов К. Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганиш. – Т.: Ўрга ва Олий мактаб давлат нашириёти, 1963.

докторидир. Олимнинг ўзбек адабиёти ўқитиш методикасига оид кўплаб китоблари, мақолалари методист олимлар ва амалиётчи ўқитувчиларнинг доимий маслаҳатгўйларидир.

Олим алоҳида адибларнинг ҳёти ва ижодини ўрганиш ишига ҳам асос солиб берган. Айниқса, «Мактабда Faфур Fулом ҳёти ва ижодини ўрганиш»¹ китоби бу соҳада ўтган асрнинг етмишинчи йилларидағи йирик ютуқлардан биридир.

Унинг бадиий асарни таҳлил қилиш, адабиёт дарсларини ташкил этиш, асарларни жанр хусусиятларига кўра таҳлил этиш усуллари, адабий-назарий тушунчаларни ўрганишнинг илмий-методик хусусиятларига оид кўплаб асарлари мавжуд. Уларда методика илмининг йирик ва ўткир назарий муаммолари қаторида кўплаб амалий масалалар ҳам изчил ёритиб берилиган.

Мъалумки, таълимнинг турли босқичларида адабий-назарий тушунчаларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу адабий таълимнинг энг оғир муаммоларидан биридир. Олим шу соҳада ҳам кўплаб мақолалар, алоҳида китоблар чоп эттирган².

Олимнинг ниҳоятда катта хизматлари унинг ўзбек педагогикаси, хусусан, адабиёт ўқитиш методикаси тарихини ўрганиш билан алоқадор. «Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар»³ китоби шу соҳадаги ниҳоятда катта меҳнатлар эвазига юзага келган улкан тадқиқотдир. Бу китобда асосан XX асрнинг бошларидан шу асрнинг 70-йилларигача бўлган даврдаги адабиёт ўқитиш методикаси тарихидаги асосий ҳодисалар хронологик изчилликда кўрсатиб берилиган.

Олим алоҳида синфлардаги адабиёт дарслари учун методик қўлланмалар яратиш анъанасини бошлаб берган методист олим сифатида ҳам қадрлидир. Унинг Р.Усмонов билан ҳамкорликда яратган «7-синф «Ватан адабиёти» дарслик-хрестоматияси учун методик қўлланма»си⁴ шу соҳадаги яхши тажриба бўлган эди. У ўша даврларда амал қиласидан дастур ва дарслик асосида ўқитувчилар учун методик қўлланма сифатида яратилган, ўқитувчиларнинг бевосита иш тажрибаларида фойдаланишлари учун кўплаб фойдали маслаҳат ва иш тажрибалари билан зийнатланган эди.

¹ Зуннунов А. Мактабда Faфур Fулом ҳёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1977. Бу ҳайдада яна қарант: А.Зуннунов, Н.Хотамов. Адабиёт назариясидан қўлланма. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1978.

² Зуннунов А. 4-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш. - Т.: Ўқитувчи, 1974.

³ Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. Ўқитувчилар учун қўлланма. Т.: Ўқитувчи, 1973.

⁴ Зуннунов А., Усмонов Р. 7-синф «Ватан адабиёти» дарслик-хрестоматияси учун методик қўлланма Т.: Ўқитувчи, 1975.

Бу соҳадаги энг йирик тадқиқот, ҳеч шубҳасиз, «Адабиёт ўқитиш методикаси»лир¹. Гарчи унда камтароналиқ билан «Мактабда адабиёт ўқитиш усулларига доир барча масалаларни биргина қўлланмада қамраб олиш қийин» дейилган бўлса-да, у адабий таълимнинг асосий муаммолари ҳақида атрофлича маълумот бериши билан эътиборга лойикдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришувидан сўнг умумтаълим мақтаблари адабий таълимида ҳам янги имкониятлар пайдо бўлди.

90-йилларнинг бошида адабиёт ўқитиш бўйича янги дастур ишлаб чиқишига ҳаракат қилинди ва уларнинг бир неча авлоди яратилди. «Таълим тўғрисида»ти Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997) қабул қилинганидан кейин таълим тизими ҳам, таълим мазмуни ҳам янгича талаблар асосида шаклланди. Эндиликда ана шу талаблар асосида давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва дарсликлар, шунингдек, ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Адабиёт ўқитиш методикаси фани мустақиллик йилларида сезиларли даражада ривожланмоқда.

Марғуба Мирқосимова адабий таҳлил борасида узлуксиз изланишларни амалга ошироқмода. У шу соҳага алоҳида қизиқиши билдириб келаётган методист олимадир.

«Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари»² китоби олиманинг бу йўналишдаги ютуқларидан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Унда муаллиф ўқувчиларни адабий таҳлилга ўргатиш бир босқичдагина амалга ошириб бўладиган иш бўлмасдан, унга узвийлик ва узлуксизлик тамоилии асосида ёндошилганидагина тегишли самара бериши мумкинлигини ишончли далиллар ёрдамида кўрсатиб беради. Бунинг асоси сифатида эса у бадиий таҳлилнинг элементар намуналарини бошлангич синфларданоқ бошлаш кераклигини кўрсатади. Бу ҳақда олма щундай ёзади:

«Дастур талабига кўра, V-VII синфларда адабий материални ўрганиш жараёнида ўқувчининг тўғри, тез, равон ўқиши малакасини ҳосил қилишга, оғзаки ва ёзма нутқини, боғланишили нутқини ривожлантиришга, сўзларни қўллаш, сўз маъносини, унинг товуш хусусиятларини ўрганиш; жумлалар ва гаплар тузиш воситасида

¹ Зунунов А., Ҳотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

² М.Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. - Тошкент, Фан, 2006.

ўз мuloҳазаларини мантиқий изчилиикда, тасвирий ифодалардан фойдаланиб баён этиш; асарни қайта ҳикоялаш, ўқувчини кузатган ҳодисалари ёки расмлар воситасида мустақил ҳикоя тўқишига ўргатиш лозим. Натижада, бошлангич синф ўқувчисида адабий материални ўқиб ўрганиш, унинг мазмунини ўзлаштириш, китоб устида ишлаш кўникмалари шакллантирилади. Таянч синфларда эса бундай кўникмаларни янада ривожлантириш заминида адабий асарнинг қурилишини ўрганиш, бадиий образ моҳиятини англаш, эстетик дидни тарбиялашга эътибор қаратилиди»¹.

Китобда ўқувчиларнинг адабий таҳлил малакасини шакллантиришнинг илмий-методик асосларини кўрсатишга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш жоиз.

Унда ёзувчи маҳоратини ўрганиш муаммолари ҳам таҳлилга тортилган. Муаллиф бу фикрлар исботи учун Абдулла Қаҳҳор, Атоий, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидан мисоллар келтиради.

Адабий-назарий тушунчаларни ўрганишда изчилиикнинг ўрни ва аҳамияти ҳам китобда ўринли кўрсатиб берилади. Унда умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфлари давомида ўрганиладиган адабий-назарий тушунчалар таҳлилига кенг ўрин берилган.

Мазкур китоб илк марта академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги адабий таълим муаммоларига даҳл қилиши билан ҳам эътиборлидир.

Қозоқбой Йўлдошев адабиёт ўқитиши методикаси фанининг мустақиллик давридаги ривожига сезиларли таъсир ўтказиб ва муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлардан биридир. У адабиёт ўқитиши методикаси фанининг назарий муаммоларини ҳам, унинг амалий жиҳатларини ҳам жiddий тарзда тадқиқ этиб келмоқда. Унинг «Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари»² китоби адабиёт ўқитиши методикаси фанининг жiddий ютуқларидан бири сифатида қайд этилиши мумкин. Олим бу тадқиқотида адабиёт ўқитишдаги янгича тамойиллар ҳақида баҳс юритади. Анъанавий адабий таълимдаги нуқсон ва камчиликлар тўғрисида мuloҳазалар билдиради. Энг мухими, у янгича, адабий-эстетик таҳлил намуналарини тавсия ҳам этади.

«Алпомиш талқинлари» олимнинг адабиёт ўқитувчилари учун методик қўлланмаларидан биридир³.

Унинг асосий фазилатлари сифатида асар мазмун-моҳиятига теран бир нигоҳ ташланганлигини, достон матни замирида

¹ Ўша китоб, З-бет.

² Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишининг илмий-назарий асослари. Тошкент. Ўқитувчи, 1996.

³ Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Т.: «Маънавият», 2002.

яшириниб ётган миллий-маънавий қадриятларнинг бадиий талқинларига алоҳида эътибор берилганигини, сўз санъатининг бир тури сифатида фольклордаги бадиий жозибанинг ўзига хос қирраларини очиб беришга уринишни кўрсатиш мумкин. У адабиётшунослар, хусусан, фольклоршунослар учун қанчалик муҳим бўлса, методист олимлар, тил ва адабиёт ўқитувчилари, филология факультетларининг талабалари учун ҳам шунчалик кераклиди.

Китоб бадиий асарни таҳлил ва талқин қилишнинг ўзига хос йўлларини кўрсатиб бера оладиган яхши намуна сифатида тавсия этилиши мумкин. Муаллиф асарнинг «қўл қатламли» эканлигини кўрсатади, достоннинг пайдо булиши билан боғлиқ илмий қарашларга янгича нуқтаи назардан ёндошади, бунда соҳанинг йирик олимларига суюниб иш кўради. Шунинг учун ҳам «Гап «Алномиш» достони устида боргандан сўнг, умуман, ҳалқ достонлари ҳақида дунё адабиётида мавжуд бўлган қарашларга ёҳуд ижтимоий қолигларга эмас, балки асарнинг матнига, ундаги қаҳрамонларга, қўлланилган тимсолларга таяниш, ўшаларга таяниб сўз айтишгина самара келтиради»¹, каби хуносалар салмоқли ва илмий-методик жиҳатдан фойдалидир.

Унинг «Адабий сабоқлар.8»² китоби умумтаълим мактабларининг 8-синф «Адабиёт» дарслиги учун методик қўлланмадир. У 8-синф дарслиги билан бир хил тузилишга эга, яъни дарсликдаги «Халқ оғзаки ижодидан», «Ўзбек адабиёти тарихидан», «Янги ўзбек адабиётидан», «Жаҳон адабиётидан» сингари руқнларга бўлинади. Қўлланмада таъкидланганидай «саккизинчи синф «Адабиёт» дастурида миллатнинг келажаги бўлган ўспирин маънавиятини таркиб топтиришга хизмат қиласиган асарларни ўрганишга эътибор қаратилган». Унда адабий материалларнинг мантикий-хронологик тартибида жойлаштирилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Назаримизда, қўлланмадаги «Ўқитувчи бу синфда ўрганилиши мўлжалланган асарларни ўтишда, ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилишда бадиий матндан келиб чиқадиган ижтимоий, сиёсий, миллий, маънавий мазмунидан ҳам кўра, асарлар эстетик хусусиятларининг ўзлатирилишига кўпроқ эътибор қаратиши шарт» деган алоҳида таъкидлар бежиз эмас. Унинг асосий ютуқлари ва ижобий фазилатлари ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин:

1. Қўлланма ўқитувчиларни кўпгина назарий маълумотлар билан танишишга, уларни назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қиласиди.

¹ Йулдошев Қ. «Алномиш» талқинлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар., 19-бст.

² Йулдошев Қ. «Адабий сабоқлар. 8». Умумтаълим мактабларининг 8-синф «Адабиёт» дарслиги учун методик қўлланма. – Т.: Шарқ, 2004.

2. Көлтирилган асос ва талқынлар ўқувчиларнинг бадиий асар мазмуни ва моҳиятини теран англашларига ҳамда уларни тегишли ўзанларга йўналтиришга ёрдам беради.

3. Ундаги берилган таҳлил намуналари ўқитувчиларнинг иш фаолиятларига амалий жиҳатдан кўмак бўла олади.

4. Айрим таҳтилларнинг адабиётшунослик ва фольклоршунослик фанларига таянган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари учун илк марта амалга оширилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Шунга қарамай, унда айрим мулоҳазаталаб ўринлар ҳам йўқ эмас. Булар қаторида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Қўлланмада умумий тарздаги мулоҳазалар қўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ўрнига аниқ методик тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Айрим фикр ва мулоҳазаларда умумийлик ва мавҳумлик шу даражада намоён бўладики, уларни амалиётга татбиқ этишнинг йўл-йўриқлари мутлақо берилмасдан қолади.

3. Тавсия этилаётган айрим шакл ва усувлар амалиётга мувофиқ эмас, улар бевосита амалий тажрибалар билан тасдиқланмасдан қолтан.

Олим О.Мадаев ва бошқалар билан биргаликда «Адабиёт ўқитиши методикаси» фанидан дастурий қўлланма яратиб, адабиёт ўқитиши методикаси фанига ўзининг тегишли ҳиссасини қўшган. Бу китобнинг ҳозиргача ҳам талабалар ва ўқитувчilar учун муҳим қўлланма бўлиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Олимнинг методика соҳасидаги узлуксиз ва баракали ижодининг бу фан равнақига сезиларли таъсир кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Сафо Матчонов адабиёт ўқитиши методикаси фанининг равнақи учун жонкуярлик қилиб келаётган олимларимиздан биридир. У ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини ошириш, бунда адабий таълимнинг ўрни, аҳамиятини кўрсатиб беришга катта куч ва меҳнат сарфлаб келмоқда. Болалар китобхонлиги, ўқувчilar нутқини ўстириш усувлари, ўқувчиларни бадиият оламга олиб киришининг энг мақбул усул ва шакллари борасида олим тинимсиз изланиб келмоқда. Олим «ўқиган одам» ҳамда «ўқимишли одам» тушунчаларининг кескин фарқ қилиши ҳақида тўхтаркан, «kitobxonlik топ маънода китоб ўқиши билдиrsa, кенг маънода танлаб ўқиш, ҳис этиш, англаш ва фикр билдириш тушунчаларини ўз ичига қамраб олади. У бадиий адабиётдан озиқланади, адабий танқид ва педагогика кўмагида юксала

боради»¹, - деб ёзди.

Олим ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш соҳасида беназир тадқиқотларни амалга оширган. «Узлуксиз таълим тизимида адабиётдан мустақил ишлар»² монографияси бу соҳадаги энг йирик тадқиқотdir. Унинг «Мактабда адабиётдан мустақил ишлар» номли ўқитувчилар учун методик қўлланмаси ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик. У ерда қайд этилишича, «ўқишида малакасизлик ҳар қандай фанни тинканни қутиладиган оғир меҳнат ва мажбуриятга айлантиради»³. Китоб ўқувчиларнинг мустақил ишларининг ташкил этилиши, турлари, мазмуни, амалга ошириш шароитлари ҳақида баҳс юритса-да, унда асарга ёндошиш усуллари, ўқувчиларнинг ижодий ишлари, матн устида ишлаш, матнни таҳлил қилиш, бундаги метод ва усуллар ҳақида ҳам қизиқарли, муҳими, назарий жиҳатдан тўғри ва амалий жиҳатдан фойдали бўлган кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбек адабиётини ўқитиши методикаси оид илмий-тадқиқот ишларини бир гуруҳ ёш методист олимлар давом эттиришмоқда. Улар қаторида Қ.Хусанбоева, Р.Ниёзметова, В.Қодиров сингари иқтидорли ёшлар бор. Уларнинг тадқиқотларида методика илмининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммоларини атрофлича ҳал қилишга уриниш сезилади.

Шу ўринда «Ўзбек тили ва адабиёти», «Тил ва адабиёт таълими», «Узлуксиз таълим» сингари журналлар, «Маърифат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» каби газеталар саҳифаларида ҳам адабий таълимга оид кўплаб муаммоларнинг ёритилиб бораётанини қайд этиш жоиз.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт ўқитиши методикаси тарихидаги асосий босқичларни айтиб беринг.
2. Алишер Навоийнинг адабий таълим ҳақидаги қарашларидаги асосий ўринлар нималарда деб ўйлайсиз?
3. Жадидчилик даврида таълим-тарбия соҳасида қандай ўзгаришлар юзага келди?
4. Ҳозирги методист олимларнинг қайси асарларини биласиз? Улар ҳақида гапириб беринг.
5. Методист олимларнинг асарларини қисқача конспектлаштиринг.

¹ Сафо Матжон. Китоб ўқиши биласизми? – Т.: Ўқитувчи, 1993, 4-бет.

² Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1995.

³ Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). – Т.: Ўқитувчи, 1996. 3-бет.

ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИДА АДАБИЁТ КУРСИНинг МАЗМУНИ ВА ҚУРИЛИШИ

P e ж a:

1. Дастур давлат ҳужжати сифатида.
2. Дастурнинг таркиби ва мазмуни.
3. Дарсликка қўйиладиган талаблар.
4. Ўқув қўлланмалари ҳақида маълумот.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва қўнималари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда»¹.

Бунинг исботи сифатида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунларни кўрсатиш мумкин. Таълим-тарбия тизимининг барча бўғинлари мана шу Қонун талабларини амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётганлиги барчага яхши маълум. Бу борада бир мунча ютуқлар қўлга киритилганлиги, олдинги босқичлар талабарининг деярли тўла бажарилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Курснинг мазмуни ва тузилиши ДТС ва давлат дастури билан белгиланади. Унда ДТС асосида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим ҳажми, қўнимка ва малакаларнинг турлари, методологик ҳамда педагогик принциплар, ўқитишдаги ўзига хос методология ҳамда адабий-эстетик талаблар ихчам тарзда баён этилади.

Ўзбекистонда мактаб дастурларининг кўпгина турларига амал қилинди, зеро изланиш янги, муқаммал тизимни ифодалайдиган даражага етиш учун ҳаракат узлуксиз давом этиб келмоқда. Фақат Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ ҳолдагина адабиёт дастурининг бир неча авлоди яратилди. Таълим тизимидағи ўзгаришлар давлат таълим стандартларининг яратилиши, янги ўқув режаларининг ишлаб чиқилганлиги, ижтимоий-маънавий ҳаётдаги янгиланишлар дастурларни ҳам қайта кўриб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

¹ Барқамол айлод-Ўзбекистон тараққётининг пойдерори. Президент Ислом Каримов-нинг IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 йил 29 август. Тошкент, Шарқ, 1997, 5-бет.

1991 йилдан бүён мактаб адабий дастурлари жиддий тақомил йүлини босиб ўтди. Бу йўлда, айниқса, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” алоҳида босқич бўлди.

Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари бадиий асарларнинг танлаш тамойилларини ҳам белгилаб беради. Таниқли методист М.В.Черкезова кўрсатганидай «Миллий мактабларда асарларни ва уларни ўрганиш методикасини танлаш учун илмий адабиётшунослик мезонлари, адабий факт ва ҳодисаларга нисбатан тарихий-генетик, тарихий-функционал ва қиёсий-типовологик ёндашувлар бирлиги асос бўлиб хизмат қиласди»¹.

Дастур энг муҳим давлат ҳужжати бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Ўқитувчининг асосий вазифаси давлат дастури талабларини тўла ва самарали тарзда амалга оширишдан иборат. Шунга кўра ҳам ўқитувчи уни тўла билиши, унинг барча қисмлари ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотга эга бўлиши шарт.

Дастур ўқитувчининг иш фаолиятидаги энг асосий манбадир. Унда амалий ҳаракатга кўрсатма ҳам, энг муҳим маълумотнома ҳам мужассамлашган. Ҳозиргача дастурлар умумтаълим мактабларининг барча бўғинларини (I-X ёки V-XI синфлар) қамраб оларди. «Таълим ҳақида»ги янги Қонун таълим тизимиға бир қатор янгиликларни олиб кирди. Унга кўра энди умумий ўрта таълим I -IX синфларни қамрайди. Бундан кейин эса ўрта маҳсус касб-хунар таълими бошланади. Демак, дастурлар ҳам шундан келиб чиқсан ҳолда бошқа бошқа бўлади.

Умуман, дастурда адабиёт курси тўлалигича тавсифлаб берилади. Ҳар бир синфдан адабиёт курсининг мазмуни ва иш тартиби, ҳар бир мавзунийиг моҳияти муайянлаширилади. Унда ўзлаштирилиши лозим бўлган илмий-назарий, адабий тушунчалар, асарни ўрганиш, нутқ ўстириш, синфдан ташқари ўқитиш, асарлар юзасидан суҳбат учун ажратиладиган соатлар миқдори, адабиётдан ўтказилиши кўзда тутилган оғзаки ва ёзма иш турлари, предметлараро алоқа, синфдан ташқари ўқищдаги асарлар рўйхати берилган.

Давлат дастурини бажариш асосида ўқитувчи ўқувчилардаги адабиёт ва санъатга бўлган муҳаббат, ижодкорлик, ижодий

¹ Черкезова М.В. В поисках новых подходов к созданию учебников по литературе. На материале учебников по русской литературе для национальной школы. - // Литература в школе, 2006, № 5, с.23. (23-27)

фаоллик, юксак ахлоқий анъаналарни такомиллаштириш ва ўстиришга асосий эътибор бермоғи лозим.

Маълумки, адабиёт мустақил фан сифатида бошлангич таълим тугаганидан сўнг (IV синф) ўтила бошлайди. Бу даврда ўқувчи адабиёт ва ифодали ўқиш малакасининг дастлабки босқичини эгаллаган, сўз санъати ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлган бўлади.

Албатта, бола мактабгача бўлган ёшлидек сўз санъати ичиди бўлади. «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар bogчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади»¹. Худди шу даврда у асосан тингловчи, бальзан ўқувчи шаклида дастлабки одимларини ташлайди. Демак, ўқувчи V синфга келгандан ўқиш, ёзиш, китобхонлик маданиятига оид дастлабки тайёргарлик билан келади. Улар бадиий асар билан танишишининг ибтидоий кўникмаларига эга бўлишади. Жумладан, IV синф ўқувчилари матнни ифодали ўқий олишлари, асарада иштирок этувчи шахслар ҳақида ҳикоя қилиб бериш учун материал тўплаш, уларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш, уларга нисбатан ўз муносабатини ифодалай олиш, адабий қаҳрамон ҳақида ихчам ҳикоя тувишга оид кўникма ва малакаларига эга бўлиш лозим. V синф ўқувчиси ҳам бадиий асар хусусиятларини тўла ўзлаштиришга тайёр бўлмайди. Шунга кўра, М.Г.Качурин таъкидлаганидай: «Бу даврда асарада «нима ҳақида» ёзилгани нуқтаи назаридан ёндашишларини ҳисобга олиш керак»².

Бошлангич синфларда кўпроқ ҳалқ оғзаки ижодига тегишли поэтик жанрлар: эртак, мақол, топишмоқлардан фойдаланилади. Мавзу доирасига кўра эса уларда меҳнат, баҳт, Ватан, оила, йил фасллари, атрофимиздаги олам, инсон маънавиятидаги эзгу ва ёмон хусусиятлар илмий оммабоп мақолалар тарзida ёритилган. Демак, қуйи синфлардаёқ болаларнинг бадиий эстетик диди ҳамда китобхонлик маданиятининг шаклланиши учун имкон қидирилган. Энди V синфдан бошлабоқ уларнинг ўқиш ва нутқ кўникмаларига таяниб туриб, асарни бадиий ҳис этиш, эстетик ҳистойгуларини ўстиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

V синф дастуридаёқ, турли жанрлардаги асарлар билан

¹ «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. II-мода.

² Методика преподавания литературы. М.Просвещение 1985. с. 57.

танишиш тақозо этилади. Улар орасида құшиқ, мақол, топишмоқ афсона, әртак, латифа, достон, ҳикоя, рубойй, масал, қисса, роман каби хилма-хил жанрлар мавжуд. Бугина әмас, дастурда турли адабий түшунчалар ҳамда ёзувчи ва шоирлар ҳақида, уларнинг асарлари ҳақида ҳам маълумот бериш кўзда тутилгаи, аммо тарихий-адабий изчиллик том маъноси билан IV-VII синф адабиёт дастурлари талаблари сирасига кирмайди, зеро ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳам бунга имкон бермайди. Бу вазифалар VIII-IX синфлардан бошлаб амалга оширилади.

Академик лицей ва қасб-хунар колледжларида эса йўналиш турига караб адабиёт ўқитишининг ўзига хос мақсад ва вазифалари белгиланади.

Адабий таълимни тўла амалга оширишда дарслик муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимидағи янгилинишлар дарсликлар мазмуни ва тузилишини ҳам тубдан янгилашни тақозо этмоқда.

Дарслик ўқувчилар билимининг изчил ўсишига, илмий асосга таянишига имкон бериши болаларнинг ёшини ҳисобга олиши, мавзуларнинг мантиқий алоқадорлигига эътибор бериши лозим. Унда миллий ва умуминсоний қадриятлар тарғиб қилиниши, ўқувчилардаги юксак ахлоқий ва эстетик дидларнинг шаклланиши ва тарбияланишига хизмат қилмоғи лозим.

Очиқ айтиш лозимки, ўқув қўлланмаларини яратиш замон талабларидан орқада қолмоқда. Бугун янги педагогик технологияни жорий этиш, жаҳондаги илфор ўқитиши усусларини тарғиб қилиш ва ҳаётга жорий этишга жиддий зарурат сезилмоқда.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражасини белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усусларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим

соҳаларини меъёrlаши ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашига асос бўладиган давлат ҳужжатидир. Таъянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиёт фанидан биринчи марта давлат таълим стандарти яратилди¹. Унинг янги авлоди иш тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда тузиљмоқда.

Шу асосда ўқув режалари, фан дастурлари тузиљди. Бугунги кунда уларга муносиб равишдаги дарслекларга ҳам эгамиз. Бироқ тажрибалар ишуни кўрсатмоқдаки, уларда ҳам айрим камчиликлар, нотугаликлар мавжуд. Проф. С.Матжон мустақилликдан олдин ҳамда мустақилликнинг дастлабки пайтларида яратилган айрим дарслек ва ўқув қўлланмаларини назарда тутган ҳолда уларнинг тилини «оғир ва гализ»² деган эди.

Дарслек ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича ҳаракатлар давом этиб келмоқда, ўқув адабиётлари танлови ўтказилмоқда. 2004-йилда 5-синф учун, 2005-йилда 6-7-синфлар учун танлов ўтказилди, 2006-йилда 8-9-синфлар учун дарслеклар яратилди. Бу дарслекларнинг афзал томони ўқитувчи учун методик қўлланма ҳам биргаликда яратилишида ва уларнинг амалиётда яхши натижага эришишида кўринади.

Дарслекларда айрим руқнлар бўлиши мумкин. Масалан, 5-синфда «Ҳикмат дурданалари», «Эртакларнинг сеҳрли олами», «Мумтоз адабиётга саёҳат», «Болаликнинг беғубор олами», «Ватанни севмоқ иймондандир»³, 7-синфда «Халқ оғзаки ижодидан», «Ўзбек адабиёти тарихидан», «XX аср ўзбек адабиётидан», «Жаҳон адабиётидан» руқнлари мавжуд бўлса, 11-синф Адабиёт дарслигига маърифатчилик адабиёти, жадид адабиёти, шўро даври адабиёти, мустақиллик даври ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти сингари руқнлар мавжуд⁴.

Умумтаълим мактабларидан сўнг уч йиллик академик лицейлар ҳамда қасб-хунар коллежлари истеъмолига киритилди.

¹ Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти ахборотномаси. Тошкент. Шарқ, 1999, I-маҳус сон.

² Сафо Матжон. Китоб ўқишини биласизми? 11-бет.

³ N. Karimov., U.Normatov. Adabiyot 5-sinf uchun darslik.- majmua. - T.: O'qituvchi, 2000, 352 bet.

⁴ N. Karimov., B.Nazarov, U.Normatov, Q.Yo'lidoshev. Adabiyot umumiy o'rta ta'llim maktablarining 11-sinf uchun darshk.- T.: O'qituvchi, 2004. 384 bet.

Бу ёшларнинг фан асосларини жиддийроқ ва пухтароқ эгаллашлари учун муҳим омилдир. Айниқса, академик лицейлар бу борада алоҳида аҳамият қасб этади. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да бу борада шундай дейилади: «Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур соҳалаштирилган, қасбга ўйналирилган таълим олишини таъминлади».

Академик лицейда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим ўйналиши бўйича (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология) саводларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган маҳсус қасб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни муайян Олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириш анососида ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқариларни мумкин.

Академик лицейлар учун тузилган «Адабиёт» дастурида¹ таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият берилган.

Дастурда бадиий асарни таҳлил этишдаги мавжуд мафкуравий андозалар билан ёндошишга барҳам берилиб, адабий асарга соғ бадиий-эстетик ҳодиса сифатида қаралган ҳамда таҳлил жараёнидаги асосий мезон сифатида ана ўгу ҳолатга таянилган.

Шу дастур асосида профессор Б.Тўхлиевнинг академик лицейларнинг I-босқичи учун «Адабиёт» дарслиги яратилди. Эндилиқда II ва III босқич талабалар учун «Адабиёт» дарслигининг ҳанузгача йўқлиги ачинарли ҳол.

Касб-хунар коллажлари учун «Она тили ва адабиёт» дарслиги² А.Рафиев ва Н.Фуломовалар томонидан яратилди. Бу дарслик ҳам кенг ўқувчилар оммасига илк марта тавсия қилинган.

Бизнинг олдимиздан турган катта муаммолардан бири методист олимларга тегишилдир. Улар бугунги замон талабларига мос келадиган ўқув методик адабиётларни яратиб бериш борасида республикамиз таълим муассасалари олдида, кўп сонли ўқитувчи ва талабалар олдида қарздор бўлиб туришибди. Бугун филологик таълимнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда, янги педагогик технологияларни таълим соҳаларига тезроқ татбиқ қилиш соҳасида

¹ Тўхлиев Б., Саримсоқов Б. «Адабиёт» Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.

² Рафиев А.. Н.Фуломова «Она тили ва адабиёт». Тошкент. 2002.

улар ўз сўзларини айтишлари керак.

Дарсликлар одатда муайян таълим босқичларига мўлжалланган бўлади. Умумий ўрта таълим мактабларида уларнинг синфлари, академик лицей ва қасб-хунар коллежларида эса босқичлари кўрсатилади. Баъзан уларнинг ноаниқ белгиланиши ҳам учраб туради. Жумладан, 2001 йилда яратилган «Ўзбек тили» дарсликларидан бири «олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг рус гуруҳлари учун» деб мўлжалланган. Мантиқан, академик лицей, қасб-хунар коллежи ва олий ўқув юртида айни бир материални такрорлаб ўтиш зарурати йўқлигини исботлаш шарт эмас.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт ўқитишида адабиёт дастури қандай роль ўйнайди?
2. Адабиёт дастурининг таркиби ва мазмуни қандай белгиланади?
3. Адабиёт дастури ва дарсликларига қандай талаблар қўйилади?
4. Мактабда адабиёт ўқитиши тарихида қандай дастурлар тузилган?

БАДИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

P e ж a:

1. Бадий асарни таҳлил қилишининг турлари.
2. Бундаги асосий тамойиллар.
3. Таҳлилда танлов тамоийли.
4. Адабий асар таҳлилида кириши машғулдотлари ва яқунловчи машғулотларнинг ўрни.

**«Ҳамма нарсани ўқийвериши ярамайди.
Дилда туғилган саволларга жавоб берга
оладиган китобларнингина ўқини керак».**

Лев Николаевич Толстой

Бадий асар таҳлили ҳам бадий асар устида ишлаш босқичларининг энг мухимларидан биридир. Таҳлилнинг мақсади. вазифаси, таркиби ва ўзига хос мазмуни мавжуд. Бироқ уларни ҳар доим бир хилда бўлади, деб тасаввур қилиш тўғри эмас. Ҳар бир ижодкор, ҳар бир асар билан боғлиқ ҳолда таҳлил ҳам ўзига хослик касб этади. Бадий асарни «ўқиш, хусусан, уқиш ўзига хос ижоддир. Китобхон – бадий матн унга хоҳ ёқсин - хоҳ ёқмаган бўлса-да - ҳис-ҳаяжонга берилади, у ҳақда ўйлай бошлияди. Китобхон ижодининг бу босқичида бадий матн ё бадий асар сифатида қабул қилинади, ё бадийликка алоқаси йўқ матоҳ сифатида инкор этилади»¹.

Сафо Матжоннинг қайд этишича, «Аслида китобхон ҳам ёзувчи сингари ижодкор. У асар мутолааси жараёнида муаллиф фаолиятини такрорлаш йўлидан боради. Ёзувчи ижодининг мураккаблиги шундаки, у хаёлида туғилган гояни адабий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, курашлари мисолида конкретлаштиурса, китобхон унга тескари - адабий қаҳрамон хатти-ҳаракати, курашлари тасвиридан умумий холосалар чиқариш йўлини тутади»². Демак, таҳлил жараёнида мана шу психологик-ижодий ҳолат назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча таҳлиллар учун қўйиладиган асосий талаб – илмийликдир. Реал назарий асосларга, бадий-эстетик мантиқ талабларига жавоб берга оладиган таҳлил ўқувчининг ҳақиқий

¹ Расулов А. Танқид, Талқин, Баҳолаш. – Тошкент, Фан . 2006, 13-бет.

² Сафо Матжон. Мактабда адабистдан мустақил ишлар. 49-50-бетлар.

ёрдамчиси бўла олади.

Таҳлил албатта, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини назарда тутган бўлиши керак.

Таҳлиллар учун қўйиладиган асосий талаблардан яна бирининг тарбиявий мақсадларни кўзда тутишидир. Фольклор ёки ёзма адабиёт намунаси, ижодкорнинг таржимаи ҳоли ёки муайян бир асар, эпик, лирик ёхуд драматик турга мансуб ижод намунаси таҳлил қилинар экан, улар ўз-ўзича эмас, баъки муайян педагогик мақсадни кўзда тутган ҳолдагина таҳлил қилиниши шарт. Бу жиҳатларга эътибор берилмас экан, кўзлаган асосий мақсад самараасиз бўлиб қолаверади.

Методист олим М.Мирқосимова кўрсатиб ўтганидай: «Адабий таҳлил шеър ёки насрый асарни ифодали ўқишдан бошланади; ўқиш давомида ижодкор яратган тафаккур тарзи англанади, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгидаги яратилган поэтик манзара ёки ҳолат ҳам ташқи, ҳам ички ҳаракатлар, туйгулар орқали идрок этилади, ҳис қилинади. Ўша таъсирчан манзарани яратишда шоир ё ёзувчи қўллаган тасвирий воситаларга сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараёнинда мазмунга, образнинг ички маъноларига жалб этилади. Аммо, таҳлил жараёнинда ана шу маъноларни ифода этишга сафарбар қилинган барча воситалар ўрганилади. Хилма-хил даврда яшаб ижод этган ижодкорлар яратган асарларни бадиийлик, ҳаётийлик ва таъсирчанлик мезонлари асосида ўрганиш мактаб адабий таълимининг бош вазифасини белгилайди»¹.

Таълим жараёнларида қўлланадиган таҳлил турлари ниҳоятда ранг-барангдир. «У бадиий матнни ўқиш жараёнинда ўқитувчининг изоҳи шаклида ҳам, асарни деталлаштириб кўздан кечириш шаклида ҳам, қаҳрамонларни тавсифлаш ёки тасвирий ифода воситаларини аниқлаш шаклида ҳам бўлиши мумкин, чуқур маънодорлик адабий таҳлилнинг энг биринчи ва асосий шартидир.

Таҳлилнинг ҳамиша маълум мақсадга қаратилиши унинг шакли ва мазмунини белгилайди»².

Таҳлил асарни қисмларга ажратиш ҳамда бу қисмларни яна янгидан яхлит ҳолда идрок этишни ҳам англатади. Таҳлил жалб этилган асарнинг жанри, мавзуси ва ҳатто ҳажмига ҳам боғлиқ бўлади. Нисбатан йирик эпик асарлар таҳлил қилинганида

¹ Мирқосимова. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомилаштириш асослари.- Тошкент, Фан, 2006, 18-бет.

² Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. 21-бет.

уларнинг дастлабки «қисмларга ажратиши» назарда тутилиши керак. Ҳар бир асарни таҳдил қилишда ажратилган соат ва имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда унинг тахминий режалаштирилиши амалга оширилади.

Таҳдилнинг бош мақсади асарда акс этган бадиий олам моҳиятини англаш, унинг асл мазмунини тўғри ва тўла идрок этишдан иборат. Ўқувчилар асарда акс этган воқеа ва қаҳрамонлар муаллифнинг нуқтаи назари билан алоқадорлигини, шунга қарамай асардаги бадиий олам билан ҳақиқий ҳаёт орасига тенглик аломати қўйиб бўлмаслигини англай бошлайдилар.

Таҳдил жараёнида ўқувчилар ёзувчи томонидан танлаб олинган ҳаётий материалларнинг муайян мақсад ва вазифаларга бўйсунган ҳолда тегишли изчилликда келишини ҳам билиб олишади. Бу изчилликни танлаш ва таъминлаш ҳам ёзувчининг бадиий-эстетик ниятларига алоқадорлигини кузатишади, бунга ишонч ҳосил қилишади. Асардаги мавжуд сюжет ва композициянинг ўз-ўзидан юзага келмаслигини онгли равишда тасаввур эта бошлашади. Танланган ҳар бир шакл, жанр, услубнинг асл моҳияти ёрқинлашади.

Таҳдил бирданига яхлит тарзда амалга ошмас экан, демак, муайян мавзу ёки йўналишларнинг танлаб олиниши табиийdir. Шунга кўра, асарнинг сюжети ва композицияси, унинг образлар тизими, мавзу ва фойлар қамрови, поэтикасига ҳос бўлган хусусиятлар алоҳида-алоҳида таҳдил этилиши мумкин. Кичикроқ ҳажмли асарларда эса буларнинг барчаси бирданига ҳам майдонга чиқа олади.

Катта ҳажмли асарларнинг айрим қисмларигина танлаб олиниши ҳам таълим-тарбия жараёнида тез-тез учраб туради.

Бадиий асарнинг таҳдили одатда уч қисмни ўз ичига олади. Булар: асар билан танишишнинг дастлабки босқичида унинг яхлитлигини идрок этиш, унинг алоҳида элементлари бўйича жiddий таҳдил қилиш, ниҳоят бу қисмларни яхлит ҳолатда бирлаштириш. Адабиётшуносликдаги бу тамойил мактаб таҳдили учун тўла татбиқ этилиши жоиз.

Шунга қарамай, мактаб таҳдилида булардан ҳар бирининг қатъий танлаш, сайлаш асосида олиб борилиши ҳам талаб этилади. Албаттa, бунинг бир қатор сабаблари бор. Биринчидан, таълимнинг муайян босқичида, яъни умумий ўрта таълим, академик лицей ва қасб-хунар таълими босқичида бадиий асарнинг барча қисмлари бирданига эмас, балки мазкур босқич учун энг муҳим деб

ҳисобланған томонларигина таҳлилга тортилади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва дунёқараши, умумий адабий тайёргарлиги назарда тутилади. Учинчидан эса, вақт имкониятларининг қатъий чегараси ҳам шуни тақозо этади.

Агар битта асарнинг барча жиҳатларини қамраб оладиган таҳлилни амалга оширмоқчи бўлсак, бунинг умуман мумкин бўлмаслигини тасаввур этишимиз қийин бўлмайди: бунга қанчалик катта куч ва кўп вақт кетишини жуда яхши биламиз. Борди-ю шундай ишга амалий жиҳатдан киришиладиган бўлса ҳам у фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирган бўлар эди, чунки бундай ишнинг, биринчидан, ўқувчилар учун зарурати йўқ, демак у зерикарли ва кераксиз машгулотга айланади. Иккинчидан эса, ўқувчининг адабиётга, бадиий асарни ўқиш ва ўрганишга бўлган иштиёқи сўниб, ундан оладиган завқи йўққа чиқади.

Дарс жараёнида бадиий асарнинг ҳамма қисмларини бирданига таҳлил қилиб бўлмас экан, унда нима қилиш керак? Асарнинг қайси жиҳатларига урғу бериб, қайси жиҳатларини орқа планга суриш лозим? Таҳлил учун танланған қисм ва элементлар қандай илмий ёки методик тамойилларга таянади? Асарнинг гоявий-бадиий мазмунидаги қандай унсурлар таҳлилга тортилиши керак? Эндиғина иш бошлаган адабиёт ўқитувчиларининг жуда кўпчилиги шу саволларга дуч келишади, бу табиий ҳолдир.

Мактабдаги адабий таҳлиллар кўпинча биртомонламаликда, муайян қолиплар ичида чегаралаланиб қолишида айланади. Жумладан, адабиётшунос А.Б.Есин шундай ёзади:

«Мазмун соҳасида мавзу, характерлар, гоя ҳамда сюжет элементлари, шакл соҳасида эса персонажлар ва бадиий нутқнинг айрим хусусиятлари (кўпроқ муваффақиятли қўлланган икки-учта кўчим) кўриб чиқилади», бироқ «бадиий тузilmанинг проблематикаси, пафоси, композицияси, унда тасвиrlанған олам сингари энг муҳим масалалар ташқарида қолиб кетади»¹. Олимларнинг айримлари мактаблардаги таҳлилни тасодифий, муаллифнинг шахсий инон-ихтиёри билан танланған тамойилларгагина таянади, деб ҳисоблайди ҳамда бундай таҳлилларнинг илмий-методологик асосини ё йўққа чиқаради ёки тасаввур этолмайди.

Албата, ҳар қандай танлов ва ҳар қандай чегараланиш бадиий асарнинг камбағаллашувига, унга бир томонлама ёндашувнинг юзага

¹ Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. — М.: Флинта, Наука, 1998. с. 191.

келишига сабаб бўлади. Аммо бу ёндашувларга фақат тасодифийлик ёки субъектив фикр маҳсулси сифатида қарашиб тўғри эмас. Мактаб таълими тажрибасининг ҳозиргача тўпланган ҳолати бу хил қарашларни рад этади. Қолаверса, мактаб таҳтилида ҳар қандай илмий-назарий асос йўқ дейиш ҳам тўғри эмас. Буларнинг барчаси биринчи навбатда, адабиётшунослик назарияси, адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён, шунингдек, педагогика-психология туркумидаги фанларнинг ютуқ ва хуносалари замирида юзага қелади. Қолаверса, адабиёт ўқитишининг ўз тажрибалари ҳам бор, методика назарияси ва амалиёти бу борада ўзининг айтгар сўзига эга.

Мактаб таълимидаги бадиий асар таҳтили ҳатто бадиий матнни ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам тўла бўлолмайди. Бунинг қатор сабаблари маълум албатта. Шунга қарамай биз «бадиий асарларнинг ниҳоятда хилма-хил мавзу қирраларидан қайси бирларини етакчи сифатида танлашимиз керак? Бундай танловга нималар асос бўлади? Ўқитувчининг шахсий тажрибасими? Интуициями? Адабиётшуносликдаги илмий асосларми ёки яна бошқа бирор нарсаларми?» деган савол беришга ҳақлимиз.

Ўқитувчининг, адабиёт ўқитувчисиниг асосий вазифаси ўқувчига ёзувчи кўзда тутган бадиий олам эшикларини очиб кўрсатишдан иборат. Бадиий олам дейилган кутлуғ қасрнинг муборак ва муқаддас остонасига олиб келинган ўқувчи бу қасрнинг чексиз осмонидаги рангин юлдузларидан ҳайрат туйғуларини юқтириши, улардан олам ва одам сирларини ўрганишининг сехрли калитларини топиши даркор.

Маълумки, бадиий асарлар, айниқса, ҳажман қатта бўлган йирик жанрлар, бир қатор мавзуларни бирлаштириб туради. Иzzat Султон уни «мазмундаги салмоқдорлик» деб атаган эди¹. Уларнинг орасида етакчи ва бош мавзуларнинг бўлиши ҳам табиий. Масалан, Чўлпоннинг «Кеча ва Кундуз»и мавзуларга бойлиги билан эътирофга лойик. Унда адид «ўзбек халқининг XX аср бошларидағи ҳаётини бадиий гавдалантиришни мақсад қилиб қўйган», «Туркистоннинг тарихий тақдирини», «XX аср бошларида, яъни капиталистик муносабатлар эндингина шаклланана бошлаган шароитда майдонга кела бошлаган буржуучча иш билармон корчалон одамлар тоифасига мансуб»² кишиларни кўрсатган. Табиийки, унда ижтимоий зулм, севги ва муҳаббат, ота ва бола

¹ Адабиёт назарияси. Икки томлик, биринчи том, Адабий асар. Тошкент, Фан, 1978, 67-бет.

² Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров, У.Норматов, О.Шарафиддинов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. «Ўқитувчи», 1999. 188-бет.

муносабати, ижтимоий гурухлар орасидаги муносабатлар, миллий ва маънавий қадриятлар ҳақида ҳам баҳслар юритилган.

Бироқ асардаги проблематика ҳамма вақт ҳам таҳлилда етакчи унсур бўлмаслиги мумкин. Бу дегани асосий муаммо ўқувчилар эътиборидан четда қолади, дегани эмас. Таҳлил учун асарнинг қайси бир унсури жалб этилмасин, ундан кўзланган мақсад битта бўлади. Бу ҳам бўлса, муаллиф кўзда тутган асосий масалага эътибор беришдир. Мактаб дастурларида бу тўғридан-тўғри таҳлил обьекти сифатида белгиланган ҳам IX синф «Адабиёт дастури»да айрим романларга берилган тавсифларни кузатиш мумкин:

Унда Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-абброр»и - фалсафий, таълимий-ахлоқий достон. Дунёни тасаввифий идрок этиш. Исломий ахлоқ тарбияси: иймон, илм, адаб, саховат, ростгўйлик, ҳалққа наф етқазиш..., нуқтаи назаридан кўрилса, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи «XX аср миллат маънавий ҳаёти ва равнақидаги ўрни»га кўра эътиборга олинган. «Қутлуг қон» ва «Улуғбек хазинаси» романлари таҳлилида ҳам мана шундай ўзига хоссликлар назарда тутилади¹.

Бир қарашда бу асарларнинг фақат ғоявий оламига эътибор тушгандек кўринса-да, аслида ундей эмас. Буларнинг барчасида муаллиф нуқтаи назарининг рўёбга чиқиши учун ҳам кўшимча чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Матнга кўра таҳлил етакчи ўрин тутишини ҳам таъкидлаш жоиз. Бу таҳлил қамровига кўра кенг ва типига кўра энг оммавийсидир. Уни барча тур ва жанрлардаги асарларга татбиқ қилиш имконияти мавжуд. Албатта алоҳида олинган ҳар бир асарга нисбатан ёндашувлар ниҳоятда хилма-хил бўлади. Масалан, мақолларнинг матни устидаги ишлар билан, фард, туюқ, рубой, мурабба, мухаммас, мусаддас, ёки ҳикоя, қисса, романлар матни устидаги ишлар бир-бирига ўхшамайди. Мақол матнида алоҳида олинган сўз, мақол таркибидағи сўзларнинг ўрни, ўзаро муносабати, унинг тузилиши эътиборда турса, нисбатан каттароқ ҳажмдаги асарларни таҳлил қилишда уларнинг матнидаги алоҳида қисмларни ажратиб олиш, шу қисмлар орасидаги алоқадорлик ва муносабатларнинг даражасини белгилаш мухим бўлади.

Шунга кўра, матн режасини тузиш, бунда асосий, энг мухим, биринчи даражали масалаларни ажратиб олиб, иккинчи

¹ Умумий ўрга таълимнинг давлат таълим стандарт ва ўқув дастури. Она тили Адабиёт. Ўзбек тили (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун). / Таълим тараққиётти. ЎзР ХТВнинг Ахборотномаси, 1-максус сон, Тошкент, Шарқ. 1999, 226-240-бетлар.

даражалиларга берилиб кетишдан асраниш ҳам зарур бўлади. Бунда қисмлар орасидаги мантикий боғланишларни ҳис этиш, белгилаш ва ёзувда уларни акс эттириш ҳам керак.

Режанинг хилма-хиллиги ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлаш лаёқатларининг кўрсаткичи бўла олади. Шунга кўра унинг фақат дарак гаплардангина иборат бўладиган шаклидан мунтазам фойдаланиш ўринли бўлмайди. Режа бандларининг сўроқ гаплардан тузилиши, режа тузишда асар матнидаги ифодалардан фойдаланиш ҳам ўқувчиларни ўйлашга, ижодий фикрлашга ундайди.

Жумладан, педагогик амалиёт чогида, Тошкент шаҳридаги 73-мактабда 7-синф ўқувчилари томонидан Ҳамид Олимжоннинг «Холбуки тун» шеъри юзасидан шундай режалар тузилган:

1. Шеърнинг бошланиши.
2. Шеърий лаҳзалар акс этган вақт тасвири.
3. Шеърнинг бадиий-тасвирий воситалари ҳақида.
4. Шеърнинг таълимий ва тарбиявий аҳамияти.

Мазкур шеърга саволлар тариқасида тузилган режа қўйида келтирилади:

1. Шеър қандай бошланади? Нима учун уни айнан шундай бошланган деб ҳисоблайсиз?
2. Дастрлабки олти мисрада «шақирлайди» сўзининг такрорланиб қўлланшини қандай изоҳлаш мумкин?
3. Шеърда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай вазифаларни бажармоқда?

4. Шеър сизда қандай таассуротлар қолдирди?

Энди бевосита матнидаги ифодалардан фойдаланиб тузилган режага эътибор беринг:

1. Шагирлайди бетиним дарё,
Шагирлайди ваҳм тўлган жар.
2. Шагирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон.
3. Холбуки тун – бунда одатда
Бутун борлиқ ухларди сокин.
4. Сойга тушдим, кўкка чиқди ой...
5. Нур ёғилди қоронги жарга.
6. Тикилганча кўзим қофозга,
Қўлларимда титграрди қалам.
7. Холбуки тун...

Ушбу режаларни тузган ўқувчиларнинг ўзларини кўрмай

турибоқ айтиш мумкинки, биринчи режа муаллифи билимларни репродуктив даражада ўзлаштирган. Иккинчи режа эгаси эса матнини онгли даражада ўзлаштиришнинг уддасидан чиққан. Матн мазмунига кўпроқ ижодий ёндаша олиш намунаси учинчи режа муаллифига тегишидир. Демак, иш жараёнида бундай хилмажилликлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини ҳам ўстириш имконини беради.

Сюжетли асарларни қайта ҳикоялаш ҳам матн устидаги ишларнинг таркибий бўлагидир. Бунда асар воқеаларини қайта баён қилиш эмас, балки бадиий асардаги муаллиф қўллаган сўзлардан фойдаланган ҳолда қайта ҳикоялашга, асардаги сўзловчи шахсини ўзгартириб ҳикоялашга, асар мазмунидаги асосий ўринларни сақлаган ҳолда, уни қисқартириб айтиб беришга, асар воқеаларига ўз шахсий муносабатларини билдирган ҳолда ҳикоялашга эътибор бериш кўпроқ самара беради.

Адабий таълимда айрим асарлар матнини қисқартириб, айрим мумтоз асарларимизнинг насрий баёнларидан фойдаланиш тажрибалари бор. Бу адаптация ҳодисаси билан алоқадор.

Айрим ҳолларда адабий адаптация меъёрларининг бузилиши ҳам кўзга ташланади. Шундай ҳодисаларнинг иккитасига йирик адабиётшунос А.Абдуғафуров эътиборни тортган эди. Улардан бири собиқ совет давридаги 4-синфлар учун яратилган «Ватан адабиёти» дарслигида Навоийга нисбат берилган бир парча билан, бошқа бири эса Навоий мактубларининг талқини билан алоқадор. Дарслиқдаги парча қуйидагича:

«Бор эмиш аввал замонда бир киши,
Доимо ёлгончилик қилган иши.
Бир куни уйини ўт олган эмиш,
«Кутқаринг» деб дод-вой солган эмиш.
Сўзига ишонмабди ҳеч бир одам,
Уйи кул бўлиб ёниб кетди шу дам.
Унга айтмиш бир киши – ақлирасо,
«Кимки ёлгон сўзласа, алдар эса,
Хар нечукким рост турур онинг сўзи,
Эл аро ёлгон эрур онинг сўзи.
Гарчи ёрдам бермади ҳеч сенга эл,
Бошқадан эмас, ўзингдан ўпка қил»¹.

Олим бу тизмаларни «бадиият ва жозибадан батамом бебаҳ-

¹ Қаранг: А.Абдуғафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. - Тошкент, F.Фудомномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. 58-59-бетлар.

ра, ҳатто оддий вазн ва қофия талабларига ҳам изчил риоя қилинмаган бу ниҳоятда жўн ва мажруҳ мисралар» деб тўғри баҳолайди.

Аслида бу Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги қуйидаги матннинг адаптацияси бўлиши лозим эди:

Бор эрмиш бурун чоғда козибваше,
Уйига тушуб шулати саркаше,
Фигонлар чекар эрмиш истаб мадад,
Эшитганга бўлмай сўзи мўътамад.
Чу куйимиш уйи юмуб - очқунча кўз,
Демиш анга соҳибдиле бўйла сўз.
Ки: «Ёлғон ангаким форовон дурур,
Чини ҳам эл олинда ёлғон дурур.
Агар эл қилмади ҳимоят санга,
Ўзунгдин керакдур шикоят санга!»¹.

Матн устида ишлашнинг таркибий қисмларидан бири асар лугати билан алоқадор. Айниқса, мумтоз адабий асарларнинг матни устида ишлаш унинг лугавий таркибини алоҳида ўрганишни тақозо этади. Аммо бу фикр замонавий асарлар устида ишлаганда лугат устида ишлашнинг зарурати бўлмайди, деган холосага олиб келмаслиги керак. Айниқса, тарихий мавзулардаги бадиий асарларда муайян тушунча ва ҳодисаларнинг номлари, айрим атамалар шундай изоҳларни шарт қилиб қўяди.

Шунга қарамай, лугат устидаги ишнинг мумтоз адабий асарларни ўрганишдаги устивор йўналиш эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Эндиликда ўқитувчиларнинг қўлларида бир қатор лугатлар мавжуд. Булар орасида К.Қосимова², Ж.Лапасов³, В.Рахмоновлар⁴ лугатини, мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоий⁵ ва Бобур асарлари учун тузилган лугат ва қўлланмаларни эслатишимиш мумкин.

Мумтоз адабий асарлар, айниқса лирик жанрга мансуб бўлган асарлар матни устида ишлашда улардаги тасвир воситалари, тил хусусиятлари ҳам диққат марказида бўлиши керак. Мисол учун Ҳусайн Бойқаронинг қуйидаги газалини кузатайлик:

Эй жафо тифи, келиб мажруҳ кўксумни ёру,
Кўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтару.

¹ Уша китоб, 60-бет.

² Қосимова К. 5-синифда лугат устида ишлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1971.

³ Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув лугати Т.: Ўқитувчи, 1994.

⁴ Раҳмонон В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Т.: Ўқитувчи, 1983

⁵ Навоий асарлари лугати. Тузулчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. Т.: Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳди лугати. Тўрт томлиқ. I. – Т.: Фан 1983. II т. – 1983. III т. – 1984; IV т. – 1985.

Ахтарурда топсанг ул күнглумки, мажнуншевадур,
Хар нечук бўлса адам саҳроси сори бошқару.
Бошқарурда бормаса күнглум адам саҳросига.
Түш-тўшидин санчибон ул сори они қайтару.
Қайтарурда воқиф ўлким, ёна қайтиб келмасун,
Тенгри учун нотавон жонимни андин кутқару.
Кутқарурда нотавон жонимни ул бебокдин,
Юз жафо айлаб ани келтур, қошимдин ўтқару.
Истабон келса яна кўксум шикофин топмагай,
Ваҳки, бир марҳам қўюб ул чок кўксум бутқару.
Айласанг мискин Ҳусайний жонини андин халос,
Вирди бу бўлғай дуода сен даги доим ёру.

Энди шеър матни бўйлаб қузатишни давом эттирайлик. У қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Эй жафо тиги, келиб мажруҳ кўксумни ёру,
Кўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтару.

Энг аввало мумтоз адабий асарлар учун тузилган лугатлардан фойдаланиб, байдаги ҳар бир сўзнинг лугавий маъносини, унинг ўз ёки кўчма маънода қўланаётганини, унинг бошқа сўзларга муносабатни аниқлаб олиш талаб этилади.

Лирик қаҳрамоннинг мажруҳ кўксини ёришга таклиф этилаётган тифга эътибор бердингизми? У оддий тиф эмас, балки **жафо тиги**dir. Кўкис, яъни кўкракни ёриб, ялангоч қўл билан унинг ичидан изланган нарса нима? Жавоб кейинги байтда мужассамлашган:

Ахтарурда топсанг ул күнглумки, мажнуншевадур,
Хар нечук бўлса адам саҳроси сори бошқару.

Демак, изланган нарса кўнгил. У қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар (ҳар нечук бўлса), уни адам саҳросига - йўқлитика йўналтириш (бошқару) лозим. Ушбу байтда ҳам изоҳданиши лозим бўлган бир қатор сўзлар бор. «Мажнуншева», «нечук», «адам саҳроси», «сори», «бошқару» шулар жумласидандир. Ўқувчилар ушбу сўз ва истиораларнинг маъносини тўла тушуниб етмас экан, шеърнинг умумий моҳиятини идрок этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бошқарурда бормаса күнглум адам саҳросига,
Түш-тўшидин санчибон ул сори они қайтару.

Ўзингиз молни, қўй - қўзилар ёки эчки - улоқларни далага ўтлатиш учун олиб борганимисиз? Ёки чўпоннинг шу ҳолатини қузатганимисиз? Дала-дашт (саҳро) йўналишидан четга чиқаётган

жониворлар таёқ ёрдамида (яъни куч ишлатиб, мажбуран) йўлга солинади. Бу ҳолат қўпинча баҳордан кузнинг ўрталаригача бўлган муддатда уй ҳайвонларини тоғ ёки саҳроларга ёзги мавсумни ўтказиш учун олиб кетилаётган ёки аксинча, у ердан олиб келинаётган пайтда учрайди. Байт мазмунида мажозий тарзда бу кўнгилга нисбат берилмоқда.

Қайтарурда воқиф ўлким, ёна қайтиб келмасун,
Тенгри учун нотавон жонимни андин қутқару.

Бу ерда кўнгил ва жон бир-бирига зид қўйилмоқда. «Нотавон жон» «мажнуншева кўнгил»га тобе. Шунинг учун ҳам жон тобелиқдан қутулмоқчи.

Қутқарурда нотавон жонимни ул бебоқдин,
Юз жафо айлаб ани келтур, қошимдин ўткару.

«Бебок» кўнгилнинг сифати. Унинг маъноси «қўрқмас, ҳа-йикмас, тортинмайдиган; бевош» демакдир. Жонни кўнгилдан қутқаришда, барибир, уни яна бир марта кўриш иштиёқи устунлик қиласди.

Ҳар қандай яранинг тузалиши учун кўп вақт керак бўлади. Қолаверса, яра тикилар экан унинг ўрни қолади. Ошиқлиқда эса бундай яранинг ўрни мутлақо бошқача битади. Мана унинг тасвири:

Иstabон келса яна кўксум шикофин топмагай,
Ваҳки, бир марҳам қўюб ул чок кўксум буткару.

Бу ерда «шикоф» сўзи ёриқ, дарз, чок, тешик маъносини, «марҳам» эса малҳам, ярага қўйиладиган дори маъноларини англатади. Ҳар қандай ярага малҳам қўйилса, унинг битиши – тузалиши учун муайян муддат талаб этилади. Ошиқ кўнглидаги – кўксидаги шикоф - ёриқни битириш учун эса ёрнинг биргина марҳами кифоя. Энг муҳими, у шу заҳотиёқ битади.

Айласанг мискин Ҳусайнний жонини андин халос,
Вирди бу бўлгай дуода сен даги доим ёру.

«Вирд»нинг маъноси бирор иш ёки сўзни қайта-қайта тақрорлаш демакдир. Эътибор беряпсизми? Шоирнинг қутулмоқчи бўлгани нима эди? Тўғри, кўнгил эди. Жони ундан халос бўлгандан кейин ҳам дуода «кўксимни ҳар доим ёргин» дейилиши ошиқ кўнгил орзуларининг, ниятларининг барқарор ва мунтазамлигидан гувоҳлик беради.

Эътибор берган бўлсангиз, шеър - ғазалда олдинги байтни туталлаётган сўз кейинги мисранинг бошланишида қўлланмоқда. Бу усул орқали шоир айтмоқчи бўлган фикрига янада кўпроқ

эътиборни тортишга муваффақ бўлади. Айни пайтда шу фикрнинг мантиқий ривожи ҳам таъминланади.

Бу жуда оддий мисоллардан биттаси холос. Аслида мумтоз адабиётимизнинг ҳар бир намунаси шундай ёндашувни тақозо этади.

Йирик методист олим Н.И.Кудряшев матн устида ишлаш асосида «ўқувчиларни ёзувчи фикрлари изидан, унинг образлари мантиқи изидан асосли ва онгли кузатиб бориш, адабий асарни бадиий бутунлик сифатида англаш»га ўргатиш деб баҳолайди. Айни чоғда бу иш «жуда мураккаб кўникма бўлиб, чуқур мушоҳада, қиёслаш, анализ ва синтезни тақозо» этишини кўрсатади.

Матн устида ишлашнинг асосий нуқталаридан бири асарни ўқишидир. Унинг турлари ҳам ниҳоятда кўп. Булар орасида ифодали ўқиш, адабий ўқиш, шарҳли ўқиш, якка ва гуруҳ бўлиб ўқиш, ролларга бўлиб ўқиш қаби турларни кўрсатиш мумкин.

Рус методист олимаси О.Ю. Богданова бу ҳақда шундай дейди: «Ўқиш муаммоси, китобхонликни, китобхон маънавий оламини шакллантириш муаммоси ҳанузгача энг долзарб илмий муаммо бўлиб қолар экан, методика фанида бадиий матнини яхлит идрок этишни, уни чуқур шарҳлашни, ёзувчи поэтикасини англашни таъминлайдиган иш усулларига устунлик бериш давом этаверади. Адабий таълимдаги асосий компонент сифатида бадиий асарни ўқиш ва ўрганиш, уни шарҳлашнинг айтилиши тасодифий эмас»¹.

Бир қарашда унчалик қийин кўринмайдиган мана шу адабий ўқишга ҳам алоҳида эътибор зарур. Қанчалик галати кўринмасин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошлангич синфларда, шунингдек, умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичида, 5-6-синфларда нисбатан яхши йўлга қўйилган мазкур усул юқори синфларда, бугунги академик лицей ва касб-хунар коллажларида бир озгина эътибордан четда қолянти.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий ахлюқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайфуришимиз, курашмоқимиз зарур»², деган эдилар. Бу вазифани амалга ошириш учун адабиёт дарсларидағи матн мазмунини

¹ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия». 2-е издание, стереотипное. 2002. - с 13.

² Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн тўртичин сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрель. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999. 24-бет.

аңглаш устидаги ишлар ҳам катта ёрдам беради. Ана шу жараёнда бадий асар матнини таҳлил қилишнинг турли шакл ва усуларидан унумли фойдаланиш зарурати бор. Шулар орасида кириш машгулотлари, якунловчи машгулотлар ҳам ўзига хос ўринга эга.

Бадий асар матни устида ишлашда **кириш машгулотларининг ўрни** айниқса, катта. Таълимнинг турли босқичларида ўрганиладиган адабиёт курсининг асосий мазмун ва моҳиятини бадий асарларни ўрганиш ташкил этади. Бу жараён бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин. Хусусан, кириш машгулотлари, бадий матнни таҳлил қилиш, якунловчи машгулотлар шулар сирасига мансубdir.

Кириш машгулотлари ўқувчилар эътиборини асар муаллифининг алоҳида хислатлари ёки шу асарга хос бўлган энг муҳим қирраларни, асосий бадий-эстетик жиҳатларни англашга, хис этишга имкон бериши билан эътиборлидир. Янада аникроқ айтиладиган бўлса, кириш машгулотлари ўқувчиларни бадииятнинг навбатдаги янги оламига олиб киришдаги ўзига хос йўлдири.

Ҳар бир янги асар – янги олам. Уларда оламдаги ҳодисаларнинг ўзига хос тасвири ва талқини берилади. Демакки, мана шу асарларда тасвиrlанган қаҳрамонлар – образлар ҳам бир-бирларини тақрорламайди. Уларнинг ҳар бирида шу оламга хос бўлган одамлардаги тақрорланмаслик хислатлари мужассамлашган бўлади. Кунтуғди, Ойтўлди, Ўгдулмиш, Ўзғурмиш («Қутадғу билиғ») сингари образларни адабиёт тарихининг кейинги босқичларида яратилган қайси образлар билан ўхшаш дея оламиз? Уларни айнан тақрорлайдиган бирор бадий асарни кўрсата оламизми?

Навоий яратган қаҳрамонларни эслаб кўрайлик: Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Баҳром, Ҳудҳуд... Буларнинг қайси бирларини тақрорий ҳолда кўриш мумкин. Ҳудди шунга ўхшаш Кумуш, Отабек, Зайнаб, Зеби, Акбарами, Мирёқуб, Йўлчи, Үнсин, Қаратой, Улугбек, Навоий, Бобур, Низом сингари образларнинг ҳар бири адабиётимиздаги тақрорланмас воқеалар сифатида эътироф этилади. Демак, улар билан боғлиқ тасвир ва талқинларнинг барчасида ўзига хослик, тақрорланмаслик хислатлари бор. Демак, шу образларни яратган муаллифларнинг ўзларида ҳам бошқаларга ўхшамайдиган, оламни фақат ўзларига хос тарзда кўрадиган ва кўрсата биладиган қирралар мавжуд. Кириш машгулотлари мана шу қирраларнинг намоён қилинишига

имкон бериши керак.

Кириш машгулотлари ўқувчилар ўрганилаётган асарни тұла ва ҳиссий қабул қылышлари учун муносиб замин яратиши билан ажралиб туради. Натижада, үларда асарни ўрганиш учун иштиёқ, қызықиши шаклланади, пайдо бұлади. Кириш машгулотларининг шакл ва мазмуни хылма-хил бўлиши мумкин. Баъзан у бир-икки муҳим деталлар тавсифи ва баёнидан иборат бўлса, баъзан муайян тарихий давр ва шароит, ёзувчининг таржимаи ҳолидаги энг муҳим қирралар, муайян асар атрофидаги муҳим ижтимоий-сиёсий ва бадиий-эстетик ҳодисалар таҳлилидан иборат бўлиши мумкин.

Айрим янги, ўқувчилар учун маъноси нотаниш бўлган сўзлар изоҳи ҳам кириш машгулотларининг мазмунини ташкил эта олади. Демак, кириш машгулотлари мазмунини қатъий тарзда чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Бу вақт нуқтаи назаридан ҳам шундай хусусиятга эга. Баъзан кириш машгулотлари дарсларнинг бир қисмини, дейлик 3-5 минутдан 15-20 минутгача бўлган қисмини қамраб олса, айрим ҳолларда бутун бошли бир дарс фақат кириш машгулотларига ажратилиши мумкин. Бу ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, адабий тайёргарлик даражаларига ҳамда ўрганилаётган асар ёки мавзунинг моҳиятига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Бунда бошқа фанлар имкониятларидан, фанларнинг ўзаро интеграциясидан унумли фойдаланиш имкони мавжуд. Асарда акс этган давр ва воқелар, характерлар ва образлар мантиқини тушуниб етниша алоҳида олинган тарихий даврларнинг, уларга хос бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар оқимининг ўзига хосликларини тасаввур этиш ўқувчилар учун асар моҳиятини билишга бўлган қизиқишиларини янада кучайтиради. Масалан, 5-синфда Алишер Навоийнинг тавозе ва одоб тўғрисидаги адабий-бадиий қараашларини ўрганиш кўзда тутилган. Шу мавзу олдидан кириш машгулотларини Навоийнинг шахсий ҳаётдаги хислатлари тўғрисида суҳбат уюштириш ҳам, ўқувчиларнинг Навоий ҳаёти ва ижодига оид билимларини умумий тарзда савол-жавоблар воситасида муайяналаштириши ҳам мумкин бўлади. Худди шу ўринда Навоий ҳақида яратилган тарихий ҳамда фольклор манбаларидан фойдаланиш ҳам самарадор усуулардан бири бўла олади. Бунда юксак инсоний фазилатлар ҳақида сўз юритган адабининг ўзида ҳам шу хислатлар ва фазилатларнинг мужассам эканлиги ёш қалбларда адиб шахсига нисбатан қизиқиши ва муҳаббатнинг шаклланиши ва барқарорлашувига олиб келиши шубҳасиз.

Ёки академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Бобур

лирикаси» мавзусини ўрганишдан олдин кириш машғулотларини бир неча шаклларда ташкил қилиш мумкин.

1. Бобур шеъриятидаги мавзуларнинг бевосита унинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатиб бериш. Бунинг учун Бобур ҳаётидаги энг муҳим эпизодлардан айримларини, имкони борича, тарихий асарлардан, хусусан, «Бобурнома»да акс этган тарихий-адабий парчалардан фойдаланган ҳолда шарҳлаш, изоҳлаш мумкин.

2. Бобурнинг ўзига замондош бўлган тарихчилар, санъаткорлар асарларидан фойдаланиш. Бунда қўпроқ тарихий асарлар ёки ўша давр санъаткорларининг миниатюраларидан, айниқса, бевосита «Бобурнома»нинг ўзига ишланган расмлардан фойдаланиш имконияти мавжуд.

3. Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизнинг давримизда яратилган тарихий, адабий, санъат асарларидан фойдаланиш. Бунда алоҳида олинган шеър, ҳикоя, расмлардан бошлиб, аудио ва видео имкониятларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бобур газаллари билан айтиладиган қўшиқларнинг магнитофон тасмаси ёки компьютер вариантидан («Сочининг савдоси тушди бошима бошдин яна», «Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор», «Ким кўрубдур. эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг») фойдаланиш ўқувчиларнинг адаб асарларини эмоционал қабул қилишлари учун ҳам муҳим восита вазифасини бажариши табиийdir.

«Ўткан кунлар» романни таҳлилида миллий қадриялгар, қадимги урф-одатлар талқини айрича ўрин тутиши бор гап. Кириш машғулотларида бевосита асарнинг ўзига мурожаат қилиниши мумкин. Ундан истаганча мисоллар келтириш ҳам қийин эмас. Жумладан, «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб сўйди ва Кумушнинг манглайига теккизиб олган ўз қўлини ўпди».

11-синф «Ўзбек адабиёти» дарслигининг муаллифлари бу ҳақда шундай ёзишади:

«Ҳиндлар бир-бирини кўрганда кифтини жуфтлаб таъзим қиласи, француздар аёл кишининг қўлидан ўпиб саломлашади, ўзбек эркаги эса, фарзанди қатори аёлни оталарча эркалаганда, унинг манглайини силайди-да, ўз қўлини ўпади.

Одамни титратиб юборадиган яна бир ёрқин миллий лавҳа: Кумуш заҳарланиб, ўлим тўшагида ётибди. Қайнотаси Юсуфбек ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтиради. Келиннинг кўзи юмуқ,

соchlари юзи устида паришон. Ҳожи келинининг соchlарини тузатиб, манглайига қўлини босади, «ойим... ойим» дея мурожаат этади. Бунақа тифиз ҳолатда ёши улуф одам, қайнотанинг келини ёнига келиб паришон соchlарини тузатиши, манглайига қўлини қўйиб ҳол-аҳвол сўраши табиий бир ҳол. Шунга қарамай, Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлайди ва таниб ... қўзғалмоқчи бўлади. Қарангки, бехуш ётган келин бир дам ўзига келиб қайнотасини таниб қолиб, унинг олдида афтодаҳол ётганидан хижолат чекиб. ўша ночор ҳолатда ҳам одоб юзасидан қўзғалмоқчи, ўрнидан турмоқчи бўлади¹. Кириш машғулотларида бундай парчалардан унумли фойдаланиш имкониятлари бор.

Кириш машғулотларида ўқувчиларнинг ўрганиладиган асар моҳиятини тўлароқ англаб етишлари учун айрим нотаниш сўзлар маъносини изоҳлаш ҳам яхши самара беради. Қадимги туркӣ ёдномаларни, мумтоз адабиётимиз намуналарини, шунингдек, айрим таржима асарларини ўрганишда бу омияларнинг ўрни беқиёс. Масалан, Юсуф Ҳос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» асарини ўрганишда фақат «элиг», «зоҳид» сўзларигина эмас, бош қаҳрамонлар номи (Кунтуеди. Ойтўлди, Ўгдулиши, Ўзгурмиши), айрим тушунча ва ифодалар («очун», «бильга», «тўру», «қарагу», «юла», «тақи», «эрдам», «авучга сўзи»), географик атамалар (Ила, Ўтукан, Қуз ўрду), шахс номлари (Алп Эр Тўнга, Рустам, Корун, Искандар), касб-хунар номлари («су башлар сипаҳсалар», «улуг ҳажиб», «қапуғ башлар», «тарифчи», «игдишчи», «уз»)нинг изоҳи ҳам ўринли бўлади. Турди ҳаёти ва ижодини ўрганишда эса айрим эскирган ва нотаниш сўзлар қаторида тикувчилик атамалари, этнонимлар устида тўхташ ҳам жоиз бўлади. Булаq қаторида «минг», «юз», «қирқ», «тириз», «ўнгир» каби сўзларни келтириш мумкин. Бундан замонавий асарларни ўрганишда сўз маъноларини изоҳлаш ва шарҳлаш зарурати бўлмайди, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак.

Масалан, Абдулла Ориповнинг машҳур «Ўзбекистон» шеърида шундай мисралар бор:

Америка сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.
Колумбда бор аламим маним,
Ўзбекистон - Ватаним маним.

¹ Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. Тошкент, Ўқитувчи, 2002, 147-бет.

Бу ерда Колумб ва Берунийнинг ким эканлигини изоҳлашдан ташқари, «ухлар эди», «аламим бор» ифодалари ҳам шарҳланишини тақозо этади.

Амалдаги дастурларга кўра 7-синфда Омон Матжоннинг «Кўрдим: Шукур Бурхон...» шеъри ўрганилади. У шундай бошланади:

Кўрдим: Шукур Бурхон «Ҳамза»дан чиқиб,
аста пиёдалаб кетди бир куни.

Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,
оламон...

Кўпчилик билмади уни.

Репетиция ўтган. Мана у борар,
Чарчоқ, тунд...

Парвосиз ҳаракат аро.

Ҳозиргина улуғ шоҳ Эдип эди,
Энди фуқародан баттар фуқаро.

Агар биринчи навбатда Шукур Бурхоннинг буюк ўзбек санъаткори, жаҳоний эътирофларга сазовор бўлган актёр эканлиги айтилмаса, «Ҳамза»нинг машҳур театр эканлиги изоҳланмаса, Эдипнинг қадимги юонон адаби Софокл асарининг бош қаҳрамони эканлиги тушунтирилмаса, ўқувчиларнинг қизиқишиларини ошириш у ёқда турсин, асар мазмун ва моҳиятини тўғри илғашлари ҳам мумкин бўлмай қолади.

Қолаверса, Юсуф Ҳожиб, Алишер Навоий, Турди, Чўлпон, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Абдували Қутбиддин ва бошқаларнинг ўз асарларида фойдаланган сўзларини истеъмолга киритиш бу сўзларнинг ўқувчиларнинг ҳам сўз мулкига айланишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кириш машғулотлари адабий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашда, шу муҳим принципнинг амалга ошишида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Унинг воситасида олдин ўтилган мавзулар билан, шу адабнинг олдинги синфларда ўрганилган асарлари билан алоқадорлик йўлга қўйилади. Масалан, «Уфқ» романи ҳақида гап борадиган бўлса, ўз-ўзидан Ватан ва ватанпарварлик, ватан ҳимояси ва алоҳида олинган шахс, масъулият, бурч сингари тушунчалар ҳақидаги хотиралар уйғонади. Шу муносабат билан олдинги синфларда ўрганилган «Широқ», «Тўмарис». Ўрхун обидалари, «Суҳайл ва Гулдурсун» достони, Навоийнинг «Садди Искандарий» достони, шунингдек, «Олтovлон ва еттинчи» сингари асарлар эсланиши мумкин.

Буларнинг ёнига ўқувчиларнинг ўзлари мустақил тарзда ўрганган асарлар ҳам келиб қўшилади.

Кириш машғулотлари ўқувчиларни асар билан ошно бўлиш жараёнларининг остонасига олиб келса, уларни шу жараёнга тайёрласа, **яқунловчи машғулотлар** олинган билимларни мустаҳкамлашга, тегишли малака ва қўникмаларни барқарорлаштиришга имкон яратади. Худди шу босқич ўқувчининг бадиий асар ҳақидаги яхлит, узил-кесил хулосаларининг пайдо бўлишига асос бўлади.

Яқунловчи машғулотлар таҳлилни яна давом эттиради. Энди бу таҳнила олдинги таҳлилнинг такори эмас, балки асл қаймоғи кўрсатилади. Ҳар қандай асарнинг яқуний қисми бутун асардан олинадиган таассурот салмогини белгилайди. Сўз санъаткорлари – адаб ва ёзувчилар асардаги бундай хусусиятни жуда яхши билишган. Худди шунинг учун ҳам улар асосий зарблардан бирини айнан яқунловчи қисмга қаратишлари бежиз эмас.

Агар Навоий фазаллари кўздан кечириладиган бўлса, уларнинг кўпчилигига шу фазалдан кўзда тутиладиган асосий ғоявий-эстетик мақсаднинг рӯёбга чиқишида мақтанинг айрича роль ўйнашини кузатиш қийин эмас.

Навоийнинг бир ғазали қўйидаги матлаъ билан бошланади:

Меҳнат ўқидин қабакдек қолмишам афғон аро.

Ким бугун чобуксуворим йўқтурур майдон аро.

Меҳнат ва машаққатларнинг ўқи туфайли мен афғонлар ичида қолдим, (Бунинг асл сабаби), бугун отни усталик билан бошқара оладиган (гўзалимнинг) майдон ичида йўқлигидир.

Шундан кейин навбатдаги байтларда ёрнинг ошиқ ҳузурида йўқлиги, унинг рӯпарасида бошқаларнинг пайдо бўлиши, кутишнинг интизорли лаҳзалари, ёрнинг келиши учун чорловлардан иборат. Буларнинг сўнггида эса мақта шундай сўзлар билан зийнатланади:

Эй Навоий, кет бу майдондинки ул ҳур ўлмаса,

Биллаҳ, ўлсам турмагаймен равзайи ризвон аро.

Агар ўша ҳур бўлмас экан, эй Навоий, бу майдондан кетгин,

Худо ҳаққи. (агар ўшал ёр бўлмаса,) жаннат боғи ичида ҳам турмас эдим.

Кўриниб турибдики, барча байтлардаги фикрлар занжири айнан сўнгги қисмда ўзининг энг баланд такомилига етган. Агар ҳозиргача «майдон» деган сўз «очиқ жой, сайҳонлик, дала» деган маънени англашиб келган бўлса, бу ерда у кўчма маънода «бу

дунё» деган маънони ҳам англатади.

Бошқа бир ғазални қўрайлик:

Кимса ҳаргиз қўрмади чун аҳли даврондин вафо,

Улки даврон оғатидур, не тамаъ ондин вафо?!

Бирор киши шу пайтгача даврон аҳдидан вафо қўрган эмас,

Давроннинг ўзига оғат етказадигандан қандай қилиб вафо кутиш мумкин?

Кейинги мисраларда «ул ой»нинг бевафолиги, ёрнинг вафо бобидаги илтифоти, даврон аҳдининг вафосизлиги ва, умуман, ер юзида вафога ўрин йўқлиги борасида тап боради. Нихоят, хуносада қўйидагиларни ўқиймиз:

Кимса қўнглин кимсадин истаб вафо, олдурмасун.

Ким манга худ етмади ул қўнглум олгондин вафо.

Агар матлаъда фикр йўналиши умумийлик устида бораётган бўлса, мақтаъда аниқ ва конкрет шахс — мен устидаги мулоҳазалар устунлик қиляпти.

Бу жиҳатдан қўйидаги ғазал ҳам олдингисига ҳамоҳанг бўла олади:

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,

Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Қўриниб турганидай, дастлабки байт умумий руҳ билан сугорилган. Унда табиатдаги уйғунлик ва мутаносиблик ҳақида фикр билдириляпти. Мақтаъда эса яна аниқ ва конкрет шахс — лирик қаҳрамон майдонга чиқади:

Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,

Бўлмасун, ё рабки, ҳаргиз бандя султондин жудо.

Бундай ҳолат эпик асарлар учун ҳам хосдир. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Буларнинг ҳаммаси шуни қўрсатадики, яқунловчи машғулотлар олдингина дарсларнинг тақорори бўлиб қолмаслиги керак. Гарчи бу машғулотларда олдин ўтилган адабий факт ва ҳодисалар ўрни-ўрни билан эсланса-да, улардан янги ҳукм ва умумлашмалар чиқариш учунгина фойдаланиш ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу босқичда ўқувчиларни янада чуқурроқ мушоҳада юритишга, асарнинг янги ва яхши қирраларини теранроқ англаб олишларига йўллайдиган иш турларидан фойдаланиш лозим бўлади.

Дейлик, Алишер Навоийнинг «Ҳамса» туркумига кирувчи асарлар билан танишиб бўлинди. Таҳлиллар амалга оширилди.

Эндиғи гал яқунловчи машгулотларга етиб келади.

Маълумки, «Хамса» ўз моҳиятига қўра адабиёт тарихидаги энг мураккаб адабий ҳодисалар сирасига киради. Назаримизда, яқунловчи машгулотда бир неча йўналишларда иш олиб бориш имконлари мавжуд. Уларнинг энг асосийлари сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. «Хамса» яратиш анъанаси. Бу анъананинг ривожланишида Алишер Навоий асарларининг ўрни ва аҳамияти.

2. Достонлардаги қаҳрамонларга муаллиф муносабатининг акс этиши.

3. «Хамса» достонларида замонавийлик муаммосининг ифодаланиши.

4. Эпик асарлар яратища Навоийнинг маҳорати.

5. «Хамса»да тарихий шахслар сиймосининг яратилиши.

6. «Хамса»да шеър маҳоратининг акс этиши.

Бундай мавзуларни янада кенгайтириш мумкин. Бу ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Фақат битта – бешинчи банд устида ўйлаб кўрайлик.

Маълумки, Алишер Навоий «Хамса» достонларида реал тарихий шахсларга таянадиган қўплаб бадиий образларни яратган. Бу жиҳатдан Мажнун – Қайс, Искандар алоҳида аҳамият касб этади. Бугина эмас, адаб конкрет тарихий шахслар билан боелиқ бўлган қўплаб кузатишлини ҳам ўз асарларида мужассамлаштирган. Улар қаторида мамлакат бошлиқлари – ҳукмдорлар, йирик амалдорлар, алоҳида мавқега эга бўлган ижод аҳли, адига шахсан таниш ва кўнглига яқин бўлган шахслар ва бошқалар бўлишган.

Уларнинг таъриф ва тавсифлари, уларга хос тасвир маромида Навоийнинг ўзига хос қарашлари акс этган. Муҳими, бу тарихий шахслар тасвири орқали муаллиф асарда олға сурган асосий концепция, долзарб гоявий-бадиий мавзулар янада теранроқ очиб берилади, уларнинг тасвири асардаги умумий руҳ билан ўйнулашиб кетади.

Масалан, «Ҳайрат ул-аброр»да Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Фаҳр Розий, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ, Султон Бадиuzzамон сингари тарихий шахслар ҳақида гап борса, «Сади Искандарий»да Низомий Ганжавий, Ҳусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Султон Бадиuzzамон, Султон Абусаид Кўрагон каби

тариҳий шахслар қаламга олинганд.

Умуман олганда, кириш машгулотлари сингари якунловчи машгулотларнинг ҳам шакл ва қўринишлари ранг-барангидир. Энг муҳими, улардан айни шу синф ва айни шу ўқувчига мос ва муносиблари танланиши керак. Бу ўқитувчининг маҳоратига қўп жиҳатдан боғлиқдир.

Савол ва топшириқлар:

1. Бадиий асар таҳлилидаги асосий ҳолатларни изоҳлаб беринг.
2. Кириш машгулотлари қандай ташкил этилади? Аниқ мисоллар воситасида тушунтиринг.
3. Якунловчи машгулотларнинг қандай педагогик аҳамияти бор? Мисоллар билан тушунтириб беринг.
4. Проф. А. Зуннунов кириши машгулотини муайян шарт-шароит ва унга ажратилган вақтга кўра қўйидаги турларга бўлади:
 1. «Асарнинг яратилиши ёки унда акс эттирилган тариҳий даврни тушунишга ёрдам берадиган кириш машгулоти.
 2. Адабий асар ёки унинг мавзуи ҳақида ўқувчиларда таассурот ҳосил қилишига мўлжалланган кириш машгулоти.
 3. Ўқувчиларнинг шахсий таассуротлари ёки амалий қузатишлари асосида ўтказиладиган кириш машгулоти.
 4. Таржимаи ҳолга доир кириш машгулоти». Уларнинг ҳар бирини тегизили тарздаги мисоллар билан тушунтириб беринг.

ЭПИК АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а:

1. *Таҳлилда асарнинг жанрий хусусиятларини ҳисобга олиш.*
2. *Эпик асарларнинг ўзига хос хусусиятлари.*
3. *Эпик асарлардаги таҳлил турлари.*
4. *Каҳрамонлар тизимини ўрганиш усуслари.*
5. *Асар сюжети ва композициясини ўрганиш.*
6. *«Муаллиф изидан» таҳлил*

Адабий асарларни таҳлил қилишда уларнинг тур ва жанр хусусиятлари алоҳида аҳамиятга эга. Асарнинг тур ва жанри уни таҳлил қилишга оид метод ва усусларнинг белгиланишига асос бўлади. Таниқли методист М.А.Рыбникова: «Методик усусларни асар табиати тақозо қиласди... Балладани режа асосида таҳлил қилиш мумкин, бироқ лирик шеърни режалаштириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Кичкина ҳикоя тўлиқ ҳажмла ўқилади ва таҳлил қилинади. Романдан алоҳида, етакчи бобларни ажратиб оламиз, улардан бирини синфда, бошқасини уйда, учинчисини синчиклаб таҳлил қиласмиш ва матнга яқин ҳолда қайта ҳикоялаймиз, тўртинчи, бешинчи, олтинчиларини тезроқ таҳлил қилиб қисқача қайта ҳикоя қиласмиш, еттинчи ва саккизинчи бобларнинг парчалари алоҳида ўқувчиларнинг бадиий ўқишлари шаклида берилади, эпилогни синфга ўқитувчининг ўзи айтиб беради. Топишмоқларнинг жавоби топилади ва ёд олинади, мақоллар изоҳланади ҳамда ҳаётий мисоллар билан далилланади, масал эса унда кўзда тутилган хулоса назарда тутилган ҳолда таҳлил қилинади»¹.

Буларнинг барчаси адабий асар таҳлилида унинг тур ва жанр хусусиятлари алоҳида аҳамият қасб этишини кўрсатиб туради. Проф. К. Йўлдошевнинг ёзишича, «турли адабий асарлар билан иш юритилганда таҳлил усуслари мутлақо ўзгариб кетмайди, лекин ўқувчининг асарга ёндашиши, муносабат тарзи ўзгаратади». Бунинг жуда катта назарий ва амалий аҳамияти бор. Зоро, «асарларни тур ва жанр хусусиятларига кўра ўрганиш санъатдан лаззатланиш, асарни унинг бадиий бутунлиги ҳамда

¹ Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения. – М., 1985. – С. 58.

такрорланмас моҳиятини ҳис этиш қобилиятни ривожлантириши назарда тутади»¹.

Адабий асарнинг бадиий-эстетик моҳияти унинг композициясини, яъни ундаги турли-туман қаҳрамонлар, бирбирига ўҳшамайдиган саҳналар, алоҳида жой, манзара, вазият тасвирлари, монолог, диалоглар, ўй, хаёл, туш ва бошқа турли компонентларнинг мураккаб тартибини ўрганиш, шарҳлаш орқали ўзлаштирилади. Таҳлил жараёнида ўқитишнинг хилмажил усулларидан фойдаланилади. Буларнинг орасида адабий ўқиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки адабий ўқишда матннинг асл моҳияти дастлабки тарзда тасаввур этилади. Унинг ўзак муаммолари ўқувчининг кўз олдида осонроқ гавдаланади. Адабий ўқишда дастлабки урғу тушиши лозим бўлган ўринлар ажратилади, улар ўқувчиларнинг онгига ҳам, туйғуларига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

Гап эпик асарлар устида борар экан, уларда «ҳар қандай ҳиссиёт воқеалар қаърига беркитилган» бўлишига эътибор бериш зарурати бўлади, чунки «қаҳрамонларни ҳаётий воқеалар оғушида кўрсатиш хусусияти эпик асарларда инсоний кечинмаларни тасвирлар жараёнига жойлаш имконини беради ва ўқувчидан бу сезимларни илғаб олиш талаб қилинади. Адабиёт ўқитувчиси ўз ўқувчиларида айни шу малакани – эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиш ва мантиқий хуносага кела билишни шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади»².

Адабий ўқиш ўқитувчининг иш фаолиятидаги асосий методик восита бўла олади. Адабий ўқиш воситасида алоҳида олинган қаҳрамоннинг, ёки бир неча қаҳрамонларнинг савиёси, уларнинг асарда тутган мавқеи, асар мавзуси, ёзувчи кўзда тутган бадиий-эстетик ниятнинг ифода тарзига эътибор тортилиши мумкин. Масалан, академик лицейларнинг 1-босқичида Аҳмад Юғнакийнинг «Хибат ул-ҳақойиқ» достони ёки Рабгузийнинг «Қиссайи Рабгузий» асарини ўқиш жараёнида ҳар икки адаб танлаган жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари тушунтирилмаса, ўқувчилар мазкур асарларнинг асл моҳиятини, уларда кўзда тутилган бадиий-эстетик моҳият магзини чақа олмайдилар. Натижада улардаги ҳақиқий бадиий тароват йўқقا чиқади, улар ўқувчилар онгига етиб бормайди, уларнинг қалбларида тегишли ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлишига ёрдам беролмайди.

¹ Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. с.136.

² Йулдошев К. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. 127-бет.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва қасб ҳунар коллежларининг адабий дастурларида ҳалқ оғзаки ижоди, мумтоз ва замонавий алабиёт, шунингдек, жаҳон адабиётига мансуб бўлган хилма-хил жанрлардаги эпик асарларни ўрганиш кўзда тутилади. Жумладан, 5-синфда «Уч оға-ини ботирлар», «Сусамбил» ҳалқ эртаклари, Ҳ.Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», Ҳанс Христиан Андерсеннинг «Булбул», Жанни Родарининг «Хуришни эплолмаган кучукча», Анвар Обиджоннинг «Одил Бургутшоҳ ва «Замбуруғ» лақабли жосус ҳақида эртак» адабий эртаклари, Алишер Навоийнинг «Шер билан Дуррож», Саъдийнинг кичик ҳикоялари, Абдулла Қодирийнинг «Улоқда»,Faфур Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам», Ойбекнинг «Фонарчи ота», Н.Норқобиловнинг «Оқбўйин», Нодар Думбадзенинг «Ҳелладос» ҳикоялари, Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», қиссалари берилган. Кўриниб турибдики, фақат 5-синфнинг ўзидаёқ эпик турга мансуб бўлган хилма-хил жанрлардаги асарлар тақдим этилган. Айни пайтда бошқа синфларда оғзаки ижоднинг достон, ёзма адабиётнинг роман жанрларидан намуналарни ўрганиш ҳам кўзда тутилади. Ҳудди шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бирига ўзлари мансуб бўлган жанрлар нуқтаи назаридан ёндашилиши зарур бўлади, аке ҳолда ўқувчиларда нотўғри таассурот юзага келиши, кўзда тутилган бадиий-эстетик самара олинмаслиги мумкин.

Адабий асарнинг, жумладан, эпик турга мансуб бўлган асарларнинг матни устидаги иш адабий таълимнинг ўзак масалаларидан биридир. У «ўқувчиларни бадиий адабиёт оламига олиб кириш, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан муаллифнинг муносабати ва ниятларини пайқаб олишга имконият¹ яратади. Бадиий матн устида ишлаш жараёнида ўқувчилар асарнинг поэтик моҳиятини англаб етади, унинг мазмунини таҳлил қиласи. мавзунинг талқинларига эътибор қаратади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар ва умуман, асардаги воқеалар ривожига муаллиф муносабатини аниқлашга ҳаракат қилишади.

Ҳатто айни бир хил жанрлардаги эпик асарлар таҳлилида ҳам ўзига хос ёндашувлар талаб этилади. Алишер Навоийнинг «Хамса»си таркибида бешта достон бор. Уларнинг барчаси бир хил жанрда ёзилган. Шунга қарамай, уларнинг ҳар бири ўз олдига мутлақо бошқа-бошқа бадиий-эстенк мақсадларни қўйган. Демак,

¹ Зиннинов А., Адабиёт ўқитуни методикаси. - 16-бет.

уларни таҳлил қилишда ҳам шу андозадан келиб чиқиш зарур бўлади. «Ҳайрат ул-аброр» фалсафий-дидактик достон. Унда адабининг олам ва одамга қарашидаги ўзига хосликлар фалсафий-ахлоқий руҳдаги ҳикоя, қисса ва мулоҳазалар орқали ифодаланади.

«Фарҳод ва Ширин»да қаҳрамонлик йўналиши устивор. У ишқий-романтикага тўйинтирилган қаҳрамонлик достонидир. «Лайли ва Мажнун» эса адабиётимиз тарихидаги «энг фожиавий ишқ қиссаси» сифатида машҳурдир.

«Сабъайи сайёр» - ишқий-саргузашт йўналишида бўлса, «Садди Искандарий» қаҳрамонлик достонидир. Уларда инсониятнинг ўзига хос руҳий олами, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий қарашлари, ўша даврлардаги ижтимоий ҳаёт манзаралари акс этган. Уларда воқеалар қамрови ниҳоятда кенг, иштирок этувчи қаҳрамон ва персонажларнинг сони ҳам кўп, уларнинг ҳар бирига боғлиқ равищда эса муаллиф кўзда тутган бадиий ният ҳам ранг-барангдир. Таҳлил жараёнида мана шу ранг-баранглик ҳам доимий эътиборда туриши керак бўлади.

Уларнинг қай бирини таҳлил қиласётганда қандай усул ва ўйлардан фойдаланиш керак деган саволга бир хилдаги жавоб бериш мумкин эмас. Бу вазифани алоҳида олинган шароит, синфнинг ўзига хослиги, ўқувчиларнинг адабий тайёргарлиги, қолаверса, ўқитувчининг ўз билим ва тажрибасидан келиб чиқиб ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Эпик асарларни таҳлил қиласётганда ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг адабий тайёргарлиги асосий ўринда туради. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-синфларида асосан эпоснинг кичик жанрлари: эртак, ҳикоя, қиссалар, айрим достонлар ўрганилади. Йирик эпик асарларни ўрганиш эса юқори синфларда, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар коллекцияларида ўрганилиши режалаштирилган. Уларнинг ҳар бирини ўрганишда ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланишга тўғри келади.

Масалан, академик лицейларнинг 2-босқичида Навоийнинг эпик асарлари, жумладан, «Ҳамса» достонларини ўрганиш белгиланган. Дастлаб, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилар экан, унда адабининг адабий мероси, бу мероснинг фақат ўзбек адабиёти ривожида эмас, балки умумтуркӣ адабиёт тарихида ҳам, жаҳон адабиёти тарихида ҳам ниҳоятда улкан воқеа бўлганлиги қайд этилади. Сўнг адабининг асар устидаги жиддий меҳнатини кўрсатиб

берувчи эпизодларга эътибор тортилади. Бундай ўринлар бешала достонда ҳам истаганча топилади.

Ўқитувчи ўзи учун қулай бўлган вариантдан фойдаланиши мумкин. Буларнинг натижасида ўқувчиларда Алишер Навоий даҳосини таъминлаган ижодий ривожланиш босқичлари ҳақидаги асосли ва реал тасаввурлар ҳосил бўлади. Улар адаб ижодининг илмий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик аҳамиятни теранроқ илғайдilar. Бунга эришиш эса осонликча кечмайди. Бу натижа турли-туман метод ва усуслар қўлланишини тақозо этади. Булар орасидан биз ўқитувчининг кириш сўзи. Якунловчи маърузаси, ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Уларда асарлардаги асосий гоявий-бадиий магиз, алоҳида олинган эпизодларнинг асардаги яхлит сюжет ва композиция билан алоқадорлиги, олдинги синфларда Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ҳолда ўрганилган материалларни эслаш ва такрорлаш назарда тутилса мақсадга мувофиқ бўлади. Яна бир нарсани эслатиш ҳам ўринли бўладики, ҳажмига кўра йирик бўлишига қарамай, замонавий романларни таҳлил қилиш ҳам осон бўлмаса-да, Навоий асарларини, умуман, мумтоз эпик асарларни таҳлил қилишнинг қўшимча қийинчиликлари оз эмас. Айниқса, улардаги эскирган сўзларнинг қўплиги, ўша давр бадиий талаблари, шунингдек, бевосита адаб услуби билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир. Бунинг устига йирик эпик асарларни ўрганиш учун талаб этиладиган вақт ҳам ниҳоятда чегаралаган. Қисқа вақт ичida ниҳоятда катта вазифаларни ҳал қилиш зарурияти ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун қўшимча имкониятларни қидиришни тақозо этади.

Методист олим Сафо Матジョンнинг кўрсатишича, «Айрим ўқитувчилар эпик асарлар таҳлилини жўнлаштириб, ёзувчини ўқувчи билан ёнма-ён қўйиб қўядилар. Ҳолбуки ўқувчиларни ёзувчининг бадиий-ижодий оламига бошлаш зарур. Бунинг учун асар таҳлилига оид мустақил ишларни ўтказишида ўқувчилар олдига «Қаҳрамоннинг бу иши тўғрими?», «Унинг ўрнида бўлганда нима қилар эдинг?» каби ижодий фикрлашга қаратилмаган саволлар ўрнига: «Шу вазиятда қаҳрамон ўзини бошқача тутиши мумкинми?», «Ёзувчи уни нима учун айнан шу ҳолатда тасвиirlайди?» сингари саволлар қўйилса, ёзувчининг ижодий лабораторияси билан чуқурроқ танишишга имкон турғилади»¹.

Рус методистларининг гувоҳлик беришича, «Белкин қиссалари» ва «Дама қарға»ни ўқиган ўқувчилар Пушкин прозасини унинг бор бойлиги бўйича тасаввур қила олишмайди. Асосан қиссаларнинг сюжети тушинилади, бу ҳам унинг қисқалиги учун жуда чуқур ўзлаштирилмайди. Ўнинчи синф ўқувчилари мустақил ўқишдан кейин муаллиф нуқтайи назарини ҳам, Пушкин прозасининг бадиий фазилатларини ҳам англаб ётишмайди².

Биз бу фикрни Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндлари ижодига нисбатан ҳам татбиқ қилишимиз мумкин.

Аслида Алишер Навоий ижодининг, айниқса, «Хамса» достонларининг поэтик ўзига хосликларини пухта ўзлаштириш, кейинги даврлардаги мумтоз адабиётимиз вакиллари яратган асарлар моҳиятини осон ва қулай ўзлаштиришнинг пухта асоси бўлиши керак.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихидаги тақрорланмас сиймодир. Унинг «Хамса» асари эса адаб ижодининг гултожи ҳисобланади. «Хамса» достонлари адебнинг дунёни бадиий идрок этишдаги ўзига хос кашфиётидир. У фақат ўзбек эмас, балки бутун туркӣ ҳалқлар адабиёти, Шарқ адабиёти, ҳатто жаҳон адабиёти тарихида бадиий-эстетик тафаккур тараққиётини янги босқичга олиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамият қасб этади.

Машғулотларнинг дастлабки босқичида ўқитувчи Алишер Навоийнинг муҳташам «Хамса»сининг яратилиш тарихи ҳақида қисқача маълумот бериши мумкин. Бу маълумотлар ўқитувчининг маърузаси тариқасида ҳам, синфнинг тайёргарлигига қараб суҳбат асосида ҳам ўтказилиши мақсадда мувофиқ бўлади.

Маълумки, «Хамса» 1483-1485 йиллар орасида — икки йилда ёзилган. Шунга қармай, унинг таркибидаги ҳар бир достон мазмун моҳиятига кўра ҳам, тузилиши ва таркибига кўра ҳам бир-бирига ўхшамайди. Ўқитувчи маърузаси давомида ҳар бир достонга хос бўлган хусусиятларни муйянлаштириш учун орада ўқувчиларни суҳбатга чорлаши, савол-жавоблардан фойдаланиши мумкин.

«Ҳайрат ул-абброр»ни ўрганишда асардаги фалсафий ҳамда ахлоқий-маърифий муаммолар талқинига асосий урғу берилса, «Сабъайи сайёр»ни таҳлил қилишда унинг композициясига

¹ Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар., 22-23-бетлар.

² Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. с. 138

эътибор қаратыши мақсадға мувофиқ бўлади. «Ҳикоя ичидә ҳикоя» қабилидаги бу асарда мавзу қамровининг кенглиги, талқинларнинг турфалиги, инсоний характерларнинг катта миқдори ва тасвир имкониятларининг ранг-баранглиги ўқувчилар онига етказилиши ўринли бўлади.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ни мақолотларга бўлади. Бу сунъий ва тасодифий характерда бўлмасдан, муаллифнинг аниқ гоявий-бадиий мақсадлари билан алоқадордир. Ундаги ҳар бир мақолот учун танланган мулоҳазалар, келтирилган далиллар, қўлланган мақол ва ҳикоялар муайян бадиий мақсадларни кўзда тутади. Энг муҳими, улар бадииятнинг олий намуналари сифатида намоён бўлади. Асардаги бирорта образнинг тасодифийлиги ёки воқеалар мантиқига «сигмай қолиши» ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Улардаги ҳар бир қаҳрамон, ҳар бир персонаж, уларнинг хатти-харакатлари тўлиқ асосланган, бу асосларнинг ўзагини ҳаётий мантиқ ва бадиий ҳақиқатлар ташкил этади.

Достон композициясидаги барча унсурлар жуда катта маъновий ҳамда эмоционал «юқ» кўтариб туради.

Достон матчининг ўқилиши таҳлили жараёнида муаллифнинг шахсий нуқтаи назари, унинг инсон шахси билан алоқадор бўлган бош концепциясига урғу бериш ўринли бўлади.

«Хамса» туркум достонларини ўрганишда Навоийнинг адаб сифатидаги, шу асарнинг муаллифи сифатидаги муносабатлари айрича аҳамият қаеб этади. Достонларнинг барчасида инсон ва унинг ҳаётдаги ўрни, унинг инсон сифатидаги масъулияти алоҳида эътибор билан чизилади. Инсон табиатидаги ўзига хосликларни муаллиф – Алишер Навоий турлича нуқтаи назарлардан кўрсатади.

Хамса достонларининг сюжет қурилишида, композициясида ҳам бу масалалар тегишли инъикосини топган. Жумладан, улардаги алоҳида олинган бир қатор образлар борки, адаб ўзи замондош бўлган давр воқеалари ёки тарихий ўтмиш мисолида инсоний характерларнинг такрорланмас қиёфаларини кўрсатиб беради. Баъзан уларни воқеаларнинг табиий ривожи ичидә тасвирлаб берса, баъзан уларга ўзининг конкрет муносабатини жуда очиқ равишда ифодалайди. Ҳар қандай ҳолатда муаллифнинг шу қаҳрамонларга бўлган муносабати унинг китобхонларга ҳам айтадиган гапи борлигининг далолати бўла олади. Ўзи тасвирлаётган воқеа ёки характерлар силсиласи воситасида у китобхони ҳам тегишли манзилларга йўллаб тургандай бўлади.

Навоий асарларида ижтимоий ҳаётга оид барча

қатламларнинг вакилларини кузатиш мумкин. Улар орасида шоҳлар, вазирлар, савдогарлар, дәҳқонлар, кемачилар, косиблар, олимлар, шоирлар ва бошқалар мавжуд. Буларнинг барчаси тилга олинар экан, уларнинг орасидаги ўзаро муносабатлар ҳам, бу муносабатларнинг намоён бўлиш шакллари ҳам бир-бир қаламга олинади. Яхлит ҳолда эса биз ўша даврдаги жамият учун муҳим бўлган асосий қонуниятлар билан ҳам танишиб борамиз.

Савол ва топшириқлар:

1. Эпик асарларнинг қандай ўзига хосликлари мавжуд. Ўқув таҳтида улардан қандай фойдаланиш мумкин?
2. Эпик асарларнинг сюжети ва композициясини ўрганишда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берилиши керак, деб ўйлайсиз? Нима учун?
3. Асарнинг образлар тизимини таҳлил қилишда қандай ўзига хосликлар мавжуд? Уни аниқ бир асар мисолида тушунтириб беринг.
4. «Муаллиф изидан таҳлил»ни қандай тушунасиз?

ЛИРИК АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШ

Р е ж а :

1. Лирик асарларни жанр ҳусусиятларига кўра ўрганиши.
2. Лирик асарларни қабул қилишининг ўзига хос ҳусусиятлари.
3. Поэтик матнни таҳлил қилиш йўллари.
4. Лирик асарларни ўрганишидаги педагогик техника.
5. Лирик асарларни мактабда ўрганишининг ўзига хос ҳусусиятлари.
6. Лирик асарларни академик лицей ва қасб ҳунар коллежларида ўрганишининг ўзига хос ҳусусиятлари.
7. Лирик асарларни олий таълимда ўрганишининг ўзига хос ҳусусиятлари.

Бизда шеърий жанрлар, лирик асарлар ҳақида ёзилган тадқиқотлар ниҳоятда кўп. Бу бежиз эмас. Аслида бизнинг адабиётимиз тарихи том маънодаги лирик асарлар тарихи десак муболага бўлмайди. Классик адабиётимиздаги газал минг йиллар давомида адабиётимизнинг бутун куч ва қурдатини, тилемизнинг назокат ва тароватини кўрсатадиган бир белги, кўрсаткич бўлиб келганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Лириканинг ўзига хос ҳусусиятлари нималардан иборат? Дастроб шу саволга жавоб бериб қурайлик. Бунинг учун назарий китобларни варақлашга тўғри келади. Биз «Адабиётшунослик терминлари лугати, адабиётшуносликка кириш, адабиёт назариясига оид дарсликлардаги таърифлар билан қизиқамиз. Мана улар:

Жамол Камолда:

«Қадим Юнонистонда лирика мусиқа ва рақс санъатлари билан узвий, чамбарчас ҳаёт кечирган экан. Шарқда ҳам шундай бир ҳолни кузатиш мумкин. Шарқда энг буюк мутасаввуф шоир Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам ўзининг сўфиёна газалларини рубоб жўрлигига, рақсга тушиб айтган. Ўзбек халқининг севимли классик шоири Бобораҳим Машраб ўз шеърларини танбур оҳанглари билан орасталаб куйлаб юргани эл орасида маълум.

Лирика инсон ўз шахсини таниган, ўзини шахс сифатида англаган, ўзини олам ичра яна бир олам деб билган ва ташқи, объектив оламга янгича қаратган шароитларда пайдо бўлади... Лирика парвозини ҳамиша жамият ҳаёти белгилайди».

Тұхта Бобоевда:

«Лирика (Юнон лирис – лира жүрлигіда күйлаш) – бадий адабиётнинг асосий турларидан бири бўлиб, бирор ҳаёттй воқеа-ҳодиса таъсирида инсон қалбіда туғилган руҳий кечинма, фикр ва туйгулар орқали воқеликни акс эттиради».

Дилмурод Қуроновда:

«Лирика (юн. чолғу асбоби) адабий тур сифатида қадимдан шаклланган бўлиб, ўзининг бир қатор хусусиятларига эгадир. Лириканинг белгиловчи хусусияти сифатида унинг туйгу кечинмаларни тасвирилаши олинади. Яъни эпос ва драмадан фарқли равишда лирика воқеликни тасвириламайди, унинг учун воқелик лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларининг асоси, уларга туртки берадиган омил сифатидагина аҳамиятладир».

«Адабиёттуносликка кириш»да:

«Лирик турга киравчи асарлар одатда кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусияти ва белгиларига эга. Лирик турга киравчи асарларда конкрет индивидуал кечинмалар орқали типик кечинмалар ифодаланади. Шу орқали лирик асарда бадий умумлаштириш вужудга келади».

Эркин Худойбердиевда:

«... лирик тур хусусиятлари асосан тўртта:

1. Лирика ва эпосда ҳам объектив ва субъектив дунё акс этади, лекин эпосда биринчиси, лирикада иккинчиси биринчи ўринга чиқади. Чунки лирика ўз-ўзини ифодалашдир, аммо дунё лирикага лирик қаҳрамоннинг онги орқали ўтади, «мен» тилидан аён бўлади»...

2. Лирика эмоционал-ҳиссий (медитатив) фикрлашдир, яъни у ички олам, қалб диалектикаси аксидир. Дунёдаги зиддиятлар дилга кўчади; лирика ички поэзиядир. руҳий ҳолат ойнасидир.

3. Эмоционал- ҳиссий фикрлаш шахсий кечинма тусини олади, яъни лирика негизида кечинма туради, ҳаёт шеърда кечинма шаклида акс этади, кечинма лирик таъриф ва лирик образга айланади, шу сабабли, шахсий кечинма ўзига хос типик тарзга киради, одамлар бу кечинмада ўзини кўради, уни ўзиники қилиб олади. Баъзи шоирнинг кечинмалари ҳаётга нисбатан тор, баъзилариники кенг бўлиши мумкин. Кечинмалари бой. теран шоир лирикасининг халқчиллиги ва умуминсонийлиги ортади.

4. Эмоционал-ҳиссий фикрлаш ҳис ва фикр муносабати

маҳсулидир. Ҳаёт доимо шоирда қувонч ё нафрат ҳиссини кўзгайди, ҳис эса аста-секин фикр ва холосага айланади. Ҳис кўнгилдаги тўлқинланиш ҳосиласидир. Шеърдаги ҳис тингловчида ҳам худди шундай ҳис түғдиради. Бу эса шеърдаги бадиий идрок ва эстетик таҳлил ҳам лирик умумлаштиришдан келиб чиқади.

Булардан келиб чиқадиган холосаларни қўйидагича умумлаштириш мумкин:

- лириканинг бошқа санъат намуналари билан алоқадорлиги очиқ сезилиб туради;
- лирика қанчалик индивидуал, хусусий ҳолатларни акс эттиришига қарамай, унда жамият ҳаётининг ифодаси акс этган бўлади;
- лирик асарлар инсон ҳис-туйғуларини жуда аниқ ва ёрқин тасвиралиши билан ажралиб туради;
- Улардаги туйғу ва кечинмалар тасвири ҳаётий воқеалар тасвирини иккинчи даражага ўтказиб қўяди;
- уларда том маънодаги ривожланиб борадиган сюжет мавжуд бўлмайди;
- қисқача қилиб айтганда, уларда ўзига хос шеърий нутқ амал қиласиди.

Абу Наср Фаробий шеъриятнинг ўзига хослиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, жумладан, шундай дейди:

«...исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қиласиди. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигни ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлғон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу ҳаракат – феълни амалга оширади»¹.

Таниқли олим А.Шаропов ёзганидай: «лирик кечинма оқими поэтик тасвир орқали ўқувчидаги юзага келадиган руҳий ҳаяжон тўлқинларида ўз ифодасини топади. Поэтик тасвирнинг ҳаққонийлиги, унинг характеристи, аниқлиги ёки ёрқинлиги, босиқлиги ёки кўтаринкилигига қараб, ўқувчидаги бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини тақрорламайдиган руҳий қайфият ҳосил бўлади. Бу ранг-баранглик, биринчидан, шоирнинг борлиқ воқеа-ҳодисаларни ҳис

¹ Абу Наср Фаробий. Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А.Ирисов – Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 18-бет.

қилишдаги үзига хослиги, бетакрорлиги билан узвий боелиқ бўлса, тўгрироғи, объектив ёки субъектив моментнинг белгиловчилиги билан изоҳданса, иккинчидан, давр талаби, ўқувчи руҳий дунёсининг ранг-баранг қатламлари, унинг бадиий диди савияси билан боғлиқдир»¹.

Шу ўринда яна бир тадқиқотчининг мулоҳазаларини кузатиш ўринли кўринади. Унинг ёзишича, «бадиий асарда объект ва субъект тили терминлари (бу ерда «тиль» сўзи нутқ маъносида) қўлланади. Адабий турлар – лирика, эпос ва драма тили ўргасидаги айирма ҳам айнан шу нуқтадан – объект ва субъект нутқидан бирининг доминантлик (устунлик) қилишидан бошланади. Субъект – муаллиф, объект – қаҳрамонлар эканлигини назарда тутсак, лирикада субъект нутқи ҳукмронлик қилишини сезиш қийин эмас. Лирик асарларда бевосита реал-ҳаёт воқеа-ҳодисалар баёни эмас, балки ана шу воқеа-ҳодисалар натижасида муайян бир шахс қалбидаги туғилган ҳис-ҳаяжон, туйгу-кечинмалар тасвири берилади. Демак, муайян ҳис-туйғу айрим олинган бир кишини – субъектники, шу ҳис-туйғуни ифодаловчи ҳам субъектнинг ўзи. Масалан, Абдулла Ориповнинг «Чорлаш» шеъридан:

Дўсти гариф, кел, қўлингни тут.

Юрагингда ёқай аланга,

Кел, бир зумга дунёни унут,

Кўтарайин сени баландга.

Кўриниб турибдики, нутқ муаллифи – лирик қаҳрамон. «Дўсти гариф»га ҳамдардлик туйгуси ифода этилган бу ўн иккилик бошдан-охир шу лирик қаҳрамон монологидан иборат. Айрим ҳоллардагина лирик асарларда (воқеабанд шеър ёки ғазалда) қаҳрамон (объект) нутқи кўриниб қолади, аммо у барибир субъект нутқидан кейинги ўринда туриши билан характерланади. Шу маънода лирика тилини субъект тили дейиш мумкин»².

Лириканинг бу хусусиятлари таълим жараённада эътиборга олиниши шарт. Психологларнинг таъкидлашича, IV-VI синф ўқувчилари VII-VIII синф ўқувчиларига қараганда лирик асарларни тушунишга ва ўқишига мойилроқ бўлади. Бу мойиллик IX-XI синф ўқувчиларида яна янгидан ривожланиб боради.

Демак, таълим жараённада бу хусусиятларни эътиборга олиш, керак бўлса, улардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланиш лозим. Шеър – эмоционал кайфият ифодаси. Бу кайфиятни ўқувчиларга

¹ Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. Рисола. Тошкент, Фафур Ўломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 41-42-бетлар.

² Фаниев И. Фитраг драмалари поэтикаси. – Тошкент, Фан, 2005, 180-181-бетлар.

юқтира олиш эса ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Шеърий асар бир кишининг – шоирнинг оламни ўзига хос кўриши натижасида юзага келган ҳосиладир. Ҳамма гап шу ўзига хос қараши ва кўришни англаб, ҳис қилиб етишда холос. Ана шу конкрет битта одамга тегишли туйгулар, ҳиссиётлар айни пайтда бутун инсониятга, ҳамма одамларга бир хилда алоқадорлигини англаш шеърни ҳис қилишдаги биринчи қадам, дастлабки одим бўлади.

Шеърий асарни англаш, ундаги муаллиф кўзда тутган ниятни, мақсад ва вазифаларни тушуниб етиш, шеър гоясининг магзини чақиши уни ўқишидан. янада аникроғи ифодали ўқишидан бошланади.

Имкони бўлса, шеърий асарни профессионал актёрлар, таникли сўз усталари, ўрни билан эса уларнинг мусиқа ёрдамидаги ижросидан фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Шунда шеърий асардаги ритм, товушлар уйғунлиги, сўзнинг кўп маънолилиги, айни пайтда ҳар бир сўз ва товушнинг жарангি, янги сўзнинг оҳори осонроқ ва таъсирироқ тарзда намоён бўлади.

Шеърий асарларни таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ёши алоҳида ўтиборда тутилиши керак. Мисол тариқасида академик лицейларнинг ўқувчиларини оладиган бўлсак, уларнинг қалбига лирик асарлар моҳиятини сингдирища мантиқийлик ва эмоционалтиқни қўшиб олиб боришнинг самарали бўлишини таъкидлаш жоиз.

Бу ёшда уларга шеърий асарнинг образлар тизими ҳақида гапириш, мухокама ва мунозараларни шу соҳага буриш ўринли бўлади. Айни пайтда шеърнинг эмоционал-образли қирраларидан назарий тушунчалар томонга ўтиш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Назарий тушунчалар асосида шеърий асар образларини тушуниш томон бориши ҳам амалиётда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган усуллардан ҳисобланади. Буни Навоий ғазаллари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Академик лицейларнинг иккинчи босқичида ўқиётган ўқувчилар умумий ўрта таълим мактабида Ҳамид Олимжон, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Атоий, Бобур, Муқимий,Faфур Фулом, Миртемир, Усмон Носир, Эркин Воҳидов. Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Зулфия, Абай, Азим Суюн ва бошқа турли давр ва турли йўналишдарда ижод қилган шоирларнинг шеърлари билан танишиб улгурган бўлишади. Айни пайтда улар мумтоз шеъриятнинг жанрий бўлинишларини, аruz вазнида ёзилган асарларни ҳижоларга бўлиб ўрганишни, шеър тузилишига оид тушунчаларни ўзлаштирган бўлишади.

Навоий ижодига оид дарслар воситасида ўқувчилар онги ва

тасаввурда буюк адид сиймосини – унинг ижодий қиёфасини шакллантириш мумкин булади.

Навоийнинг ташқи қиёфаси унга замондош бўлган санъаткорлар томонидан чизиб қолдирилган. Имкони бўлса дарсда шу расмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлалди. Адиднинг сўз воситасидаги портрети эса кўплаб ижодкорларда мавжуд. Биз Ойбек ижодига («Навоий» романни) мурожаат қилишимиз мумкин.

Бобурнинг «Бобурнома»сидаги таъриф ҳам аскотади:

«Алишербек назири йўқ киши эрди. То туркий тил била шеър айтибтурлар, ҳеч ким ончалиқ кўп ва ҳўп айтиқон эмас».

Навоийнинг шахсий фазилатлари, алоҳида қобилият ва иқтидори ҳақида ҳам маҳсус тўхташ жоиз. Айниқса унинг зехни, хотираси ҳақидаги тарихий факулар ўқувчиларнинг қалбига кучли таъсир кўрсатади ва бу ҳолат уларнинг адид ижодига бўлган қизиқишлигини оширувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Шунга кўра адиднинг ёд олган асрлари, замонавий ва ўтган адиллардан ёд олинган шеърларнинг миқдори ҳақидаги мулоҳазаларни уларга етказиш жоиз.

Навоий фавқулодда қобилият эгаси бўлган. Унинг иқтидори чеку чегара билган эмас. У жуда эрта шуҳрат қозонган. Ўзидан бир неча марта катта ёшда бўлган замондошлари унинг иқтидорини тан олишган. унга қойил қолишган.

Навоий шеърияти билан мулоқот ўқувчиларнинг ички оламларининг маънавиятининг бойишига катта ҳисса қўшади.

Навоийнинг ватан ва ватанпарварлик ҳақидаги шеърлари фақат ўша давр кишининг қечинмалари сифатидагина эмас, балки бутунги авлод, хусусан, ёшлар учун ҳам ибрат ва намуна мактаби бўлиши табиийдир. Ўқувчилар онгига мана шу ҳолатлар етказилиши керак.

Фурбатда гарид шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гул битса,

Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Шеърни таҳлил қилиш жараёнида унинг юзага келишига омил бўлган ҳаётий воқеаларнинг тилга олиниши ҳам шеър моҳиятини англаб етишда асосий омиллардан бири бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шеър остилаги руҳий ҳолатни аниқлаш ва англаб етишнинг анча қийинлиги, баъзан эса умуман мумкин бўлмаслигини ҳам эътироф этиш керак.

Навоий шеърияти туйгулар ва фикрларнинг етуклиги, табиийлиги, фавқулодда гўзал ва таъсирчанлиги, сўз маъноларининг

камалақдек товланиши билан ажралиб тұради.

Күргали хұснунгни зору мұбтало бұлдум санға,
Не балолиғ күн әдіким, ошын бұлдум санға.
Хар неча дедимки, күн-күндін үзай сендин күнгүл.
Ваҳки, күн-күндін батаррак мұбтало бұлдум санға.
Ман қачон дедим, вафо қылғыл манға, зұлм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бұлғыл манға, бұлдум санға.
Қай пари пайкарға дерсан телба бұлғунг бу сифат.
Эй пари пайкар, не қылсанғ қыл, санға бұлдум, санға.
Эй күнгүл, тарки насиҳат айладим, овора бұл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бұлдум санға.
Жоми Жам ичра Хизр сүйи насибамдур мудом,
Соқиё, то тарки жоқ айлаб гадо бұлдум санға.
Фұсса чангидин навое топмадым ушшоқ аро,
То Навоийдек асирұ бенаво бұлдум санға.

Шеър ифодали ўқылғач, саволлар устида иштеш мүмкін бўлади:

1. Шеърни ўқишиң натижасыда сизде қандай түйғулар пайдо бўлди? Шеърда қандай образлар мавжуд?
 2. Биринчи байт мазмунини қандай изоҳлаш ёки шарҳлаш мүмкін?
 3. Шеър мавзусини аниқланғ. Үнга қандай сарлавҳа қўйиши мүмкін деб ўйлайсиз? Қўйган сарлавҳанлизни асослаб бера оласизми?
 4. «Балолиғ күн» ифодасини изоҳлаб беринг. Шеърда яна қандай сифатлашлар қўлланган? Улар қандай вазифаларни адо этмоқда?
 5. Шеърнинг қофияси ва радифларини аниқланғ. Нима учун айни шу сўзларнинг қофияда қўлланганligини изоҳлаб беринг.
 6. Байтлар орасыда мантиқий боғланиш борми? Уни қандай изоҳлаш мүмкін. Байтдан байтга ўттан сари шоирнинг ички кечинмалари тасвирида қандай ўзгариш ва янги қирралар кузатилади? Изоҳлаб беринг.
 7. Фазалда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай бадий-эстетик вазифаларни бажармоқда?
 8. Фазалнинг тили, унда қўлланган сўзларнинг эмоционал-экс-пресив томонлари ҳақида нималарни айтга оласиз?
- Навоийнинг мазкур ғазали лирик кайфиятнинг ўзига хос ифодаси сифатида алоҳида эътиборға мөликәзир. Мана шу кайфиятни туғдериш учун шеър ифодали ўқилади. Ифодали ўқищдан сұнг унинг байтма-байт таҳлилиға ўтиш мүмкін.

Күргали ҳұснунгни зору мубтало бўлдум санга.

Не балолиг кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Матлаънинг биринчи мисрасида ошиқ қўнгилнинг соғинчли иштиёқлари, ёрга бўлган дил талпинишлари ўз ифодасини топган бўлса, кейинги мисрада шу ошиқликдан пушаймонлик акс этган. Бу оҳанг ёрни илк марта қўрган кунга бериладиган баҳода (не балолиг кун эдиким) мужассамлашган. Кофияга «мубтало» ва «ошно» сўзларининг сурилиш мазкур мотивни бўрттириб тасвириланга хизмат қиласди. Мисралар охирида такрорланаётган ралиф – «бўлдум санго» мазкур кечинмаларнинг бевосита сўзловчи – лирик қаҳрамонга дахлдорлигини таъкидлаб туради. Аммо бу ёрдаги пушаймонликнинг оний лаҳзалиарга оидлигини ҳам унутмаслик керак. Кейинги бандларда ундан асар қолмайди. Аксинча уларда лирик кайфиятнинг бошқа қирралари янада теранроқ очиб берилади.

Энди бевосита лирик қаҳрамоннинг умумий ҳолати тасвирига ўтилади:

Ҳар неча дедимки. кун-кундин узай сендин қўнгул,

Ваҳки. кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Бу ерда ишқий кечинмаларнинг ўзига хос тасвири мавжуд. У инсон – лирик қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларнинг гадрижини кўрсатиб бермоқда. Навбатдаги байтда ҳам шу руҳ давом этади. Энди лирик қаҳрамон ва унинг нутқи йўналтирилган шахс – маъшуқанинг ўз сўзлари орқали инкишоф этиш йўли танланади:

Ман қачон дедим. вафо қилғил манга, зулм айладинг.

Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Матлада бўниланган мен ва сен зиддияти барча байтларда давом эттирилган. Фақат олдинги мисраларда бу зиддиятга кучли урғу тушмаган эди. Ушбу байтда эса айни шу ҳолатнинг бўрттириб тасвириланиши кузатилади. Бу бежиз эмас – навбатдаги байтдан бошлаб лирик «мен»га алоҳида эътибор жалб қилинади. Туйгулар ифодаси шу байтдан бошлаб янада қуюқлаштирилади. Лирик қаҳрамон бунга бевосита маъшуқага мурожаати воситасида эришади:

Қай пари пайкарга дерсан телба бўлдунг бу сифат,

Эй пари пайкар, не қилсанг қил, санга бўлдум, санга.

Мазкур мурожаат ёнида сўзлар такори, улар вөситасидаги мантикий қайтариқ лирик қаҳрамон муддаосининг тўла ва таъсиричан ифодаланишига хизмат қиласди.

Кейинги байтда ҳам мурожаат қилиш усули құлланған. Бироқ, бу мурожаат әнди ёрга әмас, балки лирик қаҳрамоннинг ўзигадир. Ўз-ўзига мурожаат шакли сифатида **күңгил** танланған:

Эй күңгүл, тарки насиҳат айладим, овора бўл.

Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Бу ерда зиддият юз ва бир ўртасида содир бўлмоқда. Кейинги байтда эса зиддиятнинг мантиқий кучи яна бир пардага кўтарилади. Одатда, Жоми Жамга мушарраф бўлган киши ҳеч нарсага муҳтоҷлик сезмайди. Айниқса, унинг ёнида «Хизр суйи» ҳам мавжуд бўлса, бу әнди ҳар нарсага имкон дегани билан баробардир. Шунга қарамай, у соқий ҳузурида бир гадо холос.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,

Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Охирги байт – мақта шеърнинг ўзига хос якуни сифатида майдонга чиқади. Шунга қўра у барча байтлардаги фикр оқимини давом ҳам эттиради, айни пайтда уларнинг мантиқий поёнини ҳам кўрсатади.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,

То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Бу байт таҳлилида ўқувчилар эътиборини «ғусса чанги», «наво», «ушшоқ» сингари сўзларга боғлиқ бўлган сўз ўйинларига тортиш завқли бўлади.

1. Тасаввур қилинг, сиз академик лиейларнинг иккинчи бос-қичида (ёки умумий ўрта таълим мактабларининг VIII синфидан) шу ғазални таҳлил қилмоқчисиз. Ўқувчиларнингизга қандай саволларни берган бўлар эдингиз? Шундай саволлардан 6-10 тасини ёзма равишда кўрсатинг.

Академик лицейларда ва қасб-хунар колледжларида Навоийнинг қатор рубоий, ғазал ва қитъаларини ўрганиш асосида ўқувчиларнинг классик шеърият, лирик қаҳрамон, лирик кечинма, лирик қайфият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва бойитиш мумкин бўлади.

Ўқувчиларга шеърий асарни талқин қилишда жуда кўп йўл ва усуллар борлигини, шоирнинг нияти кўпинча таг маъноларда яширинган бўлишини, шунга кура шеърнинг ҳар доим кўпмаънолилик қасб этишини тушунтириш, уларда мана шунга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш керак бўлади. Мисол тариқасида Абдулла Ориповнинг машҳур шеърини эслатиш мумкин:

Бозорга ўҳшайди аслида дунё,

Бозорга ўшайди бунда ҳам маъни.
 Иккиси ичра ҳам кўрмадим асло
 Молим ёмон деган бирор кимсани.
 Ёки бошқа бир адабнинг шеърини кўриш мумкин:
 Доно ўйлар кўриб нодонни,
 Табиатдан умр бир эҳсон,
 Инсонми шу ганимат онни
 Қадрламай совурган инсон?

Нодон ўйлар кўриб донони,
 Табиатдан умр бир эҳсон,
 Инсонми шу ганимат онни
 Қадрламай совурган инсон?

Савол ва топшириқлар

1. Умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларда лирик асарларни ўрганишда қандай фарқли жиҳатлар бор?
2. Лирик асарларни таҳлил қилишда асарнинг жанри қандай аҳамияти касб этади? Буни конкрет мисоллар ёрдамида тушунтириб бера оласизми?
3. Таҳлил жараёнида ўқувчилар лирик асарларни қабул қилишининг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор беришлари керак бўлади, деб ўйлайсиз?
4. Лирик асарларни ўрганишда ифодали ўқишининг қандай роли ва аҳамияти бор? Тушунтириб беринг.
- 5.1. Адабиётлар билан ишлаш:
Тавсия этилган манбалар (*адабиётлар*) билан танишиш.
- 5.2. Битта поэтик матн устида қиёсий таҳлилини амалга ошириш (мактаб дарслигида берилган таҳлилга ўз таҳлилини қўшиш).
- 5.3. Иккита дарс парчаси (*фрагменти*) ишланмасини тузиш. Ундаги асосий вазифа ўқувчиларга (*5,6-синфлар*) қоғия ҳақида маълумот бериш бўлади.
- 5.4. Берилган шеърий асар таҳлили учун саволлар тизимини ишлаб чиқши.
- 5.6. Алоҳида шеърий асарни таҳлил қилиши учун дарс конспектини тузиш. (7-синфдаги, 8-синфдаги, 9-синфдаги, Академик лицейларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида шеърлар мисолида) (танилаш ихтиёрий).

ДРАМАТИК АСАРЛАРНИ ЎРГАНИШ

Р е ж а :

1. Драматик асарларнинг жанр хусусиятларига доир.
2. Уларни урганишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Драматик асарларни ўрганишида асар тилига эътибор бериш.

Драматик асарларга драма, комедия, трагедия (фөжәе) сингари жанрлар мансубдир. Бундай асарларда воқеалик асарда бевосита иштирок этувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, нутқлари орқали очилади.

Драматик асарлар саҳнага мослаб ёзилган бўлади. ёзувчининг фикрлари асарда иштирок этувчиларнинг сўзлари ва ҳаракатлари воситасида кўрсатилади.

Лирик ёки эпик асарларда муаллиф нуқтai назари кўп ҳолларда очиқдан-отиқ билдирилади. Драматик асарларда эса айни мана шу ҳолат мавжуд эмас. Бу ўқувчилар учун қўшимча қийинчликларни юзага келтиради. Шунга кўра, бу ердаги муносабатларнинг ўзига хос тарзда аке этишини уларнинг онгига, идрокига етказиш зарурати бор. Саҳна асаридаги ҳар бир ҳаракат ва ҳар бир сўзнинг катта маъно ташиши ўқувчилар томонидан англаб этилиши керак. Бунинг учун таҳдил жараёнларида асарнинг шу хусусиятларига асосий ургу беришга тўғри келади.

«Сўз санъатининг асосий турларидан бири бўлган *драма* юононча сўз бўлиб, ҳаракат, амал-фаолият деган маъноларни биодириади. Пьеса, асосан, саҳнада ижро этиш учун мўлжалланган бўлиб, сұхбат-диалог шаклида ёзилади. Унга баён ва таєвирлашга хос усууллар ёт бўлганидан, муаллиф персонажлар хатти-ҳаракатини, ҳодисаларни бевосита таҳдил этиш имкониятига эга эмас. Бундай вазифалар диалоглар етакчилинида. монолог, ремарка ва наужалар ёрдамида муйайн вақғ ичилади кўз ўнгимизда содир бўлаётган қисматлар шаклида амалга ошириллади. Ҳар бир воқеага йўналиш берилади. Драматик асар танаффузлар билан кўрсатилганини сабабли, ҳар қайси қисми *парда* леб юригилади. Парда ичилади қўринишлар бўлади. Бир кечага мўлжалланганилиги сабабли драма асари ҳажман чеклангандир»¹.

Драматик асарлар композицион тувилиши жиҳатидан бошқа жанрлардаги асарлардан фарқ қиласи.

¹ Имомов Б., Жўёрғиз Қ., Ҳажимова Ҳ. Узбек траматургиясин таризи. Ташкент. «Ўқитувчи», 1995, 5-бет

Шунинг учун драма жанри сўз санъатига мансуб бўлса ҳам, саҳнада ижро этилиши билан роман ва қисса жанридан фарқ қиласди. Драма ҳар бир образ ўз характерига хос хислатларни жонли тили, хатти-ҳаракати орқали намойиш қиласди. Шунга кўра, драмада проза ва поэзияга хос бўлган бевосита муаллиф нутқи бўлмайди, балки унинг нутқи қавс ичида изоҳланади. «Насрчи ва назмчи ҳикоя қилиш, воқеаларни изоҳлаш, ҳодисаларни ифодалаш, характерларни тасвирлаш йўлидан боришса, драматург эса сўзларни ҳаракатга солиш, қаҳрамонларни сўзлатиб қўйиб, характерларини очиш услубидан фойдаланади»¹. Китобхон ёки томошабин драмада содир бўлаётган воқеа ва қаҳрамонларнинг ўзидан пайқаб олади. Бинобарин, драматург ўз қаҳрамонларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмайди, балки уларни ҳаракатда кўрсатади.

Драматик асарларда оҳанг, пауза ва овознинг баланд-пастлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, нутқнинг ўзиги хос бу хусусияти саҳнада янада аниқроқ кўринади.

Драма адабиётнинг гултожи ҳисобланади. Унда драматургга нисбатан ташки воқеа-ҳодисалар, ҳаётий масалалар, иштирок этувчи шахсларни ўз-ўзини намоён қилиш воситасида акс эттирилади. Ҳар қандай ҳодиса ҳам драматик бўлавермайди.

Таълим жараённада ўқувчи ва талабалар бир неча драматик асарлар билан танишиб чиқишиади. Улар орасида қадимги Юнон драматургларининг асарларидан бошлаб, хорижий мамлакатлардаги адиллар қаламига мансуб бўлган саҳна асарларигача мавжуд. Табиийки, уларнинг орасида ўзбек драмалари асосий ўрин тутади.

Мақсуд Шайхзода драматургияси ҳам шу сираға киради. Драматик асарларни таҳлил қилишда адабиётшуносликдаги мавжуд тадқиқотларга таяниш мумкин. Айниқса, Иzzат Султон, Н.Маллаев, Ҳ.Абдусаматов, Б.Имомов, И.Фафуров, Ш.Ризаевларининг тадқиқотлари бу жиҳатдан эътиборлидир.

Чўлпоннинг драматургия соҳасидаги илк асарлари 20-йиллар арафасида майдонга келган бўлса-да, улар, шунингдек, 1920-йилда ёзилган “Ёрқиной” драмаси ҳам кичик саҳна асарлари эди. Шунинг учун ҳам Москвадаги ўзбек драма студиясида саҳналаштириш учун маҳаллий мавзудаги асарларга эҳтиёж туғилганида Чўлпон мазқур пьесани қайта ишлаб, уни 1926-йилда

¹ Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент. Faafur Fуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти., 2000, 210-бет.

китоб шаклида нашр этган.

Пъесага Чүлпоннинг қўйидаги сўзлари илова этилган: “Тотли ва бой тили билан эртак (чўпчак) айтиб бериб, шу асарнинг ёзилишига сабаб бўлган КАМПИР ОНАга ҳурмат билан бағишлайман”.

Бу сўзлардан маълум бўлишича, “Ёрқиной” пъесаси заминида Чўлпоннинг “кампир онаси”дан эшитган халқ эртаги ётади. Айрим манбаларда эса “Ёрқиной” пъесасида Аннижондаги Пўлатхон кўзголони билан боғлиқ воқеалар акс эттирилган, деган фикр ҳам мавжуд. Аслида ҳам, Чўлпон ўшлигига “кампир онаси”дан Пўлатхон кўзголони ҳақидаги эртакнамо воқеани эшитган ва мазкур асарни яратишида шу эртак-воқеадан фойдаланган бўлиши мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар шу фикрни кўллаб-кувватлашади.

“Ёрқиной”нинг қисқача мазмуни қўйидагича:

Ўлмас ботир исемли саркарданинг қизи Ёрқиной билан унинг қароргоҳида боғбонлик қилган Пўлат ўртасида муҳаббат ришталари боғланади. Пўлат бу уйнинг оддий хизматкори, Ёрқиной эса ўзига тўқ хонадоннинг фарзанди бўлгани учун боғбон йигит ўз эзгу ниятининг амалга ошишига кўзи етмаганлигидан бу хонадондан кетмоқчи бўлади. Кутимагандан Пўлатни Ёрқиной билан ёлғиз учратиб қолган ўлмас ботир уни номуссизликда, кўрнамакликда айблайди. Бу ҳам кифоя қилмасдан ўз қизи Ёрқинойни ҳам ор-номусни унутиб, номуносиб, камбарад, бечора бир хизматкор билан учрашгани учун ўлдиришга тайёр эканлигини айтади.

Ёрқиной эса ҳақ йўлида ўлимдан ҳам қайтмайди, шу йўлда у ўлимга ҳам тайёр. Шунинг учун ҳам у бўйини экканида Ўлмас ботир: “Отанг ноҳақ ерга бир қатра қон тўйкан эмас. Мундан кейин ҳам тўймайдир!” деб мағрур жавоб беради.

Ўлмас ботир ва унга ўхшаш кимсалар учун ҳақ ва ҳақиқатнинг талқини бир хил эмас: ўз манфаати учун ҳаққа қарашиб бошқачароқ; бу йўлда у одамларни қириб ташлаш, истаганча қон тўкишни ҳам жоиз ҳисоблайди. Ўз манфаатидан келиб чиққан ҳақ тушунчалиги уни ўзининг ёлгиз қизини жазолаш тўғрисида ўйлаб кўришга ҳам ундамайди. Айни шу пайтнинг ўзида ўзгалар учун ҳақ тушунчалиги уни Пўлатни қатл этиш учун изн бераверади: “Аммо, -давом этиди у Пўлатни кўрсатиб, - мана бу кўрнамакнинг қони тўқилица, асло ноҳақлик бўймайдир!” Ана шундай эътиқод билан яшаган ўлмас ботирнинг ҳалол инсон эмас, балки золим ва қонхўр саркарда эканлиги маълум бўлади.

У билан жуда ноқулай ахволда тұқнашған ва ўз шаъни, йигитлик ор-номусини ҳимоя қилишга мажбур бұлған Пұлат ўзи ва отаси ҳақидаги аниқ матъумоттарни билишга интилади. Худди шу нарса Үлмас ботирнинг қаҳрини янада күчайтиради. Зеро, бу ваҳшийлик Үлмас ботирнинг ҳеч кимга очиб беролмайдиган эңг даҳшатли сири эди.

Чұлпон пьесасынға бу муҳим драматик нұқталаридан бирини бундай тасвиrlайди:

“Пұл ат (қалтираб)”. Ботир, пардан очиш замони келғанга ўхшайдыр. (*Күзига қараб олиб.*) Менинг отам ким?

Ботир (бир құршашиб ранги үчиб оладир, сұнгра ўзини тұхтатиб олиб, бемалол). Отанғ - бир қишлоқ!

Пұл ат. Қани ўша қишлоқи? Нимага мен сизнинг даргохингизда, сизнинг нон-түзингизга қараб қолғанман?

Ботир. Ўзини боқолмаган бир қишлоқи сени бити билан боқсимви? Ўзи боқолмагандан кейин менға бериб кеттән-да! Отанғ сени: “Ботирнинг қизи билан ўйнашсын, Ботирни эл-халқ олдида ерга қаратсын!” деб қолдирған әдими? (*Қизиб.*) Қани, айт, беномус, гапир!

Пұл ат (қалтираб, ботирнинг күзига қараб олиб). Уялмайсизми? Уялмайсизми? Астағфуруллоҳ... (*Бир-икки қадам орқасыга қайтадир.*)

Ботир. Мен кимнинг она қўйнидаги қизи билан ўйнашибманким, уялсан?

Пұл ат (югуриб келиб). У... ёнгоқнинг тагидаги хандақ кимнинг ғори? (*Ботир чүчиб, орқасыга жиладир, лекин ўзи жисм; Пұлат борған сари унлиқиб.*) Бир хандақда неча кишининг боши бор? (*Қўйнидан бир рұмольчада майда суюклар олиб ташлаб.*) Мана бу суюклар кимники? Нимага ёнгоқ тагидаги хандақда чириб кеттән? (*Ёнидан бир қоюз олиб.*) Мана бу ариза кимники? (*Бақириб.*) Кимники дейман? Ариза берганлар қани? (*Ердан суюкларни олиб, Ёрқинойнинг олдига ташлайдыр.*) Мана шулар эмасми ариза берганлар? Менинг отам, акам, тогам, яна бошқа қавм-у қариндошларим шу бир ҳовуч суюкнинг ичидә эмасми? Гапириңг! Нимага дамингиз чиқмай кетди? (*Ботирнинг қиличи қўйидан тушиб кетадир, ранги оппоқ оқарадир, касал одамдай бұшашиб, ҳолсиз туриб қоладир.*)...

Пұлат билан Үлмас ботир ораларидан бўлиб ўтган ана шу диалогнинг драмадаги ўрни жуда ўзига хос. Ушбу парча асар қаҳрамонларининг характерини уларнинг дунёқараши,

тасаввурлари, бир-бирларига бўлган муносабатларини ҳам ойдинлаштиради. Ана шу воқеалар туфайли отасининг қандай инсон эканлигини билib олади. Бунга Пўлатнинг сўzlари имкон беради.

Ёркинойининг Пўлат томонига тўла «ўтиб кетиши» ҳам мана шу саҳна кўриниши билан асосланади.

Ёзувчи бу хрётий ҳақиқатга бадий тасвир орқали бизни ишонтира олади:

“Ёрқинойи (қалтираб). Ота, ота дейман! Бу нима гап? Бу нима? Бу қандай гап? (Ботир жум.) Пўлат, сен айтиб бер, бу нима гап? Мен уламан. Мен чидаёлмайман. Бу қандай сир?

Пўлат (ўзини босиб олиб, бўшашиброқ). Бу сирларнинг тагини отангиздан сўранг. Ота-она, қавм-у қариндошларини бир умр курмаган. Уларнинг ширин гапларини ёшитмаган, ўзларини куриш. Ўрнига бир хаита чириган суюкларига эга бўлган киши ўша суюкчарни чиригтан даргоҳда тура олмайдир. Амакингизга қизини бермизани учун хонавайрон бўлган бир қишлоқи, ўша қишлоқини “ҳек” дегани учун ер билан яксон қилған қишлоқ... Яна мендик бахти, қаро ўлини шударгоҳга бир умрлик кул қилиб берибидир! Мен шу тўрт оғиз гапни сизга айтиб қўйиб, шу даргоҳдан суткул бони олиб кетмакчи элим... Ойим поишшо, менга нон-туз берки, леб отангиздан ҳалоллик сўрамайман. Нимага дессанлиз, ҳар бир тишлаган ноним — ота-оналаримнинг бир бурда эти, ҳар бир қатра татиган тузим — уларнинг кўз ёшлари, балки қонлари билан гўлган экан”.

Бу ерда энди драманинг бошқа бир имкониятидан фойдаланилмоқда. Унинг номини биз монолог деймиз. Монолог — битта қаҳрамоннинг нутқи. Аммо у ўз йўналишига кўра хилмажил бўлиши мумкин. Баъзан, у қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини, ўй-кечинмаларини асослаш учун хизмат қисса, айrim ҳолатларда бошқа қаҳрамонлар билан муносабатларини ойдинлаштириш учун бўйсундирилади. Бу ердаги монолог эса Ўлмас ботир қароргоҳида содир бўлган даҳшатли воқеаларнинг илдизини очишга қаратилган. Бу ерда мантиқан бир моҳиятга эга бўлган ҳодисага икки хил қараш, икки хил нуқтаи назарининг ўзаги кўрептиб берилмоқда. Аслида, Пўлатнинг отаси, акаси, тегаси, ҳатто бутун уруг-аймоқлари Ўлмас ботиринин амакисига қизини бермагани учун ўлдириб ташланган.

Пўлатнинг нутқи мана шу ҳақсизликка қарши исён тарзида намоён бўвати. Айни шу диалог Ёркинойининг ҳам шундай

тengсизлилка, ижтимоий адолатсизликка қарши Пўлатнинг ёнида биргаликда бош қўттарганлигини асослаш учун хизмат қилган.

Драматик асарнинг саҳнадаги ижроси алоҳида аҳамиятга эга. Театрдаги драматик асарнинг қўйилишини кузатиш беҳад катта таъсир кучига эга. Албатта, бунда актёларнинг маҳорати ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳамид Олимжоннинг ёзишича:

«Уйғур «Гамлет»ни саҳнага кўйди. Аброр Ҳидоятов Гамлет ролини, кейин эса Отелло ролини, Сора Эшонтўраева Офелия ролини, кейин эса Дездемона ролини ижро этди. Сеҳргар драматург Шекспирнинг пъесалари ҳаммани илҳомлантириб юборди. Спектакль катта муваффақият қозонди. «Гамлет» сурункасига 22 кун кўйилди. Аброр Ҳидоятовнинг дублёри йўқ эди. Шекспир пъесаларининг сеҳрли кучи Аброр Ҳидоятовни ҳоргинликка эътибор бермасликка мажбур этарди. У жазавага тушиб ўйнарди. Спектакллардан бирида Гамлет саҳнада беҳуш бўлиб ўиқилди. Аброр касал бўлиб қолди. Узоқ вақтгача ҳақиқатисти саҳнага чиқа олмади¹. (Курсив бизники – Т.Б.) Ҳемак, ўқувчиларга имконияти борича драматик асарларнинг бевосита ижроси билан таништириши, ҳеч бўлмагандан унинг радиопостановкаси ёки телене ёки видеонусхаларидан парчалар кўрсатиш уларнинг мазкур асарларни англаш ва ҳис этиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

Драматик асарларда конфликт алоҳида ургу билан намоён бўлади. Шунга кўра, таҳлил жараёндаги асардаги асосий конфликтнинг намоён бўлишига эътибор бериш шартдир. Масалан, «Падаркуш»да Зиёли билан Бой ўртасидаги зиддият ҳам мавжуд. Бу зиддият Бой билан Домулло орасида ҳам мавжуд. Муаллиф икки томоннинг ўзига хос дунёқараши, ўй-фикrlари, мақсад-муддаоларини бир-бирларига қарама-қарши қўйган ҳолда тасвирлайди. Зиёли ва Домулло эзгуликнинг, янгиликнинг тарғиботчиси ва муҳлиси сифатида кўринса, Бой эскилилка мукласидан кетган, янгиланиш ва ўзгаришларга нисбатан бепарво, ҳатто душман мақомида тасвирланади. Икки образда юрт қайгуси, эл-юрт ташвиши, унинг келажаги учун қайғураётган кишилар кўрсатилса, Бой қиёфасида ўзининг тор, биқиқ дунёсидан ташқарини кўра олмайдиган, манфаатпараст ва жоҳил шахс намоён бўлади. Асарда илм ва илмсизлик, маърифат ва

¹ Ҳамид Олимжон. Ўзбек халқининг адабиёти – Асарлар мажмуси. Беш томлик. Бешинчи том, Мақолалар Танқид. – Тошкент, Рафур Руомномидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1972, 265-266-беллар.

жаҳолат орасидаги зиддият ҳам ёрқин қўрсатиб берилган.

Мақсад Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» драмасидаги зиддиятларнинг намоён бўлиши ҳам ўзига хосdir. Бир қарашда у мутафаккир оға ва мансабпаст ўғил орасида содир бўлаётгандек кўринади. Аслида эса у шахс билан замон, алоҳида шахс ва ижтимоий тузум орасидаги зиддиятларга таянади. Энг муҳим ва бўртиб кўринадиган зиддиятлар Улугбек билан унинг ўели Абдуллатиф, Улугбек билан Гавҳаршодбегим, Улугбек билан Сайд Обид, Улугбек билан Пир Зинданий орасида кўзга ташланади. Бу зиддиятларда ақл – иарок ва жаҳолат, эзгулик ва қабоҳат, бағрикеизлик ва манфаатпастлик, донолик ва жоҳилик сингари бир-бирига зид бўлган фазилат ва нуқсонлар ҳам ўзаро бир майдонга туширилалди. Улар орасидаги баҳсу мунозаралар, кескин кураналар орқали чуқур ҳаётий мантиқ ва хуносалар ёрқин намоён бўлади.

Драматик асарларнинг ўрганилишида уларнинг тилига алоҳида ётибор бериш керак бўлади. Йирик адабиётшунос олим ва драматург Иzzat Султон айтганидай: «Киши роман ўқир экан, унда туцунчмаган сўз устида ўйлаш, унинг матносини эста олиш ёки луғатлардан қараб тоини имконияти бор. Томошабин бундай имкониятларга эга эмас. Шу сабабли саҳнада айтилган ҳар бир сўз тушунарли бўлиши шарт»¹.

Драматик асарларни таҳлил қилишда асардаги қаҳрамонларнинг ҳаракати, бир-бирларига муносабатигина эмас, балки ундан ҳар бир сўз, ҳар бир ишора ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Шунга кўра уни таҳлил қилишда муаллиф ремаркасидан бошлаб, қаҳрамонларнинг бир-бiri ҳақидаги фикрлари, уларнинг ўз сўzlari, муаллиф қўллаган тасвир воситаларининг барчаси, тил имкониялари ҳам ҳисобга олинини керак. Буни ихчам намунасини «Ёрқиной» драмаси мисолида шундай қўрсатиш мумкин:

¹ Иzzat Султон. Асабиёт назарияси. – Тошкент, Уқидуши, 1980, 289-бет

«Ерқиной» драмасидаги Пұлат образыңа тавсиф:

Мұддиф ремаркасы	Пұлат хакыла бөшкәлар	Нұтқыдан намуналар	Мактаба образынан информация	Пұлат нұтқынан хөс түзгән сүйләр
Пұла - бөгбөн шынғыт. 30-35 жарда Ұлттық ботирининг қурғон бөгчесінде үрік даражаларинин тәғи. Тұрда - үріксөрдән сүңгі олмаса, уннан орқасауда үзүн-үзүн сарғад (никон)тар. Күкілмән башшарларында жамма даражаларыннан япроқтары күм-күкізде, гүллар чаман-чаман бүліб очылғандар. Важт ярим кечеге яқыншыланған даражаларында орасдан ойданылған туашалыр, япроқтар сүткеқ сыйтін. Оның шынындағы жыныспен.	Күмір: Биліммен, биліммен кімнін сезіннегінізін ұзам биліммен. Қым үчүн күз еши түккеккінгиздің ұзам биліммен Сиз сезінгін гүзілінгін сезінгизде тенг бұлмаганини, шу үчүн үнға ета отыншылғаннан, менің үшіншегін ұзам биліммен. Момо: Пұлат бұлса ўзғандықтан башқа ҳеч нарасаң ішкі бір бөгбөн, бір яшашоқ. Боліп: Беномус, күрнамақ! Гавир дейман сенің, бешіде!...Мен сениң мәрдлігінде билгіншін үчүн сен билан майдонда үтрашғанымға жұла хүрсаншәдім. Шу узун уриңда бір мәрғаба ұзам айдаша шылжатадым, жамма нақт сенге ұрмат билан урунды күлдім.	Мен билімдікім, ярим тарықтағы кешесе ба тарап-бір тал түрүк шіма үчүн тегес, алға виа ким үчүн бұламан. Булса? Үйк, мен ўзиннан бушиб шерманатталып-күйдіңім. Гимин - сира бес билан үйламайман. Бек билан буй үлчаш-лекин үннің макиши арманда болған бой бүзіншілік жаға ёмон күркеман. Үнға тарықтай бир тал тегес, хафа бұламан.	Унға димдіким, ярим тарықтағы кешесе ба тарап-бір тал түрүк шіма үчүн тегес, алға виа ким үчүн бұламан. Үймік болғар Йүк, мен ўзиннан бушиб шерманатталып-күйдіңім. Гимин - сира бес билан үйламайман. Бек билан буй үлчаш-лекин үннің макиши арманда болған бой бүзіншілік жаға ёмон күркеман. Үнға тарықтай бир тал тегес, хафа бұламан.	Поншам, Ота, отажон, худога шукур. Биз құмымдастырылғаннан кілділік.
Бір шынала, бір шер терісен - пустак билан иккішін ястіп, күтіп айтады Пұла шыкар, содда-хизматқорларча - кайынған. Бенің шынындағы бөйектенің осынан.	Еркін: Мана шынлай тоғы киличаған маңа бу. Бекка үзіншегінде инсофін жолтимдарға эмес, шына Пұлат болып ашынан инсофін, нәк нұлдағы тортишиб етін азомалтарға келиндерін.	Сенса-да, сенса-да. У -өсімдә, мен-ерза. У менің үйшандыр, мен - тогу тошшарды. Мен жоғу тағтұрғылары билан мәрдлар арча олиниб тұрган бир шыншам!		

Драматик асарлар моҳиятини яхши англаш учун матн устида ишлаш катта ёрдам беради. Айниқса, ифодали ўқиши, шарҳли ўқишининг нафи катта. Бунда муаллиф кўзда тутган маънонинг юзага чиқарилишига имконият пайдо бўлади. Ўқигувчининг ўзи ифодали ўқиши намунасини кўрсатиб, ўқувчиларини шу йўналишга бошласа, асар мантиғидаги бош маънонинг англаниши осонлашади. Шарҳ ва изоҳлар эса шу мантиқининг таркибий қисмларини кўрсатишга қаратилиши керак.

Драматик асарларни түшүнишдаги енгилилкни таъминлайдиган яна бир қадам асарни ролларга бўлиб ўқиш билан алоқадор. Аммо бу ҳам ўз-ўзича, осонлик билан амалга ошмайди.

Ролларга бўлиб ўқиши учун ҳам жиддий тайёргарлик керак. Зоро, ҳар бир асар қаҳрамонининг ўзига хос хусусиятлари, унинг руҳиятидаги мавжуд ҳолат теран илғаниши, уларнинг ҳар бирига хос бўлган хатти-ҳаракат ва ҳатто овознинг тезлиги, баланд-пастлиги ҳам аҳамиятли бўлади. Уларнинг асарда тасвирланаётган воқеа ва характеристларга алоқадорлиги ўқини шаклиданоқ сезилиб туриши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараёнларда ўқувчиларнинг муаллиф гояларини тушуниши, муаллиф билан биргаликда қашф этиб бориши керак бўлади.

Биз «Ёрқиной» мисолида мулоҳаза юритадиган бўлсақ, дастлабки парда билан танишишлан кейин ўқувчиларга шундай саволлар билан мурожаат қилишимиз мумкин:

1. Биринчи пардада биз нималарни кўрдик? Унинг иштирокчилари кимлар?
2. Иштирокчиларнинг кийимларида қандай ўзига хосликлар бор?
3. Биз саҳнадаги иштирокчилар, уларнинг кийимлари, қиёфалари, ёши, характеристи ҳақидаги маълумотларни қаердан ёки қандай билиб олдик?
4. Қумри ва Пўлат нутқларидан айрим намуналарни ўқинг. Уларда ифодаланаётган асосий моҳият нимада деб ўйлайсиз?
5. Қаҳрамонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларида қандай оҳанглар устивор? Улар қандай ифодаланяпти? Бу муносабатларнинг англанишида муаллиф ремаркаларининг ўрнини тушунтириб бера оласизми?

Ўқувчиларга асарнинг саҳнадаги кўринишини тасаввур эттириш ҳам унинг моҳиятини теранроқ илғаш йўлларидан биридир. Бунинг учун ўқувчиларга «Ёрқиной» драмасидаги бирорта кўриниш учун саҳна безакларини танлашни тавсия этиш мумкин. Турли ўқувчилар бунда бир неча вариантни тавсия қила оладилар. Бутун синф билан ҳар бир тавсияни муҳокама қилиш, уларнинг қайси бири асар руҳиятига кўпроқ даражада мос ҳолатларни тошганилигини белгилаш ўқувчилардаги мустақил ва ижодий фикрлашни, уларнинг отзаки ва ёзма нутқларинин ривожланишини таъминлайди. муҳими уларнинг асар ғоясини чуқурроқ англаб етишларига замин ҳозирлайди.

Ўнинчى мажлис воқеаларини олиб кўрайлик. Бу ерда Ўлмас ботир билан Пўлатнинг юзма-юз сұхbatлари берилади. Аслида, драманинг энг ўткир кўринишларидан бири ҳам шу ерда. У ерда

ғоялар кураши, мағқуралар кураши, шахслар кураши, улар орасыдаги зиддият ўзининг бутун қамров ва мантиги билан намоён бўлсан. Сюжет нуқтаи назаридан воқеларнинг куъминион нуқтаси ҳам шу ерда. Парча билан танишиб, ўқувчиларга шундай саволлар бериш мумкин бўлади?

1. Ўлмас ботирнинг келганилиги ҳақидаги хабарни Пұлат қандай қабул қилди?

2. Пұлатнинг шу ҳолатдаги монологида унинг қайфияти ва қарашлари қандай ифодаланган?

3. Ўлмас ботирнинг «Пұлат, ҳозир сен билан бизге дунёда ҳеч бир маҳрам, дўст, ота-она демасдан, ёлиз гаплашатурган вақт келиб қолди» деган гапларини Пұлат қандай қабул қизди? Шу манзарадаги Ўлмас ва Пұлатларнинг ҳолатига қандай баҳо берасиз?

Шу тарзда асар матни устида ишлаш асносида воқеларнинг ривожланиб бориш хусусиятлари ҳам изоҳланади, тущунтирилади. Бундай мулоҳазалар асарнинг мазмунини теран әngлатади. ўқувчиларни ролларга бўлиб ўқишига тайёрлайли. Шундан кейингина биз алоҳида образларнинг тавсифига ўтишимиз мумкин бўлади.

Асардаги иштирокчиларнинг ҳар бири билан танишган ўқувчи, уларнинг ўзига хосликлари ёзувчи маҳорати туфайли юзага чиққанлигини ҳис этиши керак.

Биргина Ўлмас образини олиб кўрайлик. Асар давомида уни хилма-хил кўринишларда учратамиз. У вазият ва шэройтга қараб ўзини турлича тутади. Буларнинг барчаси унинг нутқида ўзига хос тарзда ифодаланади. Асарни таҳлил қилиш жараёнида Ўлмаснинг ботирлиги, ўз фарзанди учун фидокор ота эканлиги, мақсадига эришиш йўлида ҳеч нарсадан (ҳатто одам ўлдиришдан ҳам) қайтмаслиги, айни пайтда нодон ва жаҳолатга ботганилиги ҳам кўринб қолади. Бундай ҳолатларнинг барчасида қаҳрамон нутқи тегишли услубий ранг-баранглик ва тасвир воситалари орқали намойиш этилади.

Ўқувчиларга Ўлмас ботирнинг нутқига тавсиф бериш вазифасини топшириш мумкин.

Ўлмас ботир асарнинг биринчи парданинг охирги - ўнинчи мажлисида пайдо бўлади. Унинг нутқи дашном ва нафратга тўла ҳолда кўринади:

(Ботир (ташқаридан бақириб келар). Ҳой беорлар, беномуслар! (Тез кириб келиб бир тўхтаб оладир-да, сунг бирдан Пұлатга ҳамла

қилиб) Беномус, күрнамак!).

Пўлатнинг кескин саволларидан кейин эса у бирданига ўзгаради:

(Ботир (*ogur*) Пўлат, сенга нима дейишни билмайман... Менга мунча қаттиқ дъзволаринг бор экан. Ўзимга хилват қилиб туриб айтсанг бўлмасмиди?)

Шундан кейин уни бешинчи пардада қўрамиз. У ёлғон хабарларга ишониб келган ҳолатда намоён бўлади. Ўз фарзанди учун ҳаётини таҳлика остига қўйиб бўлса-да, Пўлатнинг ҳузурига келади. Ҳатто маҳрамини ҳам ташқариди қоллариб. Пўлатнинг ҳузурига ёлғиз бир ўзи киради. Мана шу саҳнада Ботирнинг нутқидан унинг Пўлатга, қизига, ўзига, бошқаларга бўлган муносабатларини атрофлича илғаб олиш мумкин.

Унинг Пўлат ҳақида айтган гаплари Ботирнинг ота сифатидаги, қўшин бошлиғи сифатидаги, бир ўзбек йигити сифатидаги хислатларини кўрсатиб беришга хизмат қиласди.

Ботирнинг ўз қизи ҳақида айтган гаплари ҳам ички қарама-қаршиликларга тўла. Бир томондан у қизини қоралайди, айниқса, Пўлатдай «ёмон бир душманнинг олдида шу кунга қолгани учун» унга дашномлар ёғдиради, айни пайтда ота сифатида, ўз фарзанди учун бутун умри, кучи, меҳрини берган ота сифатида қўйидаги сўзларни ҳам айтади:

Б о т и р . Қизимни танимасам – танимасман, унинг кўнглини билмасам – билмасман... Лекин уни севаман, у учун ҳар нарсадан кечаман!

Худди шу тарзда Ўлмас ботирнинг ички маънавий олами Пўлат билан бўлган суҳбатда атрофлича очилади. «Хунари - гўрковникидан ёмон» (Ёрқиной) Ўлмаснинг ота сифатида мутлақо бошқача одам эканлиги кўринади.

Бешинчи парда охирида Ўлмас айтган мана бу мулоҳазалар унинг яна бир янги қиррасини: мардларча тан ола билишини, самимий эътироф эгаси бўла билишини ҳам тасдиқлайди:

Б о т и р (Пўлатга қараб самимий). Пўлат, кечир мени! Сенинг билан олишиб бўлдим! Ҳозир Нишобсойга жўнайман, қизни ўзи ўғирлатиб, сенга тўнкаган бекни бола-чақа, авлоду аждоди билан тилка-тилка қиласман! Номуссиз сарой, ҳамиятси з сарой, тожу тахт лозим бўлса, ўзи сақлаб олсин. (Тез чиқадир).

Драматик асарларни таҳлил қилишининг яхши намунаси Қ.Аҳмедовнинг «Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизмтчи» драмасини ўрганиш» китобида тавсия этилган. У ерда асар матни

устыда ишлаш, драманинг композициясини ўрганиш усуллари, ундаги алоҳида персонажлар устила ишлаш, драманинг тилини ўрганишга оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Умуман, драматик асарларни ўрганишида пардалар орасидаги боғланишиларга, ҳар бир пардага хос бўлган воқеалар ривожига, мана шу жараёнларда алоҳида олинган персонажлар характеристидаги ўзгаришлар ва ривожланишилар даражасига алоҳида эътибор берishi керак бўлади. Бунда уларнинг тилига, бир-бирларига муносабатларига, шу муносабатларнинг ифода тарзига ҳам диққатни қаратиш шарт.

Савол ва топшириклар:

1. Таълимнинг турли босқичларида драматик асарларни ўрганишинг ўзига хос хусусиятлари нималарда деб ўйлайсиз?
 2. Драматик асарларни ўрганишида кўпроқ нималарга эътибор берини керак деб ўйлайсиз?
 3. Драматик асарларни ўрганишида саҳна безаклари, муаллиф ремаркаларининг ўрни ва аҳамияти нималарда кўринади?
 4. «Мирзо Улугбек» драмасидаги Улугбек образининг нутқий тавсифини тузинг.

БАДИЙ АСАРНИНГ ТИЛИНИ ҮРГАНИШ

P e ж a:

1. Бадий асар тили ҳақида.
2. Бадий асар тилини таҳлил қилишининг асосий хусусиятлари.

Бадий адабиётни онгли ва ижодий ўқишига үргатиш бугун ҳар доимидан кўра ҳам каттароқ аҳамият қасб этиб бормоқда. Бу борада бадий матн тушунчаси, уни таҳлил қилиш тамойиллари айрича аҳамиятта эга бўлади. Бадий матнни адабиётшунослар ҳам, тилшунослар ҳам үрганишади. Матннинг лингвистик таҳлили эса тобора кенгроқ эътибор қозонаётганлиги бежиз эмас.

Бадий асар матнини үрганиш билан адабиётшунослар ҳам, тилшунослар ҳам жуда қадим замонлардан бўён шуғулланиб келган деб айтишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бу масала фанда анъанавий мавзулар қаторида туради, бироқ ҳалигача мана шу қадими музаммонинг қоронги нуқталари, баҳсталаб ўринлари оз эмас.

Гарчи олий ўқув юртларидаги бир қатор фанлар: адабиётшунослик ва тилшуносликка кириш, адабиёт назарияси, она тили ва адабиёт ўқитиши методикаси, бадий матннинг лингвистик таҳлили, бадий асарни таҳлил қилишининг замонавий методлари, она тили ва адабиёт ўқитишининг замонавий технологиялари ё бевосита, ё билвосита бадий матн таҳлилига алоқадор бўлса-да, ҳалигача уларнинг энг самарадор ва амалиёт учун энг қулай турлари устидаги баҳслар давом этмоқда. Бунда асар тили алоҳида эътиборда тутилади.

«Адабиёт назарияси ва эстетиканинг умумий музаммоларини эгаллаган, ҳатто бадий foя ва мазмунни интуитив тарзда ҳис эта олиш қобилиятига эга бўлган адабий танқидчи ва адабиёт тарихчиси адабий асар таҳлилида поэтик нутқнинг лингвистик асосланган услубиятисиз ҳеч нарсага эриша олмайди. Факат шу йўл билангина адабиётда ўзаро қатпиқ боғланиб кетган иккита омил: мазмун (гоя) ва материал (шакл)нинг ишончли намойишига эришиш мумкин бўлади»¹...

«Бадий асар мазмуни деганда одатда борлиқдаги ижтимоий, маънавий, табиий ҳодисаларнинг алоҳида, маҳсус (бадий-естетик) ўзлаштириш ва акс эттириш натижалари тушунилади»¹.

«Асар бадий тўқимасини таҳлил қилишининг қийинлиги тил шаклининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Тил

¹ Степанов Г.В. Содержательный и формальный аспекты в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Язык и стиль писателя в литературно-критическом анализе художественного произведения. – Кышинев, «Штилинца Кышинев», 1977, с.3.

материали бошқа барча санъаткорлар ишлатадиган материаллар (мармар, бүек, ёғоч, тош, мусиқадаги товуш в.б.)дан ўзида ҳам моддий, ҳам идеал томонлари борлиги билан фарқ қиласи. Бошқача қилиб айтганда, сўз материали умумэгалик қиласидиган аниё сифатида индивидуал ижод жараёнига қадар ҳам ўз моддий қобиги ва ўз моҳияти (мазмуни)га эга бўлади. Демак, тил оддий материал («материя») эмас, балки аллақачон шаклланган материал, яъни турли типдаги (дугавий, грамматик) маъноларга эга бўлган моддий субстраттир». Ижод жараёнида аллақачон ўз мазмуни (маъноси)га эга бўлган тил бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, гап) бадиий «мазмун»ни, яъни реал борлиқ обьектлари ҳақидаги санъаткорнинг фикрларини ифодалаш учун мақсадли тарзда фойдаланилди.

Бадиий асар шакли тушунчаси «моддий субстрат»дан, яъни тилдангина иборат эмас, ваҳоланки, бадиий асар шаклини ташкил этувчи элементлар сирасида (масалан, композиция билан ёнма-ён тарзда) сўз материалига, унинг тузилишига етакчи ўрин хосдир. Шакл элементлари орасида мазмуннинг категориялари ҳисобланадиган гоя, образ, сюжет, мотив, вазият в.б. билан энг мустаҳкам ва бевосита боғланиб кетадигани тилдир. Бу муносабатларнинг шундай турики, улар ҳатто бир-бирларига ўтиб туришлари ва айланишлари билан характерланади¹.

«Бадиий матнни тадқиқ этётган адабиётшунос ва тақиҷади чуң энг муҳим мазмун категориялари гоя ва образлар. Дарҳақиқат, гоя ва образ ажралмасдир, зоро бадиий образ мазмунни бадиий асар гоясини ташкил этади. Санъат соҳасида мазмунни яратиш, биринчи наъбатда образни яратиш сифатида намоён бўлади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан очиқ кўриниб турибдики, бадиий асар мазмунининг умумий талқини, очилиши ва баҳоланишида тилнинг аҳамияти нечоғлик каттадир. Шунга қарамай, бадиий матн таҳдилига бағищланган тадқиқотларда гоя-образ ва тил мутаносиблиги масалалари турлича кўриб чиқиласи².

«Улардан биттасини қайд этайлик: структур-лингвистик метод ўз табиатига кўра иккиёқдама бўлган обьектнинг бир томонини – тилни ўрганишга, (бироқ нутқни ўрганишга эмас) йўналтирилган, айни пайтда адабиётшунос конкрет «нутқий» мавжудлик билан (мавхум «тил» ҳодисалари билан эмас) билан машгул бўлади»³.

Тиљунослик фаолиятининг битта соҳаси бадиий асар тили ва услубини, жумладан, ёзувчининг индивидуал услубини

¹ Уша китоб, 4-бет.

² Уша китоб, 5-бет.

³ Уша китоб, 6-бет.

ўрганишдан иборатдир. Бироқ, соғ тилшунослик нұқтаи назаридан үрганиладиган йұналишда бадий асарнинг бутунлигига күра унинг мазмун аломатларини тұла қамрай олмайды.

Биз бир асар тилини таҳлил қилишни режалаштирайлик. Бунинг учун әထиборда тутилиши шарт бўлгани айрим хусусиятлар борки, биз уларни эсда тутишимиз керак. Булар:

1) ўқувчиларнинг олдинги синфларда она тили ва адабиёти дарсларида олган билимлари;

2) уларнинг адабий-назарий тайёргарликлари;

3) матннаги асосий тасавир воситаларини аниқдай олиш ҳамда уларнинг шу матнда бажараётган вазифаларини таҳлил қила олишга оид малака ва кўникмалари.

Бадий асар тилини таҳлил қилишда ҳам узвийлик ҳамда узлуксизлик асосий тамойил бўлиб қолиши керак. Шунга кўра, бадий асар тилини үрганишда ҳам ўқувчиларнинг бу соҳадаги билимларининг босқичма-босқич ортиб боришига әထибор қаратиші лозим.

Буни шундай тасаввур қилсак бўлади:

1. *Поэтик тил ҳақидағи дастлабки маълумот.*

2. «*Поэтик нутқ*» тушунчаси.

3. *Поэтик матннинг синтактик қурилиши.*

4. *Бадиият ва тасавир воситалари мутаносибигини умумлаштириши.*

Барча босқичлардаги асосий ургу тил сатҳлари, адабиётшунунослик фанлари, предметларо алоқаларни әထиборда тутган ҳолда шаклланадиган билим, кўникма ва малакаларга қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз Хоразмий ҳақида гапирганимизда, жумладан, шундай деймиз:

«Хоразмийнинг тили ниҳоятда ширави. У ўзбек тилининг нозик ва нағис ички имкониятларини муҳаббат билан намойиш эта олган. «Шакардек тил», «тонг ёқтуситеқ», «тан ичра жон», «арслон юрак», шунингдек, «олдини тутмоқ», «олдин кечмоқ», «ер ўпмоқ», «елга бермоқ» каби ифодалар Хоразмий тилининг нафосатини белгилаб беради. Асарда Фаридун, Сулаймон, Масих, Юсуф, Ҳотами Той, Рустам, Али, Муҳаммад Ҳўжабек сингари тарихий ҳамда афсонавий номлар учрайди. Муаллиф ўрни-ўрни билан арабча ва форсча сўзлардан ҳам усталик билан фойдаланади.

Шунинг учун ҳам «Муҳаббатнома» ўзбек тили тарихини үрганиш учун ҳам бой манба бўла олади. Унинг ўша давр тилининг бадий ёдгорлиги сифатидаги қадри баланддир».

Бу гаплар магзини чақиши учун эса Хоразмийнинг «Мұхаббатнома»си тили устида ишлаш талаб этилади.

Бунинг учун дарслик материалига мурожаат қиламиз:

Номалар ошиқнинг ўз маъшуқасига дил изҳорлари тарзида ёзилган. Уларда маъшуқа **таърифи** асосий ўрин тутади. Биринчи номанинг дастлабки мисралари ёк худди шу тарзда бошланган. Маъшуқанинг кўрки тенгсиз. У кўрклиларнинг подшохи унинг гўзаллиги ҳақидаги мадҳ (хуснунг сипохи) оламни тутган.

Маъшуқа – париухсор. Аммо париухсорларнинг ҳам гўзали – кўркабойи.

Юз, қош, кўз, хол, бўй (қад) тасвиirlари ниҳоятда хилмачил ҳолагларда жуда гўзал ва оригинал тарзда тасвиirlанади:

Турубдур кўзда қаддингиз хаёли,

Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

Лирик қаҳрамон назарида маъшуқа гўзаллик, латофат ва назокатда тенгсиз. У оламдаги энг азиз ва мўътабар инсон. Мумтоз адабиётимизда бўлганидек, Хоразмий тасвирида ҳам маъшуқа бепарво, қаҳри қаттиқ, жафокор ва ҳатто бевафодир. Шунинг учун ҳам маъшуқа «номеҳрибон», «аҳди бақосиз».

Қамук ёқут эринли, сўзи дурлар,

Вафосизликни сиздан ўрганурлар.

Бироқ ошиқ кўнгил изҳорида событ, у ўз ишқига содик, фикрида қатъий:

Давр сизнинг дурур даврон боринча,

Қулунгизмен танимда жон боринча.

... Киши қайда ўларин билса бўлмас,

Ҳақиқат ёридан айрилса бўлмас.

Ҳатто:

Аюрмен, юз нечаким келса меҳнат,

Жафо сиздин, тақи биздин муҳабbat.

Умуман, асарда ҳақиқий гўзалликни таъриф ва тасвир этиш, инсоний муҳаббат туйғуларини самимий ифодалаш, инсон қалbidаги нозик кечинмаларни қаламга олиш асосий ўрин тутади. Бу гоҳ маъшуқа ва сабога мурожаат, гоҳ ошиқ қалб изҳори тарзида намоён бўлади. Уларнинг барчасига хос хислат – юксак бадииятдир. Адабнинг ўхшатиш ва сифатлашларидан бошлаб, танлаган вазни, жанри, қофия ва радифларигача ана шундай нозик бадииятни юзага келтиришга хизмат қиласи.

Агар десам сени Рустам, ёрарсен,

Киличинг бирла сафларни ёрарсен.

Мұхаммад Ҳұжабек мадҳига бағищланған бу парчада мамдух - мақталаёттан одам Рустамға үшшатилмоқда. Биринчи мисра охиридаги «әрарсен»-ярайсан, лойиқсан, арзугуликсан маңноларини беради. Кейинги мисердаги шу сұз эса «әрмоқ», «бұлиб ташламоқ» маңноларига эга. Бундай тажнисли қофиялар адібнинг оғзаки анъаналар билан яқындан танишлігіни күрсатади. Бугина эмас, халқона кіноя ва қочирилмалар, анъанавий тасвир воситалари, хусусан, мұбалаға ва үшшатышлар тизими ҳам бу фикрни қувватлайды.

Бундай таҳтилни замонавий шеърият мисолида ҳам амалға ошириш мүмкін.

Юртим, сенға шеър битдім бу күн,
Қиёсингни топмадым асло.
Шоңлар бор үз юртим бутун—
Оlam аро атаган танқо.
Ұлар шеъри учди құп йироқ,
Қаногида күмуш диёри.
Бир үлкә бор дүнёда бироқ
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Абдулла Оріпов «Ўзбекистон» шеърини Ватан мавзусида яратди. Үнда ватанпарварлық гоясі илгари сурілди. Аслида бу шеър миллионларнинг, миллионлаб ўзбекларнинг ижтимоий босим остида томоғида қалалыб турған ҳайқириқ сифатида юзага чиқди. Зоро, шеър ёзилған пайтда Ўзбекистон мұстакиллігі ҳақида гап ҳам йўқ эди.

Шоир Ўзбекистонни баланд ва ўз овози билан Юртим - Ватаним дея олди. Ватан тасвири эса мұтлақо үзига хос тарзда қаламга олинди. Адіб аввал юрт тарихини эсга олади. Абу Райхон Беруний. Алишер Навоийдек буюк инсонларнинг бевосита ўзбек халқига мансублигининг үзи фахр ва ифтихор манбаи бұла олишини таъкидлайды. Абдулла Оріпов таърифидаги Ўзбекистон «битилмаган достондир».

Шоир ватанпарварлық гоясини рүёбга чиқариш учун тасвирининг үзига хос усууларини танлайды. Айниқса, асарнинг тили мұтлақо үзига хос. У ширадорлігі, оханғдорлігі, сержилолиги билан ажralыб туради. Шеър бармоқнинг ниҳоятда ўйноқи вазнида ёзилған. Ўн беш банды бу асарнинг ҳар бир бандыда поэтик фикрнинг үзига хос ривожини күзатиш мүмкін. Ана шу ривож бевосита унинг тили билан ҳам boglikdir. Ўқувчилар билан шеърни таҳлил қилишіда ҳар бир бандындағы таянч

сұзларни белгилаш, ҳар бир банддаги асосий ғоя ва унинг ифодаланиш тарзига диққат қилиш яхши самара беради.

Шеърдаги бадиий тасвир воситалари устида ишлаш жараёнида ҳам (үхшатиш, сифатлаш, тазод, таъдид...) асар тилининг ўзига хосликтарини кузатиш имконияти бўлади.

Мълумки, академик лицейларнинг З-босқичида Абдулла Ориповнинг ҳәёти ва ижоди ҳам ўрганилади. Жумладан, у ерда «Ҳангома» асарини ўрганиш имконияти мавжуд. Биз ушбу асар тили билан боғлиқ таҳлил намунасини К.Ёдгоров тадқиқотига сунянган ҳолда ҳавола этамиз.

«Биз бу асар устида ишлаш жараёнида асар тили билан унинг гөяси, гөявий-бадиий мазмуни орасидаги боғланишларни аниқроқ тасаввур этиш имкониятлари билан танишамиз. Бу ерда матнда иккита маъно: бир ўқишида ялат этиб кўзга ташланиб турадиган - ташқи қисм, ҳамда унинг остига «беркитиб қўйилган» - сирли қисм мавжуд. Аммо уларнинг ўзаро зич алоқадорлигини ҳам айтиш жоиз. Йирик рус методисти И.А. Гальперин қайд этганидек, «Айни кузатиб бўладиган ҳодиса кузатиб бўлмайдиган ҳодисалар моҳиятини ойдинлаштириш учун имкон беради»¹.

Мълумки, матн бир марта тўлиқ ўқиб чиқилганидан кейин унинг яхлитлигини идрок этиш мумкин бўлади. Аммо бу яхлитликнинг алоҳида-алоҳида қисмлардан иборат эканлигини ҳам назарда тутиш керак. Зоро, «матннинг бутунлигига ички маъно ривожидаги қисмлар ва бутунликнинг ўзаро алоқалари туфайли эришилади»². Бизнинг мисолимизда у алоҳида-алоҳида баңдардан иборатдир. Мана шу баңдарнинг муаллиф тақдими ва талқинидаги кетма-кетлиги матн яхлитлигини таъминлаган.

Энди матннинг ўзини кўриб чиқайлик. Матнни шартли равишда уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Тўй хабари ва йўлга чиқиши.
2. Икки чолнинг адашиб қолганликларини сезишлари.
3. Қайтиш.

Воқеа шундай бошланади:

Қор ёғарди бўралаб,
Қолишмасди довулдан.
Тўйга айтиб кетиши
Шундоқ қўшни овулдан.

¹ Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. М.: Наука, 1981. С.24

² Вартаньянц А.Д.. Якубовская М.Д. Пособие по анализу художественного текста для иностранных студентов-филологов. – М.: Русский язык, 1989, с. 7.

Шеърда воқеабандлик бўлганлиги учун ҳам бандлар орасидаги мантиқий алоқадорликни англаш унчалик қийин эмас.

Кўриниб турибдики, матн дастлаб оддий хабар билан бошланмоқда. Бундан кейинги воқелар ривожи учун асос бўлган ҳодиса «қўшни овулдан тўйга айтиб» кетишгани. Эътиборни кейинги тўрглика қаратайлик.

Йўлга чиқди икки чол,
Тўйга бориш қарз, бешак.
Бирори отга минди,
Бирори минди эшак.

Дастлабки мисрада берилган умумлаштирувчи сўз («икки чол») охирги икки мисрада алоҳида-алоҳида кўрсатилипти. Йўлга чиқиш, масъулиятни англаш (тўйга бориш қарз, бешак)даги умумийлик билан, уловлардаги айирма яхлит ҳолда ўқувчининг кўз олдидаги гавдалантирилари. Бу ерда инверсиянинг оддийгина иштироки ҳам гап таъсирчанлигини оширишда фавқулодда вазифа бажарган. Гарчи охирги икки гапнинг Қурилиши яқиндай туюлсада (ҳар икки гап ҳам эга билан бошланяпти, бунинг устига эгадан кейин бор-йуги иккитагина сўз иштирок этяпти холос), уларнинг ички тузилишида кескин айирма сезилади. Бу айирма кесим таркиби билан бөглиқ. Биринчи ҳолатда у одатдаги тартибда (отта минди) кўзга ташланади. Кейинги ҳолатда эса мана шу одатдаги тартибининг ўзгартирилиши билан адабиётшуносликда «ноэтик эффект» деб юритиладиган ҳодиса содир бўлади. Сўз маъноларининг товланишида янгича бир жило пайдо бўлади.

Бандда ҳар икки чолнинг тўйга бориш сабаблари, улови алоҳида кўрсатилган. Кейинги бандларда воқеаларнинг ривожи маълум даражада мана шу уловлар билан алоқадор ҳолда кечади.

Кор-чи, ҳамон ёгарди,
Ёгар эли гупиллаб.
Йўлни эшак бошлиди,
От эргашди лўкиллаб.

Агар биринчи бандда қорнинг анча шидлат билан ёғаётганилиги кўрсатилган бўлса, ушбу бандада унинг давомийлиги, узлуксизлигига ургу берилган. Олдинги ҳолатда гап шахслар устида бораётган эди. Бу ерда уловларнинг ҳаракатига эътибор тортилган.

Дастлабки ҳолатда уловлар «ҳаракатсиз» бўлиб, шахслар ҳаракатда кўрсатилган эди. Кейинги бандларда ҳаракат асосан табиат манзараларига, шунингдек, икки уловга «юкланади». Ҳозирги банднинг кейинги қисмидаги «эшак бошлади» ва «от эргашди» қисмлари шу мисралардаги гапнинг маъновий асосини ташкил этади. Шоир биринчи гап олдидан тўлдирувчи, иккинчи гапга эса ҳолни қўшиш билан мана шу бир хилликни силлиқлаб юборган, уни сезилмайдиган даражага келтирган. Бунинг ёнига қоғиядаги оҳангдошлиқ ва композициядаги яхлитлик ҳам кўшилиб шеърнинг таъсиричанигини жуда кучайтириб юборган.

Абдулла Орипов тасвирнинг жуда ўзига хос усулини танлаган. У манзараларнинг тез-тез алмашиб туришини таъминлаган. Навбатдаги банд чолларнинг ўзаро сұхбатига қаратилади:

Гапга тушди икки чол,
Сұхбат у ёқ-бу ёқдан.
Ўтган-кетган, баланд-паст,
Гоҳ кала, гоҳ туёқдан.

Бу ерда ҳам яна воқеаларнинг давомийлигига, шу билан бирга чолларнинг катта тажрибасига алоҳида урғу берилган. Бунга дастлаб жуфт сўзларнинг қўлланилиши билан эришилган. Сұхбатнинг «у ёқ – бу ёқдан» бўлишининг ўзиёқ турли хил мавзуларнинг ўртага тушганлигига ишорадир. «Ўтган-кетган», «баланд-паст» ҳам биринчидан, мавзуларнинг анча-мунча ўзгарганлигини, иккинчидан, бу икки киши орасидиги муносабатларнинг тасодифий эмаслигини, балки анча узоқ муддатлардан бошланиб келаётганлигини англатиб келади. «Гоҳ» айирув бояловчисининг такрорий ҳолда қўлланилиши воқеаларнинг алмашиниб-алмашиниб келишини кўрсатиб турибди. «Гоҳ кала, гоҳ туёқдан» ифодаси мавзу қамровининг анча катталигини ифодалайди. Адиб ҳали алоҳида бир сўзни ишлатмасдан туриб, воқеаларнинг кундузи бўлаётганлигини англата олган. Бунга қўйидаги тасвир янада кўпроқ ишонч беради:

Сұхбатнинг ҳам, умумий сафарнинг ҳам давомийлигини кўрсатиш учун яна уловлар эсга олинади:

Сұхбат деган соз нарса,
Қолмасант бас сургашиб,
Йўргалар эшак ҳамон,
От боради эргашиб.

Ушбу бандда құлланған «ҳамон» сүзи эътиборга молик. У вөкөалар давомийлигини күрсатувчи шаклий белгилардан биридир. Мазкур ҳолатда у уловларнинг ҳаракатига алоқадор. Ваҳоланки, у олдинроқ қорнинг узлуксиз ёғишини, вақт нуқтаи назаридан узоқ давом этаётган табиат ҳодисасини англатиш учун хизмат қынған эди.

Шу шеърни таҳдил қынған А.Ҳамдамов күрсатиб ўтганидай: «Чигал шаронитта тушиб қолған одамлар, күпинча, бу ахволнинг ҳақиқиүй сабабини қидириб ўтирумасдан, шу ҳолатта сабаб бұлған кишини сұка боялайдылар. «Ҳангома шеърининг қаҳрамонлари ұм бу «аңъана»ни давом эттиришади:

- Кора қишида түй құлмай
Баттар бұлғур, нокас, гов.
Бачмағарнинг аслида
Феъли совуқ, эди-ёв.

Түй әгасига қараға айтилаётган бу гапларнинг мазмуни, ундаги «нокас», «гов», «феъли совуқ» әпитетлари ушбу түй әгасига түғри елдими-йұқмчы, бунинг аҳамияти йүқ. Бу банда ифодаланан қаҳр қарғыш, сұкиш, камситиш каби салбий маънолар жаҳәл чиққанда айтыверебі, маълум бир қолипга тушиб қолған халқ тилининг бадий намуналаридан бир күринишдір»¹.

Воқеа содир бұлайттан вақт ҳам шоир томонидан бир неча марта түрлі усул ва шаклларда әслатылади.

Шу тарзда дастлабки танишув таҳдили амалға ошади. Сүнг матидаги айрим сұзлар устида тұхташ мүмкін бұлади. Булар:

бұраламоқ — шиддат билан ёқмоқ
овул — күчманчы чорвадорлар үрнашған жой; қишлоқ
гоҳ калла, гоҳ туёқдан — күч. гоҳ одамлар, гоҳ одамдан бошқа жонзор ва ҳодисалар ҳақида сұзлашиш назарда тутилади

сургаламоқ — судралғандай бұлып юрмоқ, ҳолсиз ҳолда юрмоқ
йүргаламоқ — майда қаңам ташлаб, тез юрмоқ; югурмоқ
күн қайтди — кеч бұлды

чақирим — халқ тиляда құлланадиган узунлик ўлчови, одатда инсоннинг товуши етадиган жойғача, деб тахмин қилинади, таҳминан, 1,06 км та теңг.

лўқилламоқ — 1. елиб юрмоқ, 2. чопиб юрмоқ. 3. Күч. овора, сарсон бўлмоқ; бекорга уринмоқ.

¹ Ҳамдамов А. Абдулла Ориенталик «Ҳангома» шеърияда халқона рух. //Ўзбек тили жаңабети, 2003, 4-сон, 66-бет.

ичига кирди қуюи – кучли даражада безовта бўлмоқ, қаттиқ ҳаяжонланмоқ

тиш қайрамоқ – бирорга қарши қасд қилиб, ёниб юрмоқ.

Бўғот – қамиши солиб ёпилган томнинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми.

қамчин – бу сўзлашув тилидаги сўз бўлиб, аслида қамчи шаклида қўлланади. От-уловни уриб юришга ундаш учун ишлатиладиган дастали, кўпинча, қайиш тасма шаклидаги асбоб.

Фонус – одатда, қўлда кўтариб юриладиган (ичига чироқ ёки шам қўйиладиган) ёки бирор жойга ўрнатиладиган, шамол ва ёғиндан муҳофаза қилинган чироқ.

Талабаларнинг эътибори воқеалар ривожига, бундаги тасвирга, тасвиirlардаги ифода имкониятларига тортилади. Биргина қиш манзарасининг ўзинигина олайлик. Банддан бандга ўтган сари қиш тасвирининг, айниқса савуқ ва изғириннинг кучлироқ бўёқларда кўрсатилишини кузатиш мумкин. Юқорида айтилганидай, қиш манзараси дастлаб, оддий хабар тарзида келтирилади.

Кор ёгарди бўралаб,

Колишмасди довулдан.

Муаллиф қиш манзарасини яна қор ёфиши воситасида кўрсатади. Фақат қорнинг ёғиши даражаси (тарзи)га алоҳида ишора қиласиди:

Кор-чи, ҳамон ёғарди,

Ёғар эди гупиллаб.

Ниҳоят қор ҳам тинади. Бироқ совуқ энди авжига чиқа бошлайди (Қора совуқ тиш қайраб, Қовурғани эзарди. . . Йўл қаёқда, тўрт тараф қалин, оппоқ қор эди. Энг баттари – савуқда жон сақлаш душвор эди).

Атроф тасвири мана шундай қуюқ бир ҳолатга келтирилгандан сўнг, шоир тасвир йўналишини бевосита қаҳрамонлар – икки чолга қаратади:

Қайтай деса изига –

Белги ҳам йўқ, из ҳам йўқ.

Қалтирайди икки чол,

Таскин ҳам йўқ, сўз ҳам йўқ.

Тонгга яқин қишлоққа

Киришилар қалтираб.

Энди матндан вақт оқимига эътиборни тортиш мумкин бўлади. «Ҳантома» шеърида вақтнинг ифодаланиши ҳам ўзига хос тарзда кечган. Биринчидан, у фасл маъносида (қиш), иккинчидан

сүтканинг бир қисми маъносида кузатилади. Воқеалар эрталаб, (ҳар ҳолда куннинг биринчи ярмида — кундуз куни) бошланади. Кундуз сўзи ишлатилмасдан туриб, тасвир маромидан шу нарса англашилди. Бирининг отга, бошқасининг эшакка миниши, қорнинг ёғиб турганлигини кўриш, сухбатнинг хотиржам ва изчил давом этаётганлигини кўрсатувчи тасвиirlар шунга хизмат қилади. Ниҳоят, вақтнинг ўзгариши кўрсатилади:

Аста-секин кун қайтар,
Уфқларда ўчган ранг.
Қор оралаб қайдадир
Бир юлдуз чақнар аранг.

Кейинги бандда вақт оқимига янада кучлироқ бир белги илова қилинади:

...Бири дели: Оқсоқол,
Кун ботгани а ўхшайди.

Бу фикр тобора кучайтирилди. Оддин «бир юлдуз» ҳақида гап борган бўлса, энди «юлдузлар» тилга олинади («юлдузлар чақнар бот-бот»).

Чолларнинг туни билан адашиб, қийналиб юрганлари махсус кўрсатилмаса-да, «қиши», «совуқ» сўzlари олдидан келтирилган «қора» сифатлаци шу вазифани ҳам бажара олади. Қолаверса, қўйидаги банд айни вақтда шундан оддинги пайтнинг қоронги кечак эканлигини тасдиқлаб туради:

То тонгтacha икки чол
Юрди, турди, суринди.
Узокларда бир маҳал
Қора нарса кўринди.

Ниҳоят, уларнинг ҳаракатидаги навбатдаги пайт кўрсатилади (Тонгга яқин қишлоққа киришдилар қалтираб).

Таҳлилнинг навбатдаги босқичида шеърдаги руҳий ҳолатлар тасвири ва талқинини кузатиш мумкин. Унда ҳам юқоридаги тартибни давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлди.

Матн мазмунини тўла англаб етиш учун айrim савол ва топшириқлардан фойдаланиш мумкин бўлди. Хусусан:

1. «Қор ёғарди бурашиб. Қолишмасди довулдан» мисраларида муаллиф об-ҳавонинг ёмонлиги, қишининг анча қаттиқ эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шунга қарамай икки чол нима учун йўлга тушишди? Матнда шу ҳолат изоҳланганми? У қайси мисраларда ўз ифодасини топган?

2. Воқеанинг айни қишининг қаҳратонида бўлаётганлиги нима

учун қайта эслатилади? Шу мақсадларни амалға ошириш учун алиб қандай тасвир воситаларидан, сұз ва сүз бирикмаларидан фойдаланади?

3. Вокеанинг содир бұлған жойи аниқми? У қайси сұзлар орқали ифода этилган?

4. Шеърда үзбекона руҳиятнинг акс әтган ўринларини күрсата оласизми? Шоир уларни қандай акс әттирган?

5. «Қор тиңди-ю чолларнинг ичига кирди қуон» ифодасининг мазмунини изохтланг.

6. Чолларнинг бир-бирларига қандай сұзлар билан мурожаат қылғанларига эътибор беринг. Уларнинг нима учун шу сұзларни құллаганларини асосланг.

7. Адашиб қолишидаги ноқулайлик ва ваҳима янада құчайтириб берилған бандларни топинг. Шоирнинг топқирилигини қандай баҳолайсиз?

8. Шеърда икки чолнинг улови алоҳида эътиборда бұлған. Уларнинг тасвири билан bogliq ифодаларнинг үзига хослиги нимада деб ўйлайсиз?

9. Шеърда тақрорланиб құлланған бир неча сұзлар мавжуд. Улар бажараёттан бадиий-услубий вазифаларни тушунтиришга ҳаракат қилинг.

10. Шеърнинг бошланиши ва охирги бандларидаги феъл шакларига эътибор беринг. Уларнинг құлланышидаги фарқ ва сабабларни изоҳданг.

Дастлаб, матнданың ифода имкониятларининг үзаро алоқадорлигини күриб чиқайлик. Шу нарса ойдинлашады, унда матннинг қисмлари бир-бирлари билангина бир эмас, бир неча мұносабаттарға құра алоқаға киришади. Бу алоқадорлық кетма-кетлик, мантиқийлигига құра, уларнинг тузилиши, таркииб қисмларига құра ҳамда мазмун мөһиятига құра тасниф қилиш мүмкін.

Матннинг ташқи томонида очиқ күриниб турған нарса битта ҳәетий воқеанинг оддийгина баёни холос. Аслида бу воқеанинг қундалик турмушда юз бериши ва шу вазиятта истаган одамнинг тушиб қолиши ҳеч ҳам ажабланарлы, бунинг устига құлғили эмас. Агар воқеа иштирокчиларининг анча катта ёшдаги қишилар эканлигини эслайтын болсақ, бу воқеа ҳатто ачинарлы ҳамдир. Шунға қарамай, матн билан танишиб бўлганимиздан кейин бизда, табиийки, ўқувчиларда ҳам енгилгина кулги уйғонади. Бутун гап – асосий ишнинг мөһияти мана шу енгилгина кулгини

юзага чиқараётган имкониятлар устида бормоқда.

Юқорида таҳлил қилинган матнлар натижасида, биз қуйидаги хулосаларга кела оламиз. Матннинг бевосита сўз билан ифодаланган ташқи томони унинг ички, яширин томонини очишга ҳам имкон берадиган асосий омиллар. Фақат бу омил «бир ўлчамли» бўлмайди. Яъни фақат ифода имкониятининг ўзи унинг ички маъносини бутун қамрови ва тўлалиги билан очиб беришга қодир эмас. Ўқувчиларнинг матндан мавжуд мазмун-моҳиятни тўла англаб етишлари учун ундағи лисоний хусусиятларнинг бутун мажмуига, матннинг қурилишига, унинг қисмлари орасидаги мантиқий алоқадорликка эътибор бериш зарурати сезилади. Демак, таҳлил жараёнида матннинг фақат кўриниши, ташқи томони эмас, балки мана шу ташқи томон – сўзлар ва гаплар билан ифодаланадиган қисмдан ташқари, уларнинг ўзаро муносабат ва алоқадорлигидан келиб чиқадиган маъно ҳам асосий ўрин тутишини англаб етиш мақсадга мувофиқ бўлади».

Демак, бадиий асар тилини таҳлил қилишнинг ҳам хилмалик шакл ва кўринишлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси эса ўқувчиларнинг бадиий асар билан яқинлигини кучайтиради, уларнинг қалбида бадиий сўзга, адабиётга, улар орқали эса эзгуликка бўлган меҳрини оширади.

Савол ва топшириқлар:

1. *Бадиий асар тили тушунчасига ниамалар киради?*
2. *Бадиий асар тилини таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш керак?*
3. *Бадиий асар тилини таҳлил қилишда узвийлик ва узлуксизлик тамоили қандай намоён бўлади?*
4. *Битта мумтоз, битта замонавий ҳамда битта фольклор асарини танлаб, уларнинг тили ҳақида ўз мулоҳазаларингизни ёзма тарзда ифодалашга ҳаракат қилинг.*

ЁЗУВЧИ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИ ЎРГАНИШ

Р е ж а:

1. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини таълим босқичларида ўрганишининг аҳамияти.

2. Адиб ҳаётини ўрганишининг шакл ва усуллари.

Бадиий асарларни ўрганишда унинг муаллифи ҳақидаги маълумотлар ҳам айрича аҳамият касб этади. Бу маълумотлар кўпинчча, асарнинг тоғийий-бадиий мазмунини теранроқ англашда, асарнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тўғри белгилашда ёрдам беради. Мазкур маълумотлар қаерлардан олинади?

Уларни адибларнинг ўзлари ёзиб қолдирган таржимаи ҳоллардан, адиб ҳақида айтилган замондошлар, унинг тенгдошлари, устозлари ёки шоигирлари, таниш-билишлари ва муҳлислари томонидан айтилган ёки ёзма ҳолида етиб келган манбалардан олиш мумкин. Бу борадаги энг яхши омиллардан яна бири адиб ва ёзувчиларнинг асарларида сақланиб қолгаи материаллардир.

Масалан, Абдулла Орипов ҳақида гапириб туриб, Эркин Воҳидов шундай деган эди: «Барча исёнкор шоирлар каби Абдуллага ҳам осон бўлган эмас. Қаттол тузум қамчисидан у ҳам омон қолмаган. Лекин руҳий азоблар, сиқувлар, минг изтироблар сўнгтида шоирга насиб бўлган каттакон баҳт шуки, у халқи меҳрини қозонди, ўзи курашган озодлик ва мустақиллик тоғисининг куртак ёзганига гувоҳ бўлди. Шоир учун бундан ортиқ саодат йўқ»¹. Шоирнинг баҳти унинг дардкаш қалбидаги инжа гўйгуларнинг самимийлигига, Ватан деган сўзининг бутун салмоғини, залворини, шукуҳини қалбининг туб-туби билан теран англаганиладир.

Таниқли шоир Усмон Азим айтганидек, «Унинг тоза, юксак, самимий ҳеч киму ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган овози бирдан Ўзбекистонни ларзага солди. Абдулла Ориповнинг ҳар бир сатри, ҳар бир шеъри билан Адабиёт ўзбек адабиётига қайта бошлади.

Шоиринг биринчи китоби мисли қўрилмаган ҳаяжон билан кутиб олинди. Файрат ва жасорат билан йўғрилган шеърлар юракларга, руҳларга «Ватан» деган туғённинг мангу ҳаёт муҳаббатини сочиб ўтди. Ҳозир биз «Ўзбекистон Ватаним маним» деб жўнгина айтаётганимиз сатрларни, у пайтларда ҳасрату

¹ Ўз АС. 2001 йил. 23 марта.

гуссалар ичида кўз ёшларимиз тиргираб ёд айтганларимиз ёдимда...

Абдулла Орипов шеърияти — шўроларнинг қулратли мафкураси сиқуви остида саросимада қолган юракларга шараф билан яшашнинг ягона йўли — Ватанин севмоқ эканлигини ўргатишга хизмат қилди. Ватанин озод қўришни истаган ва кейинчалик бу йўлда саъй-ҳаракатлар қилган инсонларининг қўпчилигига ҳам Абдулла Орипов шеърияти мадад бўлганига гувоҳмиз. Абдулла Орипов шеърияти мустамлакачилик даврида ҳам ўзбекда ору номус барқарор эканлиги ҳақида келажакка кўреатадиган ўлмас ҳужжатларимизданлир¹.

Бундай фикрлардан адабиёт дарслари жараёнида фойдаланиш ўқувчиларнинг бадиий адабиётга, унинг ижодкорига нисбатан қизиқиши ва муҳаббатини янада кучайтиради.

Бадиий асарни таҳлил қилиш жараённида адебнинг ўз фикрларидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда бевосита унинг ўз асари — «Қугадгу билиг»га мурожаат қилиш ўринли бўлади. Бунинг асосий сабабларидан бири адаб ҳақида бошқа илмий, тарихий манбаларда тегишли ахборотларнинг сақланиб қолинмагани ёки ҳозирча топилмай туришидир.

Китоб муқаддимасида адаб ўзининг туғилган юртини эслатиб ўтади:

Мунуқи туруғлақ Қуз ўрду эли,
Туб-асли, насадбин юрумиш тили.
Бунинг туғилган эли Қуз ўрдулир,
Туб-асли, насл-насаддан тили сўз очди.

Қуз ўрду туркийлар истиқомат қиласиган қадимий шаҳарлардан бири.

У Болосагун номи билан ҳам машҳур бўлган. Бу шаҳар XI асрда яратилган яна бир муҳташам обида — Маҳмуд Қошгариининг «Девону лугот ит-турк» асарида бир неча марта тилга олинади. Жумладан, бу шаҳарнинг арғун лаҳжасида Қуз улус, ўғуз лаҳжасида эса Қуз ўрду деб юритилишини Маҳмуд Қошгарий маҳсус қайд этади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Маҳмуд Қошгарийга ўхшаб қўпгина ўлкаларни кезиб чиққан, талайгина сайдура-саёҳатларда бўлган,

¹ Усмон Алим. Ватанин севмоқни ўргатган шоир. // Ўз АС 2001 йил, 23 марта.

чамаси. Үнинг қүйидаги мисралари шундай фикрің үндаб туради:
Бу туғишиң әлиниң чиқиб барғани,
Китабни құшубан тугал қылғани.
Бу ўз туғилған әлидан чиқиб борғани,
Китобни жамлаб тугал қылғани (хақида гапирады).

Адіб асарини ёзишга бир ярим йил вакт сарфлайды.

Тугал үн саккиз айда айдым бу сұз,
Үдурдум. адирдим сұз әздім тера.

Бу сұзларни тугал үн саккиз ойда айтиб бүлдім,
Танладым, фарәладым. териб сұз йиғиб (түрладым).

Үн саккиз ой. табиийки, асарни бевосита ёзин учун сарфланған
муддат. Адібнинг унга қатта тайёргарлик күргани ва күп күч сарфлагани
аниқ. Ҳар ҳолда асарнинг Қашқарда тутатылғани маҳсус қайд этилади:

Баруси битилмиш, йетурмиш низам,

Бу Қашқар элинда құщулмиш тамам.

Борини ёздім, тартиб бердім,

Бу китоб Қашқар элида тамом ёзилди.

«Құтадгу билиг»да достоннинг ёзилиши санағи ҳам қайд
етилған:

Йил алтмиш экі эрді түрт юз била,

Бу сұз сұзладым мен тутиб жан сура.

Түрт юз олтмиш иккінчи йил әди.

Мен жонни койитиб ушбу сұзни сұзладим.

Түрт юз олтмиш иккінчи - ҳижрий йили. Үни милодға
айлантирасқ, 1069-1070 йилларға түгри келади.

Адібнинг исми Юсуф эканлиги ҳақида асар сүнгидаги
қасидалардан бирида үқиймиз:

Э Юсуф, керак сұзни сұзла күни,

Кераксиз сұзуг кезла, қылға құр-а.

Эй Юсуф. керак сұзни рўйи рост сұзла,

Кераксиз сұзни яшир. (чунки у) зиён қиласы.

Китоб Қашқар әлигі – ҳукмдори Тавғач улуғ Буғрохонга тортиқ
қилинади. Бунинг әвазыға эса у Хос Ҳожиблик лавозими билан
тақдирланади. Асардаги насрый муқаллимада шундай дейилади:
«Аммо бу китобни Қашқарда тугал қилиб, Машриқ малики
Тавғачхон усқинга кекурмиш, малик ани ағирлаб, улуғлаб ўз Хос
Ҳожиблики анга бермиш турур, аниң учун Юсуф Улуғ Хос
Ҳожиб теб ати-жави язилмиш турур (яъни), «Аммо бу китобни
Қашқарла тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргохига

келтирибди. Малик уни ёрлақаб, улуғлаб, ўз (саройида) Хос
Хожиблик (лавозим)ини унга берибди. Шунинг учун Юсуф Улуг
Хос Хожиб теб машхур номи тарқалибди».

Достонда алибининг ёши борасида ҳам айрим ишоралар мавжуд:

Тегурди менга алги эллик яшим.

Қуғу қилди қузғун туситең башиб.

Эллик ёшим менга қўл тегизди,

(Қора) қузғун тусидек бошим(ни) оққуш(дек) қилди
(яъни сочим оқарди).

Ёки:

Ўтиз йигмишин янлру алди элиг.

Неку қилгай алтмиш тегурса алиг.

Ўттиз (ёш) йикқанларини эллик (ёш) қайтариб олди.

Агар олтмиш (ёш) қўл тегизса, нималар қилас экан?

Булардан кўринадики, алиб асар ёзилган пайтда эллик билан
олтмиш орасида бўлган.

Мана бундай муаллиф изоҳлари, эслатмалари бадиий
ижоднинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун ҳам, алибининг
шахсиятига алоқадор бўлгани маълумотларни ойдинлаштириш
учун ҳам, ўрни-ўрни билан эса муайян бир адабий ҳодисанинг
ижтимоий-эстетик аҳамиятни тасаввур этиш учун ҳам фавқулодда
кatta ёрдам бериши мумкин бўлади.

Адабиётшунос олим Д.Куронов бу ҳақда яхшигина кузатишларини
ъylon қитган: «Кўпинча эл ичида ижодкорлар тўғрисидаги турли-
туман миш-мishлар, узунқулоқ гапларга дуци келинадики, тоҳо уларнинг
бир-бирига тамомила зидлигию ақд бовар қилмас даражада
ажабтуврлигидан шошиб қолади киши. Албатта, бу нав миш-мishлар
эл наздилда катта обру-эътибор топган кишилар ҳаётига қизиқишининг
зўрлигидан юзага келади. Бироқ ўйлашимизча, буни оммавий
қизиқувчанликнинг ўзи билантина изоҳлаш кам кўринади. Зоро, бунинг
асосий сабабларидан бири сифатида адабиётшунослигимизда ижодкор
биографиясини ўрганишга етарли эътибор берилмаслигини кўрсатишга
мойилмиз. Ҳатто, сир эмас, ижодкор биографияси билан боғлиқ
ишларга менсимасданроқ, илмдан йироқ ҳодиса сифатида қараш
холлари ҳам йўқ эмас. Ҳолбуки, алибу шоирлар ҳаётига оид фактларни
тўплаш илмнинг чинакам «қора иши» сифатида баҳоланиши керак.
Сабабки, бу хил ишлар конкрет ижодкорнинг шаҳс ва санъаткор
сифатидаги тадрижини кузатиш ёки конкрет асарнинг ижодий
тарихини, уни тўғри талқин қилиш учунгина эмас, ижод психологияси,
ижодкор ва жамият муносабати каби қатор умумэстетик муаммоларни

ёритишида ҳам мұхим аҳамият қасб этади»¹. Шүнгі қарамай, муаллифнинг шахсияти унинг асарларida турлича акс этиши мүмкін. Баъзин у очиқдан очиқ ифодаланса, баъзан муйян воситалар орқали тасвирланиши, баъзи ҳолларда эса муаллифнинг шахсиятини бевосита идрок этиш анча қийин кечади. Методист олимлар туғри таъкидлашганидай, «ҳар бир асар муаллифнинг маънавии портретидир»². Бадий асарнинг ижодкор шахсиятининг ифодачиси эканлигини англаб етгандан кейингина асар мөҳияти ҳам, унлаги муаллифнинг нуқтаи назарлари ҳам ўқувчига тўлароқ ва теранроқ тушунилади. Шундагина муаллифнинг адабиётга, жамиятга, шу халқ ва миллатга бўлган мұҳаббати ва хизматлари тўла идрок этилади.

«Ёзувчи, санъаткор оддий кишилардан шу билан ҳам фарқ этадики, унинг асарларида ҳаёт ҳодисалари, фактлар фақат қайд этилибгина қолмайди. Ҳар гал бирор ҳодиса, факт ҳақиқидаги ҳикоя – ёзувчининг, санъаткорнинг шу нарсага, ҳодисага, пировзрдида-кишиларга ижобий ёки салбий муносабати билан сугорилган бўлади. Бу «муносабат омили» шунчалик мұхимки, фақат угина бизга ҳодиса ҳақида ҳаққоний, мукаммал, ёрқин тасаввур бера олади. Санъаткорнинг ижобий муносабати, меҳри ва мұҳаббати билан қиздирилган ҳаётий факт, худди эндигина чўёдан олинган темирдек, ўз ранги, ҳарорати, фазилатлари билан ҳайратга солиши ва таҳсииимизга сазовор бўлиши мумкин»³.

Таълим жараённида «Саёҳатнома» ўрганиляпти дейлик. Бунда муаллифнинг таржима ҳолига, ёки янада аниқроги шахсиятига оид қайси жиҳатларга ургу берилиши мақсаддага мувофиқ бўлади?

Асар матни устида ишлаш асносида муаллиф нуқтаи назарини аниқлашга имкон берадиган нуқталарга ўқувчилар эътиборини тортиш, шу асосда муаллиф айтган фикрлар замиридаги айтилмаган нуқталарни топишга имкон қидириш мумкин⁴.

Айрим адилларнинг таржимайи ҳолини ўрганишда бошқа кишилар, машҳур шахслар, йирик олимлар, йирик давлат ва жамоат арбобларининг фикрларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан,

¹ Қуроюз Д. «Алабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Алабиёт-танқидий мақолалар. – Т.: «Zarqalam», 2006, 40-41-бетлар.

² Кацурин М.Г., Шнеэрсон М.А. Изучение личности писателя в работе над художественным текстом (Лирика Н.А.Некрасова). – Искусство анализа художественного произведения. (Пособие для учителей). Сост. Т.Г.Браже, М.: Просвещение, 1971, с.139.

³ Иzzат Султон. Навоийнниң қалб дафтари. Бузок тоир ҳаётни ва ижоти ўзининг ва замондошларининг тасвирлари. – Тошкент, Рафур Ғулом номидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 11-бет.

⁴ Карапт: Каримов Ф. Мұқими. Ҳаётни ва ижоди. – Тошкент, Рафур Ғулом номидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 220-244-бетлар.

Алишер Навоий, Заҳирилдин Муҳаммад Бобур, Муҳаммадизо Эрниёзбей ўғли Огаҳий, Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат сингари қўплаб мумтоз адабиётимиз вакилларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишда шу усулдан фойдаланиш яхши самара беради.

Заҳирилдин Муҳаммад Бобур

«Чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижсаатлиси эди»

Ҳасанхўжа Нисорий

«Бобур дилбар шахс. Ўйлониши даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишини яхши кўтарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўт яхши фазилатларга эга бўлган».

Жавоҳарият Неру

«Бобур Мирзо сўз билан жонли тасвир яратиш маҳоратини мукаммал эгаллаган адиб эди. Буни ўзи ҳам сезарди. Шунинг учун умрининг охирида ўғли Ҳумоюнга «Бобурнома»ни тугаллаб тақдим этганда унга бир рубоий илова қиласди:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Оlam элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу вақоийиши ўқип, билгайким,
Не ранжу не машақкату не гамлар кўрдум.

«Вақоийи» - «Бобурнома»нинг дастлабки номи эди. Бобур ўз замонасида бошдан кечирган барча кўргуликларни ҳаққоний тасвирлашга интилганинг сабаби бу рубоийда аниқ кўрсатилади. Унинг энг зўр истаги «Вақоийи»ни ўқиганлар ҳақиқатни билсинлар, у қилган хатоларни тақрорламасинлар.

«Бобурнома» ҳам «Темур тузуклари» каби авлодларга улкан ҳаётий тажриба, сабоқ ва қисман васият тарзида ёзилган эди.

Адибнинг Ҳиндистонда тартиб берган сўнгги девонида унинг дастхати сақланиб қолган. Бу дастхат билан икки сатр шеър ёзилган:

Ҳар вақтки кўргайсен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни.

Ушибу сатрлар битилган саҳифа четига Бобур Мирзонинг чевараси Шоҳижсаҳон томонидан қуйидаги шарҳ битилган:

«Ушибу туркий байт жаннатмакон ҳазрат Бобур подшоҳнинг ўз қўллари билан битилган дастхатдир. Шоҳижсаҳон бинни Жаҳонгир бинни Акбар бинни Ҳумоюн бинни Бобур подшиоҳ»¹.

Пиримқул Қодиров

¹ Пиримқул Қодиров. «Даврон мени ўткарди сару сомонпин...». Бобур Мирзонинг сўз санъати. // Узбекистон Адабиёти ва санъати, 2002 йил, 18 январи.

Йирик адилларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда хронологик жадваллардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу кўплаб факт ва ҳодисалар ҳақида қисқа муддатда маълумот бериш имконини яратади.

Мисол сифатида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлиланган қўйидаги хронологик жадвални келтириш мумкин.

Алишер Навоий

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг энг муҳим саналари

1441 йил 9 февраль	Алишер Навоий Ҳирот шаҳрида Ғиёсiddин Кичкина оиласида дунёга келди.
1447 йил	Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо вафот этди, Алишерлар оиласи Ироққа кўчади
1447 йил	Алишер Навоий Тафт шаҳрида машхур тарихчи Шарафиддин Али Язди билан учрашади.
1451 йил	Оила Ҳирот шаҳрига кайтиб келади.
1452 йил	Хуросон таҳтига Абулқосим Бобур келади. Алишернинг отаси Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинланади.
1453 йил	Алишернинг отаси вафот этади.
1457 йил	Абулқосим Бобур Мирзо вафот этади. Алишер Машҳадда ўқиши давом эттиради.
1464 йил	Навоий Ҳиротга кайтади. Бу пайтда мамлакатни Абу Саид Мирзо бошқарар эди.
1465-1466 йиллар	Шоирнинг муҳлислари томонидан дастлабки девони тузилади.
1468 йил охири	Абу Саид Мирзо жангда ҳалок бўлади.
1469 йил боши	Хусайн Бойкаро Ҳирот таҳтини эгаллайди. Навоий шу йилнинг апрель ойида Самарқанд шаҳридан кайтиб келади ва ўзининг машхур «Ҳилолия» касидасини ёзади.
1469-1472 йиллар	Навоий саройда муҳрдор лавозимида фаолият кўрсатади.
1472-1476 йиллар	Навоий саройда вазир лавозимида ишлайди. Навоийнинг «Бадое ул-бидоя (Бадийлик ибтидоси)» девони тузилади.
1476-1483 йиллар	Иккинчи девон – «Наводир ун-ниҳоя (Ниҳоясиз нодирликлар)» тузилади.
1481-1482 йиллар	«Вақфия» асари ёзилади

1483-1485 йиллар	Машхур «Хамса» достонлари яратилади.
1485 йил	«Назм ул-жавохир» («Гавхарлар тизмаси») асари ёзилди.
1488 йил	«Тарихи мулуки Ажам» (Унинг иккичи номи «Зубдат ул-таворих (Тарихлар каймоги)», «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлик нури») китоблари ёзилади.
1489 йил	Навоний Астробод ҳокимлигидан озод этилиб Ҳиротга кайтади. Навоийнинг дўсти ва устози Сайд Ҳасан Ардашер вафот этади. Адиб «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарини ёзади.
1491 йил	Алишер Навоийнинг «Рисолайи муаммо» (иккитчи номи «Муфрадот») асари ёзилади.
1492 йил	Навоийнинг энг кадрдан дўсти ва устози Абдураҳмон Жомий вафот этади.
1494 йил	Адиб «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» асарини ёзади
1493 йил	Навоийнинг кадрдан дўсти ва устози Паҳлавон Мухаммад вафот этади. Адиб «Ҳолоти Паҳлавон Мухаммад» асарини ёзади.
1492-1498 йиллар	4 девондан иборат бўлган «Ҳазойир ул-маоний» («Маънолар хазинаси») тузилади.
1495-1496 йиллар	«Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») ёзилди.
1497 йил	Ҳусайн Бойкаронинг невараси Мўмин Мирзо катл этилади.
1498 йил йиллар	«Мажолис ун-нафонс» («Нафис мажнислар») тазкираси тузилади. «Лисон ут-тайр» («Қуш тили») достони ёзиб тугалланади.
1498-1499 йиллар	«Муншаот» («Хатлар») тузилади.
1500 йил	«Махбуб ул-кулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарини ёзади.
1501 йил январь	Буюк ўзбек адиби Алишер Навоий вафот этади.

Ёзувчининг таржимаи ҳолини ўрганишда унинг ўз фикрларидан фойдаланиш ҳам кенг тарқалган усууллар туркумига киради. Аммо бунда ҳам меъёр бўлиши шарт. Чунки, айrim ҳолларда ёзувчининг ўз сўзларида ҳам замонанинг, уни қуршаб турган муҳитнинг, буларнинг ёнида эса биз гасаввур қила оладиган

ва қила олмайдиган кўплаб объектив ва субъектив омилларнинг кучи ҳам бўлиши мумкин.

«Мисол учун Чўлпоннинг 1933 йилда ёзувчи В.Янга айтган гапларини олайлик. Шоир отасининг «мусулмончиликка ҳаддан зиёд берилгани»ю ўелини мударрис қилишга аҳд қилганини айтаркан: «Аммо мударрислик қилиш ўрнига мен миллий ўзбек ёзувчиси бўлишга аҳд қилдим, отамдан ҳам, муллалардан ҳам қочиб Тошкентга бордим ва у ерда шеърлар, ҳикоялар ёзиб, журнallарга юбордим», деб кўрсатади. Чўлпоннинг, ўзи айтмоқчи, «Тошкентга қочиб бориши» 1913-14-йилларга тўғри келади, чунки унинг ижодий фаолияти айни шу даврда бошланган. Энди фактларга мурожаат қилайлик: «Садойи Фарғона» газетасининг илк сонларидан бирида, аникрофи, 1914 йил 4-сонида, газетанинг Андижондаги «Обуна ва эълон қабул қиласидаган вакили» Сулаймонқул Юнус ўғли эканлиги қайд қилинган. Кейинроқ, 6-сонида отасининг ёнига «Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов» қўшилади. Демак, 1914 йил апрелида Чўлпон отаси билан бирга «Садойи Фарғонанинг Андижондаги вакили бўлиб турган. Айни шу апрель ойида Тошкентда чоп этилган «Садойи Туркистон» газетасида унинг «Туркистонли қардошларимизга» шеъри ва «Курбони жаҳолат» ҳикояси эълон қилинган. Кейин ҳам Чўлпон ҳар икки газетада ҳикоя, мақола, шеърлар эълон қилиб турган. Бундан кўринадики, Чўлпоннинг қаршиисида ёзувчи бўлиш учун отасидан қочиб Тошкентга бориш зарурати бўлмаган. Хўш, унда нега Чўлпон яна юқоридагича маълумот беради? Гап шундаки, 1933 йилга келиб Чўлпон бошида анчагина таҳлиали воқеалар ўтган, номи ҳамон қора рўйхатлар бошида турган эди. Табиийки, 30-йиллар шароитида шоирнинг ижтимоий келиб чиқишииёқ уни «ёт унсур санашига етарли асос бўлиши мумкин эди. Айни шу хил вазиятда Чўлпон ўзига замонабоп «биография» яратишга интилган бўлса ҳеч ажабланарли эмас¹. Д. Куронов муайян адиллар ҳақидаги хотираларга ҳам ана шундай эҳтиёткораналик билан ёндошиш зарурати борлигини уқтиради².

Буларнинг барчаси йирик методист олим С. Долимовнинг «ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш унинг дунёқарашини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса унга тўғри баҳо бериш учун замин ҳозирлайди»³, - деган мулоҳазаларининг

¹ Куронов Д. «Атабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Адабий-танқидий мақолалар.- Т.: «Zarqalam», 2006, 44-45-бетлар.

² Унга китоб, 46-бет.

³ Долимов С.. Убайдуллаев Ё., Ахмелов К. Адабиёт ўқитиши методикаси, - Т.: Ўқитувчи, 1967, 239-бет.

нечоғлиқ тұғри эканлиғиң күрсатыб туради.

Үқитувчиларга ёрдам тариқасыда шуни айтиш мүмкінки, ҳозиргача алоқида адиларнинг ўрганишга оид бир қатор құлланмалар нашар этилган. Уларнинг айрим намуналарини әслатиб үтиш мүмкін:

1. Ахмедов Қ. Ҳамза Ҳакимзоданиң «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганиш. – Т.: Ўрта ва Олий мактаб давлат нашриети, 1963.

2. Долимов С. 5-синф «Ватан адабиети» хрестоматияси учун методик құлланма. – Т.: Үқитувчи, 1974.

3. Жұраев К. Мактабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Үқитувчи, 1974.

4. Исағатов С. Мактабда Абдулла Қаҳхорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.

5. Исақов Ф. Мактабда Гулханий алабий меросининг ўрганилиши. – Т.: Үқитувчи, 1983.

6. Йұлошев Қ. Үқитувчи китоби. 7-синф «Ўзбек адабиети» дарс-лик-мажмуасын құласыдан Методик құлланма. – Т.: Үқитувчи, 1997.

7. Мактабда Оғажий ижодини ўрганиш. Муаллифлар: К.Султонова, Н.Мадаминова. – Т.: 2003.

8. Пирназаров М. Мактабда Уйгуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. – Т.: Үқитувчи, 1972.

Савол ва топшириқлар

1. Адибларнинг ҳаётини ўрганишининг қандай маърифий-тарбиявий ахамияты бор?

2. Алоқида олинған бир синфдаги Адабиёт дарс.иги асосыда адилар ҳаётининг ўрганилишидаги умумий жиһатларни белгілаб чиқинг.

3. Уларда бөөсіста адібнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидағы савол ва топшириқларни ўрганинг. Уларнинг ёніга үзингиз яна қандай савол ва топшириқларни құшған бұлар әдінгиз?

4. Замондош ижодкорларнинг ҳаётини ўрганиша қандай құшымча имконияттар мавжуд. Улардан қай тарзда фойдаланыш мүмкін?

5. Үтмешіда яшаб ижод этгандай адібларнинг ҳаётини ўрганиша буюк замондошларнинг фикр-мулоҳазалари қандай ахамият касб этады?

АДАБИЙ-НАЗАРИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ҮРГАНИШ

P e ж a:

1. Адабий таълимда адабий-назарий тушунчаларнинг ўрни ва аҳамияти.

2. Адабий-назарий тушунчаларни үрганишида адабий танқидчилик материалларидан фойдаланиши.

Таълимнинг айрим босқичларида адабий-назарий тушунчаларни беришнинг мазмuni, ҳажми ва изчилиги масалалари алоҳида тадқиқ этилиши керак. Таълим босқичларида адабий материаллар қандай берилиши керак, уларга оид бўлган назарий тушунчаларнинг мазмунни ва ҳажми қандай бўлиши керак, деган саволлар амалиётда тез-тез учраб туради.

Бу жараёнда бевосита адабий-назарий тушунчаларни үрганиш билан бирга, уларни үрганиш ва ўзлаштиришга ёрдам берадиган адабий-танқидий қарашлардан фойдаланиш ҳам бор. Матбуотда, газета ва журналларда, адабий-танқидий йўналишдаги китобларда бундай қарашларга кенг ўрин берилади. Уларда тегишли бадиий асарларнинг илмий баҳолари ва шарҳлари келтирилган бўлади. Бундай ишлар ўқувчиларнинг умумий дунёқарашига, бадиий асарни тўғри англашлари ва ўзлаштиришларига, ундаги ўзига хосликларни тезроқ ва теранроқ тушуниб олишларига имкон яратади. Бунинг натижасида эса уларнинг маънавий оламлари янада бойийди, бадиий-эстетик ривожланишларида қўшимча омил пайдо бўлади, энг муҳими, уларнинг адабий саводхонлиги кўтарилади.

Адабиёт дарсларини ташкил этишда адабий-танқидий мақолалардан классик адабиётни үрганишда ҳам, замонавий адабиётни үрганишда ҳам фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларнинг умумий тайёргарлиги, ўқитувчининг дарсни ташкил этишдаги ўзига хос ёндошувларидан келиб чиқсан ҳолда айрим адабий-танқидий мақолалардан тўлигича, айримларидан қисман фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. «Авесто» обидасини үрганиш жараёнида Ҳ.Хомидовнинг «Авесто» файзлари», Билга хоқон, Тўнюқуқ, Кул тигин ёдномаларини үрганишда Н.Раҳмоновнинг «Турк хоқонлиги», Ўлмас Умарбековнинг ҳаёти ва ижодини үрганиш жараёнида танқидчи И.Фафуровнинг «Адабий қаҳрамонларга хатлар»идан¹ bemalol фойдаланиш мумкин. Худди шунингдек,

¹ Фафуров И. Ям-яшил дароҳт. Адабий-танқидий мақолалар. - Т.: Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда кўплаб навоийшуносларимизнинг асарларидан, жумладан, Иззат Султоннинг «Навоийнинг қалб дафғари»дан¹, Азиз Қаюмовнинг бир қатор китобларидан² фойдаланиш яхши самаралар беради. Мумтоз адабиётни ўрганиш жараённида тасаввух фалсафаси муаммоларига рўпара келинади. Ушбу жараёнда алоҳида олинган ижодкорларнинг асарларини таҳлил қилиш асносида тасаввухнинг анчайин мураккаб масалаларини бир қадар содда ва аниқ тавсифлаб берган олимлар: Н. Комилов³, Ҳ. Ҳомидов⁴, И. Ҳаққулов⁵, Ё. Исҳоқов⁶ ва бошқаларнинг тадқиқотларига сунниш мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиёт ҳақида гапирилганда уларнинг барчасини ёиласига тасаввух адабиёти сифатида баҳолаш ва таҳлилда ҳам шунга интилиш ўзини оқлайдиган нуқтаи назар эмас. Ҳар бир ҳолат алоҳида ёndoшувни тақозо этишини унугмаслик керак. Зоро, «шундай ижодкорлар борки, на истеъдол йўналиши, на дунёқараши, на воқеликка муносабати уларни сўфий дейиш ёки мутасаввухлар сафига қўшишга имкон беради. Ҳаётий эҳтироси баланд, қалбидан ҳалқ ва юрт дарди чуқур ўрин эгаллаган бундай ижодкорларнинг асарларини мажбуран тасаввухга келтириб боялаш уларнинг санъаткорлик мавқеини юқори кўтармайди, аксинча, пасайтиради»⁷. Ўз ўрнида келган талқин ва таҳлиллар эса ўқувчиларнинг адабий дидини оширади, уларнинг умумий адабий тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Академик Алибек Рустамов тасаввух адабиётидаги айрим образлар моҳиятини очиб берар экан, жумладан шундай мисолларни келтиради:

«Шеъро «май» сўзи ва унинг маънодошлари истиора тарзида алму маърифат ва ишқу муҳаббат маъноларида қўйланниши мумкин. Сўзни назарда туттасдан шу сўз билдирган нарсанинг ўзини

¹ Иззат Суғон Навоийнини қалб дафғари. - Т.: Faifur Fўlom nomigilari Adabiёт va san'at nashriyoti, 1969.

² Қаюмов А. «Садиқ Искандарий». - Т.: Faifur Fўlom nomigilari Adabiёт va san'at nashriyoti, 1975; «Ҳайрат ул-аброр» тъқнини - Т.: Faifur Fўlom nomigilari Adabiёт va san'at nashriyoti, 1977.

³ Комилов Н. Тасаввух ёки комил инсон аҳлоқи. Биринчи китоб. - Т.: Ёзувчи, 1996; Тасаввух. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. - Т.: Faifur Fўlom nomigilari Adabiёт va san'at nashriyoti, 1999.

⁴ Ҳомидий Ҳ. Тасаввух аттломалари. - Т.: Шарқ, 2004.

⁵ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввух ва ислериғиг. - Т.: Faifur Fўlom nomigilari Adabiёт va san'at nashriyoti, 1991.; Тасаввух Сабоклари. Бухоро, 2000

⁶ Исҳоқов Ё. Навоий по этикаси («Ҳазоийн ул-маоний» асосида) - Тошкент, Фан, 1983.

⁷ Ҳаққул Иброҳим. Ким иншата таянади? Адабий сұхбатлар. - Ташкент, Зарм, 2006. 77-бет.

эътиборга олганда, яъни, *Масалан*, «май» сўзини эмас, майнинг ўзини илму маърифат ва ҳоказоларнинг тимсоли деб масаввур қилинганда, буни «ишора», «рамз» ёки «символ» деб атайдилар. Агар шу масаввурга асосланаб яна сўзга қайтилса-ю, сўзниг маъноси назарга олинса, буни рамзий ёки символик маъно дейилади. Агар рамз ёки символлар системаси эътиборга олинса, буни «ишорот», «румуз» ёки «символика» дейдилар.

Энди шоир сўзларини, жумладан, «май» сўзини ўз маъносига ёки истиора тарзида қўлланганини қандай биламиз, деган савол туғилади. Бунинг жавоби шундай:

Биринчидан, шоирнинг қайси адабиётга мансублигини назарга олиш керак. Қабиҳ адабиёт вакилидан маърифат эмас, фисқу фужур ўрганиш мумкин. Классик шоир ва буюк олимдан эса ичкилиқбозлигининг тарғиб қилишини кутиши мумкин эмас.

Иккинчидан, асарнинг мавзуи ва мазмунини ҳисобга олиш керак. Агар мавзуи ичкилиқ ҳақида бўлса, «май» сўзи ва унинг маънодошлари асар мазмунида бўлади ва бунда шоирнинг ичкиликка бўлган муносабати баён қилинади. Агар мавзу илму маърифат бўлса, мазкур сўзлар асарнинг формасига бўлади ва бу ҳолда улар ўз маъносига қўлланмаган бўлади.

Учинчи белги шундан иборатки, мазкур сўзлар ичкилиқ даражасига сигмайдиган мутлақ тушунчаларга нисбатан қўлланган бўлади ёки шундай тушунчалар таркибида берилади. *Масалан*, шоир мен майни ток вужудга келмасдан илгари ичганман ёки «қабрим ёнидан ўтган одам, май ҳидига маст бўлади» деса, гап ичкилиқ ҳақида эмаслиги маълум бўлади.

Энди мисолларга ўтайдик. *Майтарастликда машҳур бўлганлиги* учун Умар Хайёмдан бошлиймиз. Умар Хайём буюк олим бўлган. Шунинг учун унинг ўзига мансуб рубоийларида «май» сўзи ва унинг маънодошлари илм ва унинг лаззатини ифодалаши учун истиора қилинади.

Илмий маълумотдан хабар топишнинг, айниқса, бирор илмий ҳақиқатни кашф қилинингни кишига улуғ лаззат багишилашини энг қадимги олимлардан тортиб ҳозирги олимларгача таъкидлаганлар. Кашф қилинган ёки идрок этилган ҳақиқатнинг даражаси қанча улуғ бўлса, унинг лаззати ҳам шунчалик лазизроқ бўлади. Бу лаззатни татиб кўрган олим илми ўзга мақсадлар учун, жумладан, обрў-ю шуҳрат, мансаб қозониш воситасига айлантирмайди¹.

Бу адабий ҳодисаларни ўқувчилар томонидан жонли ва қизиқарли тушунилишига қўшимча имкон яратади. Қолаверса,

¹ Рустамов А. Сўз хусусига сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987. 39-42-бетлар

фандағи яңгилеклар дастлаб олимларнинг мақола ва тадқиқотларида юз күрсатади. Биргина мисол келтирайлик. Фанда узоқ муддат «Гул ва Наврӯз» достони Лутфийга нисбат бериб келинди. Маълум бўлишича, унинг Лутфийга алоқаси йўқ, аксинча у Хайдар Хоразмийнинг қаламига мансуб экан. Ёки Лутфийдек буюк бир шоирнинг Тошкентда туғилгани Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг «Фунун үл-балога» асари топилганидан кейингина маълум бўлди¹.

Бир асар ҳәқиқидаги икки муаллифнинг фикрларини қиёслаб ўрганиш ҳам ўқувчиларнинг мустақил, ижодий фикрларининг шаклланишини ва ривожида муҳим омил бўла олади.

Бу жиҳотдан айрим илмий, илмий-оммабоп журнallаримизда, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат», «Ёзувчи», «Миллый тикланиш» ва бошқа газеталар саҳифаларидағи адабий-танқидий мақола ва материаллардан, давра сухбатларидан фойдаланишининг имконлари кўп. Бу ишларни ташкил этишда кўпроқ юқори синфлардаги, айниқса академик лицей ва касб-хунар коллежлеридаги имкониятларга таяниши мақсаддага мувофиқ бўлди.

«Танқидчиларнинг мақолалари, адабий қайдлар ўқувчилар учун мазмун ва меғоник жиҳатдан бадиий матнни таҳлил қилишининг намунаси бўлиб хизмат қиласи. Танқидий мақола билан аввал ўқитувчи раҳбарлигига, кейинроқ мустақиям равишда танишар экан ўқувчи унинг тезисларини тузади, конспект ёзали. шу йўл билан у муаллиф томонидан асарни таҳлил қилишдаги танлаган йўлини ўзлаштириб боради; унинг ижтимоий-фақсафий ва эстетик нуқтai назарини, қаҳрамонларга баҳосини англаб етади; шу асарда кўйилган долзарб муаммоларни излаш ва ҳал қилишини ўрганади; танқидий матнда муаллифнинг шахсий ўй-фикрлари билан кўчирмалар ва матндан ташқарилаги материаллар билан уйтунлаширишини амалий ҳолатлари билан танишади. Буларнинг барчаси ўқувчига ўрганилаётган бадиий асар ҳақида ўз тасаввурларини яратишга, бадиий ва дарслек китоблари билан муомала қилишининг ўз методикасини ишлаб чиқишига ёрдам беради»².

Аммо адабий танқидчилик материалларидан фойдаланишида

¹ Карапт. Ҳаниғметов А. Адабий меросимиз уфқларни. – Т : Ўқитувчи, 1997.; Темурнайёр даври ўзбек адабиёти – Т.: Фан, 1996.

² Бойданова О.Ю., Леонов С.А., Чертов В.Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Бойдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереопечатное. 2002. - с.247.

ҳам тегишли меъёр ва мезонларга амал қилиш шарт. Ўқувчиларни адабий танқидчиликдаги мавжуд хилма-хилликларга одатлантириш, уларда «ножоизроқ» мулоҳазалар оқимига нисбатан ҳам «иммунитет» ҳосил қилиниши керак. Танқиддаги бир ёқламалик ўқувчиларни нотўғри йўлга бошлаб қўйиши мумкин. Адабий, бунинг устига адабий-назарий тайёргарлиги ҳали анчагина паст бўлган ўқувчиларда бундай тасавурлар барқарорлашиб, ҳатто бир умрли хуносаларга айланниб қолишидан асраниган маъқул бўлади. Шу ўринда адабиётшунос А. Расуловнинг Ойбекнинг танқидга муносабати билан боялиқ бўлган бир мисолини эсга олиш мумкин: «Ойбек «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-ийқитчиликка қарши ўт очайлик» мақолосида Абдураҳмон Саъдийнинг «Тўрт шеърлар тўплами тўгрисида» шарҳтақризига муносабат билдириб, жумладан, мана бу фикрларни таъкидлайди: «Танқидчи асарларни конкрет анализ қилиш натижасида ўз ҳукмларини чиқариши керак. Саъдийнинг ҳукмлари асарнинг анализидан келиб чиқмайди. Кўпинча фактлар, шоирнинг қарашлари, фикрлари «қийшиқ ойна» орқали курсатилади. Шеърларга танқидчи ўз кайфига яраша, ўзи истаганча маънолар тиқишига тиришадики, бу билан танқид объектив аҳамиятдан маҳрум этилади»¹.

Демак, бу борада ҳам ўқувчиларда мустақил ва ижодий нуқтаи назарни шакллантирмасдан туриб тегишли мақсадларга эришиб бўлмайди. Кейинги пайтларда ўқитувчиларга мўлжалланиб яратилаётган бир катор ўқув қўлланмаларда бу борада яхши тажрибаларнинг тўпланиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Уларда айниқса, ёш ўқитувчилар учун катта наф ва манбаэтлар мавжуд.

Савол ва топшириқлар:

- 1. Адабий-танқидий тушунчаларнинг шакллантирилишидаги асосий талаблар нималардан иборат?*
- 2. Дастурлар асосида умумий ўрта таълим мактабларининг ҳар бир синфида ўрганиладиган адабий-назарий тушунчаларнинг қиёсий жадвалини тузинг.*
- 3. Ойбекнинг юқоридаги фикрини яна бир марта ўқиб чиқинг. Унда қандай рашионал матиз борлигини изоҳлаб беринг.*

¹ Расулов А. Танқид. Таъқин, Баҳолаш. – Т.: Фан, 2006, 17-бет.

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИ

P e j a:

1. Адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган умумий талаблар.
2. Адабиёт ўқитувчисининг касбий ҳамда ахлоқий-маънавий фазилатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқларида, жумладан, шундай деган эди:

«Тарбиячиларнинг ўзларига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиласми. Аммо замонавий билим бериш учун, авволо, мураббийнинг ўзи ана щундай билимга эга бўлиши керак»¹.

Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилардаги мустақилликни, ижодкорликни тарбиялашда алоҳида роль ўйнайди. Бу ундан ҳар бир ўқувчидаги алоҳида хусусиятларин жуда мукаммал даражада сезишни, унинг адабиётта бўлган ҳавасини оширишда фойдаланишини тақозо этади. Зоро, «Ўқувчиларнинг ўз ўқитувчиларини тинглашлари учун. ўқитувчининг ўзи ўқувчиларини, оламнинг кўпвозлилигини тинглай олиши шарт»².

Улуғбек Ҳамдамнинг «Исён ва итоат» романидаги шундай лавҳа бор: «Шунда ўшандা ...дарс вақти эди. Битирувчи синф болаларидан бир нечтаси дарсга кирмай теннис ўйнашаётган экан. Олдиларига келиб, ўйинни тўхтатиб, дарсга киришларини талаб қилдим. Шунда ўша... Садр «Кирмаймиз, бир ҳафтадан кейин мактабни битиралидиган бўлсак, ўқидик нима-ю, ўқимадик нима?» деди. Жаҳлим чиқса-да тушунтирмоқчи бўлдим. Интизом, мактабга, ўн йил таълим - тарбия берган ўқитувчига ҳурмат хақида гапирдим. Бефойда. Қайтага ошкора кибр билан

«Қўлингиздан нима келади, мен дарсга кирмайман» - деди.

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг поидевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида сўзлаган нутки, 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг поидевори. – Тошкент. Шарқ, 1997. 7-бет.

² Айзerman A.C. Испытание доверием. Записки учителя. - М.: - Просвещение. 1991 с.188.

Тұңриси, етти-саккыз үйлден бери мектебда ишилаб, үқыувидан бунақа мұомала күрмагандым. Дадил бориб, құлғидаги рокетканы олмоқчи бұлуведім күкрагимдан шұнақа туртиб юбордикі, орқамга кетиб тоғиб ғынқылдым. Шеріклари пиқиллаң, у эса хохолаб кулишиди. Мен довдираң қолдым. Үша аснода гүёки иккиге бұлиніб кетдім. Битта парчам бу ҳолатни – үз үқыувиши томонидан ҳақоратланып түтреққа беланиб ётған үқитувларының күриб тұрады да айнан шу парчам яраланған шердек нағыра тортганча олдинга ташланади. Ҳүшімгә келганимда Садр ерда ағанаң ётарды. Шерікларининг айтишича, мен бир тарсақи құйыған эканман. Сүдда бұлса...

- Садрнің отасини билмасмидінг, үчига чиққан фирибгар, мұттахам. Боласи ҳам шундай-да. Улар атайдың ҳам шұнақа можаро құдіриб юришади. Сен эса шартта илиниб үтирибсан.

- Ҳа үстоз, буны кейин... пул талаб қилишгандың. Шунда берған аризамизни қайтариб оламиз дейишіди. Мен бир сұм ҳам бермадым. Отаси иккі-үч келди, «шу пулни бергін-да құтылғын, ёш жонингни ая, жуоннмарғ бұлыб кетмагін», деді. «Пұлсиз ҳам аризанғызың қайтариб олсанғыз-чи, ахыр бир жойнинг, бир маҳалланың одамиміз-ку!» десам, «Яхшиликча берсанғ бердінг, бұл маса, амалдор үкамға айтиб умринген қамоқда чири таман!...» - дейді палит.

- Ҳм ... шұнақа деганмиди... - табиб бошини сарап-сарап қылди. Түшүндім, үглем, түшүндім. Етар, ортиқ гаптірма. Тур үрнінгдан, яна бир бағримга босай,- табиб үзига иккита келадиган алқомат Ақбарни әгіб құчоқлади, сұнг пешонасыдан үтди-да «йұлға чиқишинг керак, үглем!..» деді¹.

Ақбарнің асадардаги мавқеи, уннің маънавий оламини таұлды қилишдан тиійлігін ҳолда. үқитувлары шахсининг үқувчи билан мұносабатилаги бундай ҳолатларнің амалиёттің учраб туриши мүмкінлегінің әтироғ этишігә түғри келади.

Абдулла Авлоний инсон шахсининг камол топишида, уннің тарбиясіда мұхым бұлған бир қатор омилларни санайды: «Тарбияни кимлар құлур? Қайда қилинур? – деган савол келадур. Бу саволта, «бириңчи үй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккінчи – мектеб ва мадраса тарбияси. Бу ота, мұаллим, мударрис ва ҳуқумат вазифасидур», деб жавоб беради. Аммо үша даврдаги үқитувлары мударрисларға әтироғозларының ҳам айтиб үтади: «Мақсади пул, маслаги шұхрат, юқори мектбларда үқумаган усули таъзим, күрмаган мұаллимларни айтурсизми? Аввал үzlари

¹ Улугбек Хамдам. «Исән ва итоат». Роман. Тошкент, «Янги аср автоды», 2003, 7-бет

дорулмуаллимин»ларда ўқумаклари, сүнгра дарс бермаклари лозимдур»... «Матлаблари ош, мақсадлари чолон, дарслари беймтиҳон, ислоҳ яқинидан юргаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб, нафсларидин кечуб, замонга мувофиқ равишда дарсларини истилоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур»...¹ Бошқа бир ўринда эса у шундай ёзади:

«Илм ўрганмак, олим бўлмак учун мактабга кирмак, муаллимдан таълим олмак лозим, ақлсиз кишилар на мактабга кирап ва на муаллимни билур».

«Туркий гулистан ёхуд ахлоқ» китобида «Ватанни суймак» деган алоҳида сарлавҳа берилган. Унда, жумладан, қуидаги фикрлар баён этилади:

«Биз туркистонлилар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ сүйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қўмлик, иссиқ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар сўймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларин ташлаб хижрат қўлурлар эди».

Ўқитувчи шахси ҳақида гап кетганда В.Г.Белинскийнинг қуидаги фикрларини назардан қочирмаслик зарур: «Бола тарбиялаш учун сизга топширилган: шуни унутмангки, у ўсмир, кейин эса йигит бўлиб етишади, қарабисизки, эркак ҳам бўлиб қолади, шу боисдан унинг қобилияти такомилини кузатиб боринг ҳамда, шунга кўра, тарбия усуулларингизни ўзгартиринг, ундан ҳамиша юқори туринг: акс ҳолда, ҳолингизгавой: бола сиз билан юзма-юз туриб устингиздан кулади. Уни ўргатар экансиз, ўзингиз яна ҳам кўпроқ ўрганинг, акс ҳолда, у сизни ортда қолдириб кетади: болалар тез ўсишади»².

Абдулла Авлонийнинг тарбия турлари борасидаги қарашлари ҳам эътиборлидир. У жисмоний тарбия (бадан тарбияси), ақлий тарбия (фикр тарбияси), Ахлоқий тарбия (ахлоқ тарбияси) борасида алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтади.

Ўқитувчининг ўзи ўқитаётган фан асосларини мукаммал билиши, билгандарини ўқувчиларига етказа олиш даражасигина эмас, ҳатто унинг ўзини тутиши, нутқи ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. М.В.Кларин бу ҳақда шундай дейди: «ўқитувчи томонидан қўлланадиган пауззанинг давомийлиги сингари «майда нарса» ўқув

¹ – Абдулла Антоний. Танланган ясрлар. 2 жиптик. 2-жизд. Пенջар, ибраллар, набийлар ҳасти, драмалар, маколалар, сасчаш хотиралари. Тўпловчи ва напрота ганёрлович Б.Косимов. – Тошкент, Маънавият, 1998. 9-бет., 37-бет.

² Белинский В.Г. Адабий оруулар. Адабий-танқидий маколалар. Тошкент, Алабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 35-бет.

диалогининг синфдаги ўзаро ҳамкорликнинг характерига сезиларли таъсир ўтказади»¹. Худди шу фикрларни давом эттириб бошқа бир психолог — методист Е.В.Коротаева шундай ёзади:

«Агар «жавобни кутувчи пауза» ўқитувчи томенидан уч секунддан беш секундгача чўзилса, мулоҳазалар сони ортади, жавобларнинг давомийлиги кўпаяди, ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончлари кутарилади, уларнинг мулоҳазаларида далиллар кучаяди, муҳокамага ўқиш даражалари унчалик юқори бўймаган ўқувчилар ҳам қўшила бошлайди, болалар орасидаги ўзаро ҳамкорлик кучаяди ва бошқалар»².

Йирик методист олим А.Зуннунов таъкидлаганидай: «Адабиёт ўқитувчиси узини ўқувчиларга баҳшида этиши, ўзи бажараётган ишнинг ҳалқ маънавий ҳаётидаги аҳамиятини, ҳар бир инсон бадиий адабиёtsиз камолотга эриша олмаслигини ўз ўқувчилари онгига, қалбига сингдириши лозим. Ўқитувчилик қасби ҳар бир адабиёт ўқувчисидан ўзини доимий суратда камол топтириб, ўзида бадиийликка мойилликни ва ижодкорликни ўстириб боришни талаб этади. У эгаллаган қасб жамиятдаги ижтимоий гузум, идеология ва маданий ҳаётга боғлиқ ҳолда янги маънога эга бўлиб боради»³.

Адабиёт ўқитувчисининг асосий қасбий-педагогик фаолияти қирраларини алоҳида ўрганган Р. Келдиёров бу соҳа эгаларида бадиий ижрочилик маҳоратининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратади⁴. «Бадиий ижрочилик ўқувчига ҳаёт лавҳаларида, адабий асарнинг сирли манзараларида гўзалликни кўрсатишдан иборат. Бу борада ҳар бир дарс қайта тақрорланмайдиган ўзига хос ижодий жараён бўлиб, ўқитувчи унинг муаллифи, ижрочиси, режиссёри сифатида ўз маҳоратини намоён этади». Бу эса «ўқувчиларнинг эстетик завқини оширади, уларнинг тафаккурини, ҳистийуларини ривожлантиради, маънавиятини шакллантиради».

Савол ва топшириклар:

1. Ўзингизга дарс берган адабиёт ўқитувчинингизнинг қайси фазилатлари Сизга ёқади. Нима учун?

2. Р.Келдиёровнинг «Адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг муҳим қирраси» (Тил ва адабиёт таълими, 1998, 1-сон, 41-44-бетлар) мақоласини ўқиб чиқинг. Ўнга муносабатингизни билдиринг.

¹ Кларин М. В. Ицюокенционные модели обучения в зарубежных поисках. – М., 1994. – С.193

² Коротаева Е.В. Особенности редсового взаимодействия учителя и учащихся. - // Русский язык в школе. - 2001. 1, с.7

³ А.Зуннунов ва бошқалар. Адабиёт ўқитувчи методикаси. 74-75-бетлар

⁴ Келдиёров Р. Адабиёт ўқитувчиси фаолиятининг муҳим қирраси. - // Тил ва адабиёт таълими, 1998, 1-сон, 41-44-бетлар

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ

P e ж a:

- 1. Адабиёт дарсларининг ўзига хос хусусиятлари.*
- 2. Адабиёт дарсларининг шакл ва түрлари.*
- 3. Адабиёт дарсларида муаммоли таълимнинг ўрни ва аҳамияти.*

Адабиёт ўқитишнинг ўзак нуқтасини адабиёт дарслари ташкил этади. Айни мана шу жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи муроҷотларининг олий нуқтаси кўзга ташланади. Айни шу ерда улардаги хилма-хил нуқтайи назарларининг ўзаро рӯпара келиши содир бўлади. Адабиёт дарсларини тасниф қилишда бир қатор қарашлар мавжуд. Улардан энг кенг тарқалганлари сифатида анъанавий ва ноанъанавий адабиёт дарсларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шундай экан, адабиёт дарсининг мазмуни қандай бўлиши керак, у қандай типологик хусусиятларга эга, адабиёт дарсининг самарадорлиги нималарга боғтиқ. бунда ўқитувчининг ўрни ва мавқеи қандай белгиланади, ўқувчининг адабий жиҳатдан ривожи учун қандай йўл-йўриқлар тутилади, адабиёт дарсларининг ташкилий жиҳатларида қандай ўзига хосликлар бор? каби қатор саволлар пайдо бўлади. Гарчи адабиёт ўқитиш методикасига оид кўплаб тадқиқотларда бу саволларга хилма-хил жавоблар берилган бўлса-да, амалиётчи ўқитувчilar уларга берилган яхлит ҳолдаги аниқ жавоб ва кўрсатмаларга муҳтож бўлиб турибди.

Адабиётга оид дарсларнинг шакллари кўп. Энг кўп тарқалган турлар сифатида маъруза, сұхбат, семинар, конференция, баҳс-мунозара, мусобақа ва бошқа дарсларни кўрсатиш мумкин.

Адабиёт дарсларининг назарий жиҳатлари ҳақида М.И.Махмутов, М.Н.Скаткин, Ю.К.Бабанский, В.В.Голубков, Н.И.Кудряшев, О.Ю.Богданова, Г.И.Беленький, Л.Н.Лесохина, Л.С.Айзерман, Е.Н.Ильин, А.Зуннунов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, С.Матжонов ва бошқа методист олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Уларда адабиёт дарсларини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари, уларга қўйиладиган замонавий талаблар, адабиёт дарсларида ўқувчilar фаолиятини йўлга қўйиш ва уни фаоллаштириш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарс сизмарадорлигини ошириш, адабиёт дарсларининг маърифий, тарбиявий, эстетик жиҳатлари, бадиий асарни таҳлил қилишда адабиёт

дарсларининг ўрни ва аҳамияти, бунда ўқувчиларнинг мустақил, ижодий ишларини ташкил этишининг йўл ва усуллари ҳақида батафсил маъдумотлар берилган. Мазкур тадқиқотлар назарий жиҳатдангина эмас, амалий жиҳатдан ҳам ўқитувчиларимиз учун дастуруламал бўла олади.

Адабиёт дарсларида ўқувчилар билан ишлашнинг турли шакларидан фойдаланиш имконлари мавжуд. Хусусан, гуруҳ билан ва ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлашнинг қўшиб олиб борилиши яхши самаралар беради.

Адабиёт дарсларида ўқитувчи шахсининг мавқеи алоҳида ўрин тутади. Айнан мана шу шахс дарснинг мақсад ва вазифаларини, адабий материални танлашни, қайси мавзуларни ўтишда қандай метод ва шакллардан фойдаланишини белгилайди, дарс жараёнининг ташкил этилишини бошқаривор боради.

Адабиёт дарсларнинг олдига қўйилган педагогик вазифаларнинг ечилишидаги воситалар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Адабий материалнинг мазмуни.
2. Уни ўрганиш усуллари.
3. Ўқитишининг техник воситалари.
4. Ўқувчиларнинг мустақил ишларини амалга ошириш имиконини берадиган дидактик материаллар.
5. Ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш.
6. Ўқитувчи шахси (М. Н. Скаткин)

Адабиёт дарсларининг таркиби қисмлари ва бу қисмларнинг ўзаро муносабатлари алоҳида эътиборга молик¹. Анъанавий дарсларда одатда дастлаб уй вазифаси ёппасига сўраб чиқилади, кейин янги мавзу ўтилади, у мустаҳкамланади, ўқувчиларга уй вазифаси топширилади. Бу жараёнларни ташкил этиш ва амалга оширишда етакчи шахс сифатида ўқитувчи майдонга чиқади. Узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган мазкур шакл бугунги кунда замонавий талабларга жавоб бермай қолди. Шунинг учун ҳам унинг ўрнига янгича шакл ва усуллар кириб келяпти, таълим жараённинг янгича педагогик технологиялар даври бошланди, деб айти оламиз.

Эндиликда илғор адабиёт ўқитувчилари дарсни уй вазифасини сўрашдан эмас, тўғридан-тўғри уй вазифасини беришдан, янги мавзуни баён этишдан, ўқувчиларга мустақил вазифалар топширишдан бошлаётганлари одатдаги ҳолга айланниб бормоқда.

¹ Махмутов М. И. Современный урок и пути его реализации. – М., 1978

Бу жараёнларда, айниқса, ўқувчи шахсининг фаоллашувига имкон берадиган усул ва шаклларга устиворлик берилаётганилиги очиқ сезилади.

Дарсда ўқувчиларнинг олдин олган билимлари фаоллаштирилади, уларда янги тушунчалар, кўникма ва малакалар шакллантирилади. Адабиёт дарслари ҳам одатда, янги билимларни бериш, мавжуд билим ва малакаларни мустаҳкамлаш, ўтилганларни тақрорлаш, ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш каби турларга бўлинади.

Алоҳида адиллар, адабий асарлар, улар яшаган ёки асар яратилган тарихий даврлар билан боғлиқ ҳолда эса кириш машғулотлари, ўқиши, бадиий асарни гаҳзил қилиш якунловчи машғулотлар ташкил этилиши мумкин.

Бевосита материалнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда бадиий асарнинг ўзини, адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш, ўқувчилар нутқини ўстириш каби дарслар ажратилади. Бадиий асарни идрок этиш, унинг матни устида ишлаш, асар устидаги умумлаштирувчи ишларни ташкил этиш билани боғлиқ бўладиган дарслар ҳам мавжуд.

Адабиёт дарсларида ўқувчилар олган билимларини, эгаллаган кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳам мұҳим амалий аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда бу соҳада айниқса, тест саволларига жавоб олиш йўли билан ўқувчилар билимини баҳолаш кенг ёйилди. Айрим тарихий саналарни билишда, ёзувчининг ҳаётига, адабий асарнинг яратилишига боғлиқ факт ва ҳодисаларни ўрганиш билан алоқадор ҳолда бу усуслдан фойдаланиш яхши самаралар беради. Аммо ўқувчининг адабий асарни идрок этиш даражасини, унинг адабий қобилият ва истеъодидини тўла билиш ва баҳолаш учун фақат тест синовларининг ўзи камлик қиласи. У оғзаки сухбат, ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини кузатиш билан қўшиб олиб борилсагина баҳолаш тўлақонли, мукаммал ва бенуқсон бўлади.

Адабиёт дарсларининг самараси ҳақида галирганда, биринчи навбатда, унинг ўқувчи шахсининг камол топишидаги фойдалилиги назарда тутилади. Бунда, табиийки, унинг фикрлаши қобилиятига ижобий таъсир ўтказиш имконияти асосий ўрин тутади. Адабиёт дарслари шундай ташкил этилиши керакки. ўқувчилар бутун дарс давомида ўқув фаолиятининг ичидаги бўлсин, бирор дақиқа бўлсин ижодий ишлаш имкониятидан ташқарида

қолмасин. Биз буни бежиз айтаётганимиз йүқ. Айрим тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришича, «анъанавий мактабларда ўқувчилар меҳнат таълими, хорижий тиллар, жисмоний тарбия дарсларида, амалий ҳамда назорат ишларини бажариш вақтида энг фаол тарзда иштирок этишади. Қолган барча аралаш тандаги дарсларда ўқувчининг дарсдаги фаоллиги жуда настлигича қолмоқда. Тахминан тўртдан бир қисм ўқувчиларгина эътиборли, меҳнаткаш, қолган (75 %гача) кам ҳаракат, тахминан 1/4 и дарсда умуман ишламайди»¹.

Агар руҳшунос олимларнинг соғлом туғилган болаларда қайсиdir бир соҳага табиий равишда қобилиятнинг бўлмаслиги мумкин эмаслиги ҳақидаги хulosаларини назарда тутадиган бўлсанк, бундай натижалар учун болалар, ўқувчилар айбдор эмаслигини тан олишга тўғри келади. Бундай кўрсаткичларнинг бош омили дарсларни ташкил этишдаги асосий методлар, ўқитувчининг иш тажрибаси ва педагогик маҳорати билан чамбарчас боғлиқдир.

Тошкент шаҳридаги 70-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, илфор ўқитувчиларнинг Республика танлови голиби Дилфуза Фаниеванинг эътирофича, синфда ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фаолиятлари ҳукмронлик қилмас экан, бу ерда уларнинг фаол иштироки ҳақида, тўлақонли ўзлаштиришлари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти мавжуд. Мустақил фикрлаш кўнижмасига эга бўлган ўқувчининг билими кенг ва чуқур, пишиқ ва барқарор бўлади. Бундай ўқувчилар билимларини турли шароитларда амалиётда қўллай оладиган бўлишади. Мустақил ишлар туркумига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларнинг ақлий-иродавий, жисмоний кучларини талаб этадиган ишлар;
- муайян билимларни эгаллаш билан боғлиқ ишлар;
- бевосита амалий топшириқларни бажаришга йўналтирилган ишлар;
- муаммоли вазиятни ҳис этиш ва уни бартараф қилиш билан боғлиқ ишлар;
- топшириқ ёки вазифани бажариш жараёнида ижодий ёндашишни талаб қиладиган ишлар;

¹ Канустин Н.П. Педагогические технологии адаптивной школы. – М.: ACADEMIA, 2001 с.29.

Мақсадига кўра эса мустақил ишларни қўйилагича ажратиш мумкин бўлади:

1. Янги билимларни ўзлаштиришни кўзда тутадиган мустақил ишлар.

2. Олинганд билимларни амалиётга татбиқ қилиш билан боғлиқ мустақил ишлар.

3. Такрорлан билан алоқадор бўлган мустақил ишлар.

4. Ўқувчиларнинг олган билимлари, эгаллаган қўнишка ва малакаларини текшириш, назорат қилиш ҳамда уларни баҳолаш учун қўлланадиган мустақил ишлар.

В.П.Стрезокозин мустақил ишларнинг қўйидаги турларни кўрсатади:

1. Дарсликлар билан ишлаш.

2. Мъттумотнома характеристидаги адабиётлар билан ишлаш.

3. Мисоллар устида ишлаш ва уларни қиёслаш.

4. Ўқув машқларини бажариш.

5. Иниш ва баёнилар ёзиш.

6. Ҳар хил чизма, жадвал ва расмлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мустақил ишлар.

Ўқитувчининг ўз дарси олдига қўйган мақсади, таълим муассасасининг белтилаган вазифасига кўра таълим муаммоли ёки одлий — муаммосиз бўлиши мумкин. Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб олган педагогик жамоа, уларнинг ижодкорлигига йўл излаётган ўқитувчилар муаммоли таълимни четлаб ўтишолмайди. Муаммоли таълимни танилаган ўқитувчи ҳам, педагогик жамоа ҳам ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни тўғри ва самарали ҳал этиши мумкин.

Шундай экан, биз дастлаб бир савонни ўртага қўйишимиш ва унга жавоб излашимиз керак бўлади. Табиийки бу савон «Муаммоли таълим деганда нимани тушунамиш? Унинг моҳияти нимадан иборат?» тарзида шаклланади.

Дастлаб, муаммолилик тушунчасининг ўқув жараёнининг тузилишига, ўрганилаётган материалнинг мазмунига, ўқувчиларнинг ўқув-билув жараёнларини ташкил этиш усу́лларига, бу жараёнларни бошқаришга даҳлдор эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу нарса ўқувчиларга ўтиладиган дарснинг ўзини ҳам, улар олиши лозим бўлган билим, эгаллашлари лозим бўлган қўнишка ва малакаларни ҳам қамраб олади.

Ўқитувчи кўзга киритадиган ютуқ, унинг педагогик фаолиятидаги

юқсак самара құп жиһатдан мұаммоли таълим жараженини ташкия этиш назариясыннің мазмұны ва мохияттіні нечөөлік аңграб еттанига, таълим методлари, техник воситаларини қанчалик үзлаштирганига, олған назарий билимлари ва ѿзи тұтылған тажрибаларни амалиётта қанчалик узвий ва тизимли тарзда татбиқ этишгә бөглиқ. Үқитувчининг юқсак назарий тайёрғарлғығы, ўз соҳасидаги фан асосларини пухта билиши, айни пайтда педагогика назарияси ва тарихидаги асосий қашфиёт ва қонунияттарни пухта әгаллаганлығы, методика соҳасидаги янгиликтер ичида яшаши мұхым омиллар қаторида туради. Лекин булар силсиласида дарс жаражениннің ўзини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки дарс үқитувчининг борлигини намоён қыладыған жарап. Ҳудди шу жараженда үқитувчи ўзининг бутун маҳоратини намоён қилиши, үқитувчилкнің санъаткорлық даражасидаги касб эканлигини амалда күрсатиши ёки уннің аксига эришиши мүмкін. Яхши үқитувчининг дарсі бир соатлық спектаклға айланади. Бунинг натижасида эса бутун синф шу фанға нисбатан айрича мәхр ва мұхаббат билан қарайдиган бўлади. Кўплаб ўқув предметларининг үқувчилар томонидан «яхши кўриб қолинишига» айнан үқитувчилар сабабчи эканлигини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп.

Бугун жамиятимиз олдидаги асосий вазифа – баркамол авлодни тарбиялаб етиштиришдан иборат. Баркамолликнинг белгиси нимада? Бу дастлаб, ёш авлоддаги фикрлаш қобилиятининг даражалари орқали белгиланади. Агар уларда юқори даражадаги фикрлаш қобилиятлари шаклланган бўлса, демак, мақсад амалга ошган бўлади. Бунинг асосий белгилари эркин ва ижодий фикрлашда намоён бўлади.

Муаммоли таълимнинг методлар тизими ҳақида М.Н.Скаткин ва И.Я.Лернерлар таснифи маълум ва машҳурдир. Уларга кўра:

- 1) тушунтирувчи - иллюстрацияли;
- 2) репродуктив;
- 3) муаммоли баён;
- 4) қисман изланувчилик;
- 5) тадқиқотчилик усуллари мавжуд.

Муаммоли таълимга асосланған дарсларнинг таркиби:

- 1) ўқувчиларнинг олдин олған билимларини фаоллаштириш;
- 2) Янги билимлар ва ҳаракат усулларини әгаллаш;
- 3) улардаги кўнишка ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлиши мүмкін.

Муаммоли дарс кўрсаткичларининг энг асосийси унда изланувчилик элементининг мавжуд бўлиши билан белгиланади.

Демак, ални шу қисм муаммоли дарснинг асосий ички бўгинини ташкил этади. У:

- 1) муаммоли вазиятни юзага келтириш ва муаммонинг қўйилишнин таъминлайди;
- 2) таҳминларни олға суриш ва фаразни асослашни тақозо этади;
- 3) фаразни неботлайди;
- 4) муаммони ҳал қилишнинг тўғрилигини тасдиқлашга хизмат қиласди.

Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, ҳар бир адабий ходисага нисбатан ижодкорлик билан ёндошишларига имконият яратади. «Ҳар бир дарсда пайдо бўлган муаммоли вазият ўқувчиларда асарни бир бутун таҳдил қилишда фикрни фаоллантиради, узлукез таҳдилни юзага келтиради. Муаммоли таҳдилда ўқитувчининг ўртага қўядиган саволидан ташқари, асар юзасидан ўқувчилар ҳам саволлар берадилар. Саволлар асосида қилинадиган таҳдилнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, ўқувчилар таҳдилда қийинчиликни ҳис этадилар ва уларни енгизига ҳаракат қиласдилар, иккинчидан, таҳдил бир мақсад томони иштагирилб, ўқувчилар умумий масалани ҳал қилингана имконият берадилан йўлни топишга ҳаракат қиласдилар. Шу зайлда таҳдилда бир бутунлик ҳам юзага келади»¹.

Муаммонинг тўғри қўйилиши, муаммоли вазиятдан ўз ўрнида фойдаланиш қанчалик мұхим ва аҳамиятли, самарали бўлса, ундан нотури фойдаланиш, муаммоли вазият мөҳиятини тўла идрок этгаслик шунчалик хато ва зарарлидир².

Буларнинг барчаси адабиёт дарсларининг мазмунни бойитиши, ўқувчи шахсининг маънавий жиҳатдан бойиши, эстетик жиҳатдан сезувчанлигининг, ҳиссиётларининг кучайишни шобий таъсир кўрсатади.

¹ А. Зуннузов ва бошқалар. Адабиёт ўқитуни методикаси. НБ-бет.

² Бу ҳақса қаранг: Хусанбоева К. Адабий таълимда мустақил фикрланига ўрганинг асослари. – Тошкент. УЗИИКОМЦЕНТР, 2003, 55-бет.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА КҮРГАЗМАЛИЛИК

Ян Амос Коменскийнинг таъкидлашича, «Мумкин бўлган ҳамма нарса туйгуларнинг ҳис этилиши учун етказилиши керак»¹. Бошқа бир йирик педагог К.Д.Ушинский эса шундай ёзади:

«Бола хотирасида ниманидир ўрнаб қолишини истаган педагог имкони борича кўпроқ сезги органлари: кўз, қулоқ, товуш, мускул ҳаракатлари туйгуси, ҳатто, мумкин бўлса, ҳидлаш ва таъм билиш ҳам эслаб қолишда иштирок этиши ҳақида қайгуриши керак».

Адабиёт дарсларида кўргазмалиликнинг яна бир тури харита-схемалар бўлиши мумкин. Ҳусусан, Ўрхун – Энасой обидалари, Маҳмуд Қошфарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда бундай харита-схемалардан фойдаланиш катта самара беради.

Масалан, Муқимийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда адаб борган, асарларида тасвирланган шаҳар ва қишлоқларни кўрсатиб берувчи харита-схемалардан фойдаланиш мумкин. Бунда адабнинг шахсий ҳаёти, айниқса, «Саёҳатнома»ларидаги географик номлар асос вазифасини адо этади. Қолаверса, бу йўл билан предметлараро алоқанинг ўзига хос томонларига ҳам рўпара келинадики, бу ҳолат ўқувчиларнинг турли соҳадаги билимларини бир ерга жамлаш, улардан амалда фойдаланиш заруратини юзага чиқараади.

Аслида, умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицейларда ўрганиладиган ҳар бир шоир ва ёзувчининг ижоди ҳақида шундай харита-схемаларни тузиш имконияти мавжуд. Бунда ҳар бир ўқитувчи ўзига яқин бўлган маҳаллий материаллардан ҳам фойдаланса, нур устига нур бўлар эди.

Х.Ш.Яндариевнинг кўрсатишича, харита-схемаларни яратишда «асарларга чизилган иллюстрациялар, биографик материаллар, газета ва журналлардан қирқиб олинган парчалар, нодир ва нашр этилмаган расмлар, мактублар» ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. «Карта-схемалар тузишнинг мақсади, дарсларни рангбаранг қилиш, уни мумкин бўлган даражада тифизлаштириш, унга ўқувчиларнинг адабий билимларни олишга қизиқишиларини

¹ Коменский Я.А. Великая дидактика. – Изд. Пед. сочинения. В 2-х томах. М.: 1982. - Т.1. стр. 384.

за ижодий фәолликларини ошириш, шундай қилиб, улар мәхнатинин мазмунли ва құвноқ бўлиши учун құшимча (жумлаван, ўлқаиуносликка оид) материалларни жалб қилишдан иборат».

Яна бир мұхим ҳолат мавжуд: дарсда, машғулотларда оқкора тасвирдан кўра рангли расмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқдир¹. Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириздин Мұхаммад Бобур ясарларига ишланган миниатюраларнинг турли йилларда нашр этилган намуналари бу жиҳатдан бебаҳо манба ва материал бўла олади.

Ёзувчи за азабларимизнинг турли даврларда яратилган рангли расмлари, портретлари, оиласиев ёки ижодий давралардаги рангли фотосурназлари ҳам ўқувчилар қизиқининг мос ва муносиб бўйали. Рӯс адабиёти ҳақида ганириб, профессор Е.Н. Колокольцев шундай ёзди: «Портрет жанри ўқувчиларнинг . . . тасаввурларини майдин пайтасини аёртам беради»². Бунинг натижасида ўқувчиларда илбиз инсан: ҳөқиқати фикр-мулоҳазалари тиниқлашади, уларнинг реал инсоний қиёфасини аниқроқ тасаввур этишади.

Дарс утицину бир қатор тамойиллари мавжуд. Диадактикада онглийлик ва фаоллик, кўргазмалийлик, тизимлийлик ва мунтазамлик, мустаҳкамлаш, тушунарлийлик, илмийлик, назария ва амалийт бирлиги ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги ёки уларнинг ўқитувчига боғлиқ бўлиб қолишининг чегаранганилиги етакчи тамойиллар ҳисобланади. Кўргазмалийлик педагог олимлар кагта баҳо беришади. Аммо кўргазмалийlik таълим-тарбия жараённинг асосий мақсади эмас, балки асосий мақсадга эрининининг мұхим воситасиadir³. Бугун анъанавий кўргазмалар қаторига виртуал кўргазмалар тизими ҳам келиб кўшилмоқда. Денлий, адабиёт дарсида бир ижодкорнинг ҳаёти, ижоди, унинг дарслари ғурганилмоқда. Интернет тармоғида хозир айрим ёзувчиларнинг сайтлари пайдо бўлди. Айрим ижодковлар ҳакида Интернетда анчагина маълумотлар жамланди. Масалан, Россияда www.pushkin.ru А.С.Пушкиннинг Умумrossия музейи сайти бўлиб, унда Пушкин яшаган жойларни кўриш ва буюк

¹ Воронина А.И. О родах иллюстрации в основных орфографии и пунктуации. – Русский язык в школе. – 2001, № 1, с.36-37.

² Колокольцев Е.Н. Портрет на уроках литературы. – // Литература в школе. 2006, № 6, с.6 (6-12).

³ Қараш. Зареч, ҳаметов І. Истографика. Непедагогик олди ўқуворларни узун уқув қўшилмоқ. – Ташкент. 2006. 90-93-бетлар

адиб ҳақидаги айрим маълумотларни кўрсатиш мумкин. Анна Ахматова сайтида (www.muzeum.ru/muzeum.akhmatova/fountain_house) эса унга багишланган портрет ва расмлар тизимини кўриш имконияти мавжуд. Орёл вилояти адабиёт музейлари ҳам алоҳида сайтда (www.litmusey.rc.ru) жамланган.

Ўзбекистондаги www.ziyo.uz сайтида ҳам шундай имкониятлар мавжуд. Унда фақат ўзбек адабиёти эмас, жаҳон адабиёти ҳақида ҳам тегишли маълумотларни олиш мумкин. Оддий слайдлар ёрдамида ҳам кўргазмаликнинг ўзига хос шакли юзага келади. Компьютер слайдларидан фойдаланиш:

- фикр-мулоҳазаларни қисқа муддатда изчил тарзда баён этиш имконини беради;
- ўқувчи айни ҳодисани фақат эшитибгина қолмай уни ўз кўзи билан кўриб ҳам туради;
- айни ҳолатни бир неча вариантларда тавсия этиш имкони юзга келади;
- унга қайта-қайта мурожаат этиш мумкин бўлади.

Кўриш ва эшитиш билан боғлиқ бўлган кўргазмалик ўқувчидаги ижодий тасаввурни фаоллаштириш билан омухталашиб синфдаги адабий асар таҳлилига жиддий ижобий таъсир кўрсата олади. Бунинг натижасида эса ўқувчи ўзи ўқиган нарсасига мустақил муносабатининг шаклланиш жараёнини тезлаштиради ҳамда бу соҳадаги билимларини мустаҳкамлайди.

Айниқса, юқори синфларда бадиий асар таҳлили тобора кенгроқ ва чуқурроқ мазмун қасб эта бошлаши аниқ. Бу тегишли асарнинг матни билан таниш бўлишини тақозо этади. Худди шу ерда иккита мураккаблик пайдо бўлади. Уларнинг биринччиси, ўқувчиларнинг асар матнини тўла ўқимаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинччиси, матнни ўқишга ўқитувчи томонидан ҳаддан ташқари мажбур қилишdir. Ҳатто матнни ўқиш асосий мақсадга айлантириб юборилади. Мана шундай мураккабликларда кўргазмалик ёрдамга келиши мумкин. Дейлик, Оғаҳийнинг ғазаллари ўрганилмоқда. Бу ерда тасвирий санъат ҳамда мусиқа ёрдамга келиши мумкин. Оғаҳий портретидан, Хиванинг қадимий ва замонавий рангтасвирда акс этган манзаларидан, Оғаҳий шеърларининг кўшиқ қилиб айтиладиган вариантларини аудио-видео воситалар ёрдамида эшитиш, унинг рангли тасвирларини кўриш ўқувчининг ҳаётий тажрибасини бойитали, унинг руҳиятига кучли эмоционал-ҳиссий таъсир ўтказади. Аммо бу асар матнинг таҳлилини орқа планга сурмаслиги, аксинча унга ёрдам бериши керак.

Компьютер технологиясینинг афзаллиги шундаки, у ўзида күргазмалийк тамойилини узлуксиз тарзда мужассамлаштиради; ҳар хил көнцелярия материалларига сарфланадиган харажатларни инкор қыздади; бир ўкув материалининг қайта-қайта ишлатишига пўл очади; тавсия этилаётган материалнинг кўриниши, шакли, ҳажмита истаган тарзаги узгартеришларни зудлик билан киритиши имконини беради; ўқувчилар билан индивидуал ишлаш имкониятларини кенгайтиради. Ўқувчиларда мустақил ва ижодий сизашга ражбат уйғотади.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА НУТҚИНИ ЎСТИРИШ

Ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқларини ривожлантириш таълимнинг турли босқичларида ўрганиладиган адабиёт фани зиммасидаги энг асосий вазифалардан биридир. Адабиётнинг ўқув фани ва санъат намунаси эканлиги бу вазифа мөхиятини янада теранлаштаради. Бадиий асарни ўқиши асносида ўқувчиларнинг нутқи ҳам бойиб. силлиқлашиб боради. Улар беғланишлай нутқ намуналарининг амалиёти билан бевосита танишиб боришади. Айни пайтда ушбу жараёнда ифода имкониятларининг таъсирчанлиги ҳам кузатилади. Аслида адабиёт ўқитишдаги асосий вазифалар ҳам мана шулардан иборат. Рус методист олимлари Ф.И. Буслаев, В.Я. Стоюнин, В.П. Острогорский, Л.И. Поливанов, Н.П. Потанина, В.П. Шереметевский, В.В. Голубков, А.Д. Алферов, М.А. Рыбникова, З.Я. Рез, К.Б. Бархин, Н.М. Соколов, Л.С. Троицкий, С.А. Смирнов, Н.В. Колокольцев, А.А. Липаев, К.В. Мальцева, М.Р. Львов, Т.А. Ладыженская, В.Я. Коровина, О.Ю. Богданова, Н.А. Демидова, Л.М. Зельманова, Т.Ф. Курдюмова, Н.И. Кудряшев, Л.И. Кожурина, И.А. Фогельсон, М.В. Черкезовалар, ўзбек олимлари Қ.Аҳмедов, А.Зуннунов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, С.Матчонов ва бошқалар бу соҳада анчагина жиддий илмий-методик тадқиқотларни амалга оширишган.

Нутқ ўстириши муаммолари фақат тил ва адабиёт ўқитувчилари зиммасидаги вазифа ёки фақат улар ўрганадиган илмий-методик муаммо эмас. Бу масала педагогларни ҳам, психололгарни ҳам, тиб уламолари-ю ижтимоий соҳа вакилларини ҳам бир хилда қизиқтириб келади. Бу бежиз эмас. Зоро, инсоннинг нутқий ривожи унинг ақлий камолотига, маънавиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатадиган энг мұхим омилдир. Маҳмуд Қошгарийнинг «Девону лугот ит-турк» асарида қайд этилган мақоллар сирасида «Ардам бashi - тил» (Ҳар қандай санъат ва фазилатнинг бошланиши тилдир) деган мақолнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Бу буюк аждодларимизнинг инсон маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши, унинг ички оламини белгилашда тилнинг нечоғли мұхим аҳамиятга эга эканлигини пухта билғанликларининг ёрқин кўрсаткичидир. Инсон маънавиятининг намоён бўлиш имкониятлари анча ранг-барант. У иш – меҳнат жараённида, ишлаб чиқаришда, бошқалар билан ўзаро алоқа ва муносабатларга

киришганила ўзининг маънавиятини бошқалар назаридан ўтказади. Шу билан биргаликда у ўз нутқи билан ҳам ўзининг маънавиятини кўрсатиб боради. Ҳалқимизда «тил одоби» деган ифода тасодифан пайдо бўлмаган. Тил одоби инсоннинг оғзаки ҳамда ёзма нутқи воситасида намоён бўлади. Шу нутқ намуналарини кўриб, эшишиб биз унга тегишли баҳо берамиз. «Одам сўзи билан синалар, ош – тузи билан». «Одам сўзлашиб танишар, ҳайвон – ҳидлашиб», «Сўзи нодурустнинг – ўзи нодуруст», «Сўзниңг бойлиги – одамнинг чиройлиги», «Тил – дил таржимони» сингари мақолларнинг пайдо бўлиши ҳаётий заруратларнинг мевасидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бадиий адабиётга ошнолик, бадиий асар устидаги мунтазам иш, китоб билан мулоқот инсон нутқини энг кучли даражада ривожлантирадиган омилдир. Инсоннинг нутқий билан унинг маънавий-маърифий қарашлари орасида бевосита боғланишлар мавжуд. Инсон нутқи унинг ахлоқий қарашлари ҳамда эътиқодалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда камол топади. Қалимги мутафаккирлар инсон нутқини унинг юксак маънавияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур ва талқин этишган.

Нутқ ўстириш тушунчаси «ўқитувчи ва ўқувчиларнинг нутқни эгаллашга қаратилган ўқув фаолияти» леб таърифланади¹. Мутахассислар нутқ ўстиришнинг бевосита адабий таълим билан боғлиқ ҳолда уч хил ёндошувга эга эканлигини кўрсатишиди. Булар:

«1. Психолингвистик ёндошув, у нутқий фаолият назариясига таянади.

2. Лингводидактик ёндошув, у она тили ва хорижий тилларни ўргатиш ва ўрганиш қонуниятларини тадқиқ этади.

3. Адабий-методик ёндашув, у бадиий адабиёт, адабиётшунослик, адабий танқид, нотиқлик санъати назариясининг имкониятларини эътиборга олади»².

Ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини адабиёт воситасида ривожлантириш бадиий асар таҳлили билан боғлиқ ҳолдагина амалга оширилади. Бу эса, биринчидан, асарни ўқиши, уни тушуниш, унданаги инсоний кечинмалар моҳиятини англаб этиш, ҳис этиш билан, ўқувчи шахсидаги маънавий, ахлоқий, бадиий-эстетик такомил билан боғлиқ ҳолда юзага

¹ Львов М.Р. Словарь-справочник по методике русского языка — М., 1988. — С. 168-169.

² Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертков В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2002, - с.403.

келади. Демак, бадий асар таҳлили ва нутқ ўстириш мұаммоси ўқувчилар маңынавиятини шакллантиришнинг улардаги бадий-эстетик такомил йулидаги ҳаракатларнинг бир-биридан ажратиб бўлмайлигиган яхлитликнинг икки томонидир.

Амалда бу талаблар реал ҳаётнинг ўзида, амалиётла ҳам бир-биридан ажратилмаган ҳолда рўй беради. Инсон фаолияти ранг-баранг кўринишларга эга. Улар бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлширади, ўзаро таъсир қилади. Масалан, муайян бадий матн устидаги ишлар, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқининг ривожланишига имкон бериши билан биргаликда, уларнинг ақлий меҳнат билан шуғулланишга оид малакаларининг ҳам узлуксиз равишда шаклланиб боришига пойдевор вазифасини адо этади. Бундай малакалар эса уларнинг келгусида танлайдиган қасбларини эгаллашларида катта амалий аҳамият қасб этади. Бадий асарни ўқиши асосида ўқувчиларда, умуман, китоб билан ишлашга оид кўникма ва малаклар барқарорлашади. Улар турли йўналишдаги фанларга оид адабиётлар билан ишлаш, турли тицдаги маълумотномалар, дугатлар, қомусий асарлардан фойдаланиши малакасни эгаллай боришади. Буларнинг барчаси эса улардаги изланишга, қашф этишга, ижод ва ижодкорликка бўлган рағбатларини кучайтиради, ўзи учун керакли бўлган маълумотларни толиши ва улардан фойдаланишга оид малакларини барқарорлаштиради.

Адабиёт ўқув предмети сифатида ўқувчилардан сўз устида, бадий матн устида ишлашни талаб этади. Бадий сўзни тушуниш учун эса уни ўқишининг ўзи кифоя қилмайди. Бу ерда сўз санъати замиридаги қашфиётни янгидан топиш, янгидан «қашф этиш» зарурати ҳам рўпара келади. Шунга кўра, бу ерда ижодий иш усуllibаридан, излаш ва талқиқотчилик иши тақозо этадиган шакл ва методлардан фойдаланишни жараённинг ўзи тақозо этади. Бунда мулоҳаза юритилаётган ҳодиса устида фикрлаш, ундан мустақил хуроса чиқариш малакалари талаб қилинади. ўрганилаётган бадий асарга танқицлий ёндошиш, унга муайян баҳо бериш зарур бўлади. Демак, у ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда ифодалайди. Уларнинг кўринишлари ва жанрлари эса адабий таълимда ниҳоятла қўп ва ранг-баранг. Ушбу ижодий меҳнат жараёнида ўқувчининг ижодий қобилиятлари ривожланиб боради. У ўз меҳнатинини амалий жиҳатларини кўз олдига келтириб, уни англай бошлайди. Ушбу жараёнларда у ўзини ўзи амалий синовлардан ўтказиб ҳам олади – ўз кучига реал баҳо беради,

имкониятларини чамалаб кўриш учун табиий «синов майдони» пайдо бўлади. Ўсиб келаётган авлодга бу жараён ундаги қизиқишларнинг ортиши, ақлий меҳнатга нисбатан онгли муносабатнинг шаклланиши учун асосий омил вазифасини адо этади.

Адабиёт дарсларидағи ижодий фаолият шакллари ранг-баранг. Улар орасида энг кўп қўлланадиган, самарали шакллардан бири сифатида тегишли мавзуларга оид маъруза ва ахборотлар тайёрлашни қўрсатиш мумкин. Унга тайёрланиши жараёнида ҳам умумий меҳнат қўнилмалари, ҳам маҳсус нутқий малаклар мустаҳкамланади. Ўқувчиларнинг ўз шахсий нуқтайи назарларини билдиришлари ҳам нутқий фаолиятнинг кўринишлари ҳисобланиб, улардаги мустақил ва ижодий фикрлаш имкониятларини қенгайтиради.

Адабиёт дарсларидағи ўқувчининг нутқий фаолияти ундаги бадиий-эстетик диднинг ҳам такомили учун асосий турткى бўлади. Бадиий-эстетик диднинг такомили эса, ўз навбатида, нутқий фаолият мазмунининг мукаммаллашиб боришига ижодий таъсир қўрсатади. Бундай ўзаро таъсирнинг натижасида маънавий-эстетик тарбия самарадорлиги орталди. ўқувчиларнинг бадиий диди такомиллашиб, айни пайтнинг ўзида эса ўқувчиларнинг лугат захиралари ҳам узлуксиз ва мунтазам тарзда бойиб боради. Лугат бойлиги ва бадиий дид қўшилмасидан ўқувчилик ижодий ўзига хослик юзага кела бошлайди, унинг оғзаки ва ёзма нутқида бадиийлик унсурлари сезиларли тарзда намоён бўла боради.

Зеро, «кундалик нутқимизда биз асосан сўздан ахборот бериш ёки олиш, бирор нарсани аташ ёки номлаш мақсадларидагина фойдаланамиз. Бундай вазифадаги сўзлар образ (образлилик)дан жуда ҳам йироқ ... Фақат эстетик қимматга молик контекстгина сўзни образга айлантиради: у бирор ҳолат, ҳаракат ёки муносабат бажарувчи эстетик материалга айланади»¹.

Буларнинг барчаси адабиёт дарсларининг ўқувчи нутқининг бойиб боришида, ундаги маънавий фазилатларнинг шаклланиши ва ривожида беқиёс ўринга эга эканлигини яна бир марта таъкидлаб туради. Бу имкониятдан эса бизнинг таълим-тарбия жараёнида муносиб тарзда фойдаланишимиз жоиз бўлади.

Адабиёт дарслари ўқувчиларни бадиий нутқ намуналари билан танишитиради, шулар воситасида уларнинг оғзаки ва ёзма нутқларининг ривожи учун йўл очади.

¹ Саримсоков Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент. 2004, 32-бет.

Нутқий ривожланишнинг мезонлари

Ўқувчилардаги нутқий ривожланишнинг мезонлари қандай белгиланади, бунда нималарга таяниш лозим? Модомики, гап ўқувчилар нутқини адабий асар, адабий таълим воситасида ўстириш ва ривожлантириш устила борар экан, биз бу мезонларни адабий асарнинг моҳияти, уни тушунтириш ва тушуниш механизмлари билан боғлиқ ҳолда тасаввур этишимиз керак. Маълумки, адабиётшуносликда бадиийлик мезонлари сифатида образлилик, ҳаққонийлик, ёзувчининг тасвирлаш жараёнидаги самимийлиги, мазмун билан шаклнинг уйғунылиги (И.Султон) эътироф этилган. Демак, ўқувчиларнинг нутқила ҳам бадиийликка оид мана шу асосий талаблар тегишли тарзда ўз ифодасини топиши керак. Уларнинг асосийлари сифатида қўйиладигиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ёзувчи ҳамда у тасвирлаган адабий қаҳрамоннинг маънавиятига бевосита даҳлдор бўлган. шу маънавий оламни тавсифлаш учун зарур бўлган, инсон шахсиятининг маънавий-рҳий ўзигга хосликларини акс эттирадиган фаол лугат бойлигига эга бўлиш.

2. Ёзувчи – ижодкор яшаган давр, унинг дунёқараси, ижодининг асосий йўналиш ва услубларини тавсифлашда мавжуд ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий атамалардан ўринли фойдалана олиш.

3. Бадиий асар мазмуни ва моҳиятини ўрганганлиги. Асар мазмунини ўрганмасдан туриб у ҳақда гапириш мумкин эмас.

4. Алоҳида олинган ёзувчи, унинг асарларига оид адабий-назарий ҳамда адабий-танқидий материаллардан фойдалана олиши.

5. Адаб ёки адабий асар таҳлилида адабий-назарий тушунча ва терминлардан фойдалана олиши.

6. Ўз оғзаки ва ёзма нутқида тилнинг ифода имкониятларини, тасвир воситаларини, шунингдек, мақол, матал, ҳикматли сўзларни қўллай олиши.

7. Ўз мулоҳазаларини билдиришда нутқий жанрлардан (қайта ҳикоялаш, қисқартириб ҳикоя қилиш, жавоб бериш, аҳборот, маъруза, ёзувчи ҳақида гапириб бериш, иншо, тақриз, аннотация в.б.) муносабини танлаш ва ундан фойдалана олиши.

8. Нутқининг аниқлиги, мантиқийлиги, композицион бутунлиги. Оддийгина бир мисол: «Лицензиясиз йўловчиларни ташиш

қатъиян ман этилади». Бу йўловчиларни ташишга мўлжалланган маршрути такси йўналишидаги автоуловга ёзib қўйилган огоҳлантириш. Унинг мақсади автоулов әгасининг албатта лицензияга эга бўлиши ҳақида. Аммо ҳозирги ҳолатда у йўловчига алоқадор бўлиб қолган - гўёки лицензияси бўлмаган йўловчиларни ташиш ман этилгандек. Ҳеч бўлмаганда ёнма-ён турган шу иккита сўзнинг ўрни алмаштирилганида ҳам мантиқ анча бутун, маъно тўгри, тушунилиш осон кечарди.

9. Нутқ жараёнида тингловчилар билан мулоқотта кириша олиш усулларини эгаллаганлиги.

10. Адабий мавзуларда суҳбатлаша олиши.

11. Нутқни ижро этишга тайёрланишдаги мустақиллиги.

12. Адабий-танқидий, адабиётшуносликка оид манбаларни ўрганиш, уларни бадиий асар таҳдилига татбиқ этишда ўз шахсий мулоҳазалари билан уйғунлаштира олиши.

Албатта, бу мезонлар ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва умумий адабий тайёргарлик даражасига қараб янада дифференциация қилинади.

Адабий таълим ва ўқувчиларнинг оғзаки нутқлари

Оғзаки нутқни ривожлантириш ижтимоий ҳамда методик муаммодир. Бугунги кунда оғзаки нутқни ўстириш ва ривожлантириш муаммоси тобора кўпроқ ижтимоий аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, нутқ инсон маънавиятининг кўзгусидир. Инсондаги мустақиллик, ижодийлик, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш, ундаги бой маънавий олам унинг нутқи орқалигина намоён бўлади. Бугунги жамият ривожи айни шу хислат эгаларига кўпроқ муҳтоҷлик сезмоқда.

Бугун ёшлар маънавиятидаги айрим ҳолатлар кўпчиликни ташвишга solaётгани бежиз эмас. Айниқса, маънавиятсизлик, маънавий-эстетик жиҳатдан қашшоқлик, миллий-маънавий қадриятлардан бегоналик ёки хабарсизлик, заарли одатларга нисбатан қизиқиш ва рағбат шу салбий йўналишнинг ўзак нуқталарини ташкил этади. Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятига бўлган талабларнинг сустлашгани ҳам сезилмоқда. Ҳагто радио, телевидени, оммавий йигинларлаги нутқларнинг камбағаллиги, ноҳорлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларнинг кўпайиб бораётганилиги кўзга ташланади. Саҳна бошловчилари, радио ва телевидениедаги айрим сухандонлар нутқига ҳам эътиrozлар

мавжуд. Уларда ноўрин тақрорлар, мавзуга муносиб тарзда танланмаган сұзлар, образлилиқка нисбатан эътиборсизлик, бир хил қолипдаги ифодаларнинг сероблиги, құпоп ифодалар, она тилида мавжуд бўлгани ҳолда хорижий сўзлардан зўрма-зўраки фойдаланиш, шева сўзларига мурожаатлар кўзга ташланади. Бундай ҳолатлар саҳна асарларида, телекўрсатувларда, радио эшиттиришларида, адабий кечаларда, ҳатто олимларнинг чиқишиларида ҳам кузатилиши сийрак тарзда учрамайди. Ҳатто тил ва адабиёт ўқитувчилари орасида ҳам ўз нутқига эътиборсизлик билан қарайдиганлар топилади.

Кейинги пайтларда бадиий асарларни ўқиши нисбатан камайиб кетди, деган ақидалар кенгроқ тарқала бошлади. Үнда ҳақиқат унсурларининг мавжудлигини эътироф этган ҳолда, бу фикрга тўлалигича қўшилиш қийин. Китоб ярмаркаларида, китоб савдосида янги китобларнинг анча қисқа муддатларда тарқалиб кетаётганини очиқ кўриниб турибди. Савдо расталарида туриб қолаётган китоблар эса мухлислар назарига тушмаётган бўлса, бунда уларнинг айби йўқ. Аммо ўсиб келаётган ёш авлоднинг китобхонлик даражаси ҳозиргидан кўра анча юқорига кўтарилиши керак. Бунга шубҳа йўқ. Ҳозирча бадиий асарларнинг ўрнини оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган намуналар эгаллаётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Мугахассислар буни «пассив ўрганиши» деб баҳолашади. Бу биринчи навбатда ёш авлоднинг нутқ маданиятида ўз ифодасини топади. Китоб ўқиш ўқувчи нутқининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсата оладиган энг муҳим омиллар. Китобни ўқиш жараёнида пайдо бўладиган эмоционал-эстетик ҳузур моҳиятини ўқувчилар онгига. қалбига синглириш зарур бўляпти.

«Оғзаки нутқдан кузатиладиган мақсад баён қилинадиган фикрларга мос сўзларни тезлик билан топа олишга, нутқ давомида фикрни тизимлаштирувчи режа тузишга, ўз фикрини ишонарли ва қатъий баён қилишга ўргатиш ва, ниҳоят, ўқувчиларда ҳозиржавобликни ўстиришдан иборат» (Ҳ.Убайдуллаев).

Шунга эришиш лозимки, ўқувчи нутқ жараёнидаги нотугалликларни ҳам пайқайдиган, фақат ўзгаларнинг, ўргоқларининг нутқидаги эмас, балки ўз нутқидаги камчиликларга ҳам танқидий қарай оладиган бўлсин. Нутқда сўзнинг ноўрин қўлланишини ҳис этиш ўқувчидаги нутққа нисбатан онгли ва мантиқий ёндашувнинг очиқ кўриниши бўла олади.

Оғзаки нутқни ўстириш ва ривожлантириш усуслари ниҳоятда

ранг-баранг. Бунга бадий матнни ифодали ўқиши, бадий асар ёки унинг муайян парчасини ёд олиш, нутқда бадий асарда қўлланган сўз ва ифодалардан фойдаланиш, ундан қўчирмалар келтириш, асар мазмунини қайта ҳикоялаш, асар жанри, ундағи қаҳрамонларга оғзаки тавсиф бериш, муайян шахс, ҳодиса, предмет, пейзаж ёки ҳолатни тавсифлаш, ёзувчининг таржимайи ҳолини айтиб бериш, асарга ўзининг шахсий нуқтайи назари ёки муносабатини билдириш ва бошқалар киради.

Адабиёт дарсларининг таъсири натижасида ўқувчилик нутқида бадий бўёкдор, эмоционал таъсирчан сўзлар кўпайиб бориши, уларнинг нутқи бошқалар учун ҳам мазмунли, таъсирчан ва ёқимли бўлиши керак. Уларнинг ҳар қандай фикрга муносиб ифодаларни топа билишларига эришиш пировард мақсад бўлиши лозим.

Бадий асардаги сўзлар устида ишлаш ўқувчиларнинг лугат бойлигини оширишдаги асосий омиллардан биридир. Бу иш куйи синфлардан бошлиб юқори синфларгача, академик лицей ва қасбхунар коллежларида ҳам узлуксизлик ва узвийлик тамоийллари асосида олиб берилиши шарт. Ўқувчилар янги сўзларни маъноларни билиш билан кифояланмасдан, ундан ўз нутқларида фойдаланишни ҳам уддалашлари жоиз. Шундагина адабий таълим нутқ ўтириш борасида тегишли самара ва натижага эришади.

Ўқувчилар нутқини ривожлантириш адабиёт дарсларининг барча шакл ва усуслари учун бир хилда тааллуклидир. Шунга қарамай, нутқни ривожлантириш учун маҳсус эътибор бериладиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Ўрганилган бир ёки бир неча бадий асарлар (улар бир муаллифнинг асарлари бўлиши ҳам мумкин) ўзаро мулоқотлар учун табиий ва қулай шароитни юзага келтиради. Бундан фойдаланиб ўқувчилар нутқида тегишли сўзларни, фразеологик ифодаларни, образлар моҳиятига алоқадор бўлган тушунча ва сўзларни фаоллаштириш имкони туғилади.

Бунда дастлаб, ўқитувчи дарс олдига қўйилган мақсадни баён этади. Биз мисол учун академик лицейларнинг биринчи босқичида ўрганиладиган Атоий газалларини олишимиз мумкин. Демак, асосий вазифа Атоий газалларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги сухбатни ўютириш бўлади.

Дастлабки вазифа Атоий газалларида қўлланган сўзларнинг маъно хусусиятларини аниқлашдан иборат. Академик лицейлар учун чиқарилган мажмууда Атоийнинг ўнта газали берилган. Улардаги элликдан ортиқроқ сўзлар лугат билан таъминланган.

Аслида лугатлар бундан ҳам күпроқ берилиши керак эди. Биринчи навбатда мазкур лугатлар устида ишланади. Уларнинг матндаги маънолари ойдинлаштирилади. Алоҳида сўзлар эмас, балки айрим сўз бирикмалари, истиоралар ҳам изоҳ ва талқинга муҳтож. Айниқса, абири тар, айёри Туркистон, банд-банд, «Латофатнома», асар қимоқ, боди сабо, бўрё, чавгон, чучук сўз, дафъи хумор, дами Исойи, давр оёғи сингар сўз ва сўз бирикмалари шулар жумласидан.

Шундан кейин Атоий газаллари устидаги сухбатни давом эттириш мумкин бўлади. Бунда янги ўрганилган сўзларни нутқ жараёнига киритиш учун алоҳида эътиборга зарурат бор. Бунинг учун ўқувчиларнинг ўзлари тузган гап қурилмаларида шу сўзларни қатнаштириш талаб этилади. Саволларга жавоб беришда ҳам улардан фойдаланишин назоратга олиш маъқул бўлади. Айрим иш тажрибаларида саволларни ҳам бевосита ўқувчиларнинг ўзларига томонидан тузилиши яхши натижалар бергган.

Кейинги босқичда яхлит матнларни тувиш имконияти бор. Бунда «Атоий шеърларида вазн ва қоғия», «Атоийнинг шеърий санъатлари», «Атоий шеърларида инсон руҳиятининг акс этиши» каби мавзулардан фойдаланиш тавсия этилади. Ўқувчилар тузган матн таҳлилида ҳам уларнинг фаолликни уларнинг ўзларига бериш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Кейинги босқичда ифодали ўқиши ташкил этилади. Бунда ифодали ўқишига мусобақа тусини бериш мумкин. Синфда энг яхши ифодали ўқувчилар танлови ташкил этилади. Ифодали ўқиши албатта муҳокама этилиши керак. Буни ҳар бир ўқувчининг ифодали ўқишида ёки бир неча ўқувчиларнинг ифодали ўқишиларидан кейин уюштириш мумкин. Муҳокамага имкони борича барча ўқувчиларни жалб этиш керак. Бунда тенгдошларнинг ютуқ ва камчиликларига шахсий муносабат билдирилади. Шу асосда уларнинг оғзаки тарзда сўзлашлари учун имкон туғилади.

Дарсга одатда расмлар, иллюстрациялар, жадваллар ҳам олиб кирилади. Улар устида ҳам муҳокама ва мунозаралар ташкил этилади. Айниқса, ижодкор шахсиятининг расмдаги ифодаси устида қизгин баҳслар юзага келади.

Атоий газалларининг таниқли санъаткорлар, сўз усталари ижросидаги, шунингдек, ўқитувчининг ўзи томонидан ўқилган парчалари ҳам ўқувчиларга яхши намуна бўлади. Уларга тақлидан ёки уларга яқинлаштириб ўқиши ҳам ўқувчилар нутқининг

бойишида мұхим восита ва омил вазифасини адо этади.

Албатта, ифодали ўқиши дарсларининг якуні ўқитувчининг зиммасида қолади: у қар бир ўқувчининг ютуқ ва камчиликларини күрсатади, ўқувчилар йўл қўйган камчиликларни йўл-йўлакай ҳам, алоҳида ҳолда ҳам кўрсатиб, унинг сабабини изоҳлаб, натижасини тушунтириб беради.

Насрий асарлар устида ишланганда ҳам мана шу изчилликка риоя этилади. Фақат унда эпик асар табиатидан келиб чиқадиган ўзига хосликларга алоҳида эътибор қаратилиди. Бунда насрий асар ёки унинг танлаб олинган фрагментини қайта ҳикоялаш қўшилиши мумкин. Қайта ҳикоялашда бир қатор ўзига хос талабалар қўйилади. Булар: воқеалар баёнидаги изчиллик, уларнинг ўзаро боғланиши, ифоданинг аниқлиги, таъсиранчилик, асар матнida мавжуд бўлган сўз ва ифодалардан, тавсиф, қаҳрамонлар тасвири, унда қўлланган тасвир воситалари, сўз ўйинларидан фойдалана олиш малакаси ҳисобга олинади.

Матн муаллифиини аниқлаш устида ҳам иш олиб борилиши мумкин. Бунда матндан оид мұхим белгиларга таянилди. Бунда кўпроқ табиат тасвири, портретлар тавсифи қўл келади.

Иш тажрибаларида муаллиф билан суҳбат, муаллиф ёки адабий қаҳрамонга мактублар, қаҳрамон билан юзма-юз суҳбат каби шакллар ҳам мавжуд. Адабий мавзуларга оид мuloҳазаларни турли кўриниш ва жанрларда ифодалашга ўргатишнинг шакл ва усуслари булар билан чегараланмайди. Ўқувчиларни нутқий ҳамда эстетик жиҳатдан ривожлантириш ўқитувчининг ижодкорлигига, топқирилигига, ҳар бир вазиятдан фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ. Уларни мутахассислар қўйидагича белгилашган:

«I. Репродуктив тарздаги мuloҳазалар: бадиий матнни эслаб қолиб айтиб бериш, уни ижодий ишлаб қайта ҳикоялаш, дарслиқдаги бадиий матн ёки ёзувчи шахси ҳақидаги адабий-танқидий мақолаларни, мемуар ва мактублар мазмунини қайта айтиб бериш.

II. Продуктив нутқ:

1. Илмий-адабий: батафсил оғзаки жавоб, ахборот, маъруза.
2. Адабий-танқидий: адабий умумлашма, тақриз, танқидий мuloҳаза, адабий-танқидий эссе, адеб ҳақида сўз, асар ҳақида ихчам мuloҳаза, аннотация ва б..
3. санъатшунослилкка оид: санъат асари: (расм, ҳайкал, меъморий обида, мусиқа асбоби, мумтоз асарлар учун тузилган альбомлар) ҳақидаги ҳикоя ёки маъруза, экскурсовод нутқи,

режиссёр изохи ва бошқалар.

4. Публицистик: асар қаҳрамони ҳақида нутқ, нотиқлик чиқиши, репортаж ва бошқалар.

5. Бадий-ижодий: а) адабий-ижодий — ўқувчилар томонидан мустақил тарзда яратилган шेърлар, ҳикоялар, очерклар, пьесалар ва бошқалар; б) адабий-танқидий: адабий-биографик ҳикоя, адабий ҳодиса ҳақидағы ҳикоя, адабий лавҳа ва бошқалар».

Бадий матнни қайта ҳикоялаш

Қайта ҳикоялаш бошлангич синфларда, умумий ўрта таълим мактабларida кенг қўлланадиган усуллардан ҳисобланади. Аммо ундан академик лицейлар ва қасб-хунар колледжларида кам фойдаланилади. Бу ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва адабий тажрибалари билан боғлиқ. У матнга яқинлаштириб ва ижодий қайта ҳикоялаш тарзида иккига ажратилади. Матнга яқинлаштириб ҳикоя қилиш тўлиқ, қисқа ёки саралама тарзида амалга оширилади. Ижодий қайта ҳикоялаш эса муайян тиопшириқларни бажариш назарда тутилади. Масалан, ҳикоя қилувчининг шахсини алмаштириш, матнга мурожаат сўзларини қўшиш, уни бошқа ижодий топшириқлар билан бойитиш.

Уларнинг педагогик амалиётда энг қуп қўлланадиган шакллари кўйидагилардан иборат:

1. Тўлиқ қайта ҳикоялаш. Бу асарни илк марта ўқиб чиққандан кейинги тасаввурни аниқлаш вазифасини адо этади. Бунда матн мазмуни ўқувчининг ўз сўзлари билан берилади. Унинг иккинчи хили бадий ҳикоя қилиш бўлиб, бунда ўқувчи матннинг бадий хусусиятларини ҳам эътиборга олади. Матнда қўлланган тасвир воситаларидан, алоҳида сўз ва фразеологик иборалардан фойдаланишга ҳаракат қиласди.

2. Қисқа тарздаги қайта ҳикоялаш. Бунда ўқиб чиқилган матн мазмуни ихчам тарзда қайта ҳикоя қилиб берилади. Асосий эътибор воқеалар изчиллигига, уларнинг мантиқий алоқадорлигига, тасвир услубига қаратилади. Аммо тафсилотлар, айрим кичик деталлар тушириб қолдирилади. Бу машғулот ўқувчиларни асосий ва иккинчи даражали, муҳим ва номуҳим ҳодисалар моҳиятини англаб етиши ва ажрати олишида муҳим ўрин тутади.

3. Таnlаб қайта ҳикоя қилиш. Бу каттароқ ҳажмдаги матнлар таҳлилида қўлланади. Матндаги мазмунан битта мавзуга бирлашадиган парчалар танлаб олинади. Натижада танлаб олинган

алоҳида мустақил ҳикоя таркиб топади. Бунга мисол сифатида «Масалларнинг моҳияти» (Гулханийнинг «Зарб ул-масал»и 6-синф), «Түғонбек ва Музаффар Мирзо», «Дилдорнинг дунёси» (Ойбекнинг «Навоий» романни 8-синф) мавзуларидағи қайта ҳикоялашларни кўрсатиш мумкин.

4. Шахсини ўзгартириб қайта ҳикоялаш. Бунда биринчи шахс ўрнига воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланадиган иккинчи шахс, воқеани ташқаридан кузатувчи ролини адо этадиган учинчи шахс номидан ҳикоя қилиш таклиф этилади.

Юқори синфларда, шунингдек, академик лицей ва қасеб-хунар коллежларida бадиий асар таҳлилига, ўқувчилар нутқида бадиий асар ва унинг қаҳрамонлари талқини ва баҳосига, сўзловчининг ўз шахсий нуқтайи назарининг ифодаланишига кўпроқ ургу берилади.

Бундай ҳолат ўқувчиларнинг бадиий асар моҳиятини тўгри англашларига, асардаги бадиий-эстетик ҳодисаларни тўгри баҳолаштга, ёзувчининг бадиий услубини илгашга, адабий йўналишларни бир-биридан фарқлаштга, бадиий асарларда акс этган образлар, улардаги асар қаҳрамонларининг нутқларида қўлланган ифодалар воситасида ўз мулоҳазаларини билдиришига олиб келади. Бу машгулотларни адабиёт тарихининг барча босқичларида яратилган бадиий асарларни ўрганишда қўллаш мумкин. Натижада ўқувчиларнинг лугат бойликлари сезиларли равишда кенгаяди, унинг она тилидаги тасвирир воситаларидан, образли ифодаларидан фойдаланишларини фаоллаштиради.

Адабиёт дарслари ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришда бекиёс катта имкониятларга эга. Бу ерда адабий ўқиши, ифодали ўқиши, матнни изоҳлаш, ёд олиш, қайта ҳикоялаш, матннинг режасини тузиш, асарнинг ажратиб олинган алоҳида бир қисми, номланмаган асарлар (хусусан, классик адабиётимиздаги лирик асарлар)га сарлавҳа топиш, асар муаллифи ёки қаҳрамонларга мактублар ёзиш, адабий асар ёки адабий-танқидий мақолаларга тақриз ёзиш сингари бир-бирига ўҳшамайдиган иш турлари мавжуд.

Иншо ёзиш ўқув фаолиятидаги энг қийин нуқтатардан биридир. Иншо жуда узоқ ва мураккаб тайёргарлик ва тажрибаларни талаб қиласидиган ижодий жараёндир. Иншо ёзиш учун нималар талаб қилинади?

Бунинг биринчи асоси муайян адабий-бадиий материални ўқиши, англаш ва унинг асосий моҳиятини, факт ва ҳодисаларини пухта ўзлаштириш билан боғлиқ. Ниҳоят, мана шу ўзлаштирилган адабий факт ва ҳодисаларнинг қайта ифодаси, ўқувчининг

мушоҳадаси билан тўлдирилган ва унинг онгида қайта ишланган шаклда иншо шаклида юзага келади.

Ўқувчилар ўз тажрибаларида диктант, баён сингари ёзма иш турлари билан яхши таниш бўлишади. Бу тажрибалар уларга бошланғич синфларданоқ яхши маълум. Юқори синфларда уларга бундай ёзма иштарнинг ижодий топширикли турларини кўпроқ бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар орасида ўқувчининг ўзи мустақил тарзда давом эттирадиган баён турлари ўзига хос ўрин тутади.

Унинг асосий моҳияти шундан иборатки, ўқувчига муайян бир матн тавсия этилади. Бу матн тугалланмаганлиги билан ўзига хослик касб этади. Матннинг асосий хусусияти шундаки, унда муайян типдаги фикр (тасвир, тавсиф, ҳикоя) бошлаб берилади. Бу фикр ўқувчининг қизиқишлигини, диққат-эътиборини ўзига тортгунга қадар (матн мазмунига кўра бир-икки, баъзан беш-олтитагача гап доирасида) давом эттирилади ва худди шу ерда тўхтатилиди (узиб қўйилади). Уни давом эттириш ва якунлаш ўқувчининг ўзига топширилади. Демак, «воқеалар»ни давом эттириш, ривожлантириш ва уларни ўзаро боғлаш, шулар асосида мантиқий бир ечим ва якунга келиш ўқувчининг ўзига, унинг индивидуаллигига хос бўлган барча жиҳатлар: ижодкорлик, дунёқараашнинг кенглиги, мантиқийлик, сўзни ҳис этиш ва ҳис этилган ҳодиса ва ҳолатларга мос келадиган сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш тўлиғича намоён бўлади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, машқдан машққа ўтган сари бундай ижодий ишларнинг натижалари анча сезиларли ва жиддий бўлиб боради. Бунинг айрим намуналарини тавсия этишимиз мумкин. Ўқитувчилар бу намунага қараб истаганча эркин ва ижодий ёндошишлари мумкин:

Иншони ёзишга тайёргарлик ва уни ўтказиш қанчалик муҳим бўлса, уни таҳдил қилиш, хатолар устида ишлаш ва баҳолаш ҳам шунчалик катта педагогик аҳамиятга моликдир. Таълим босқичларида ёзма ишларни, жумладан, иншоларни таҳдил қилишининг ҳозирги аҳволи, афсуски, кўп жойларда бирмунча ўзгартишга, такомиллаштиришга муҳтоҷдир: «баъзан унинг ўтказиб юборилиши, нотўри муносабат билдириш, хатоларни тузатишида касб маҳоратининг стишмаслиги, кўпинча хатоларни тузатишида, оғзаки тузатишлар ва такризлар ёзишда бир хилликнинг стишмаслиги»¹ кузатилади.

Иншоларни баҳолашда бир қатор мезонлар амал қиласи.

¹ Арефьесна С.А. Проверка сочинений учащихся. – Русский язык в школе. – 2001, № 1, с.7.

орасида эңг мұхымлари сифатида ёзма нүтқнинг тұғрилиги, равонлиги, мавзуга мутаносиблик даражаси, ифоданинг аниқлиги ва ҳаққонийлиги, мантиқијлиги, таъсирчанлиги, бойлигини күрсатып мүмкін.

Хатолар устида ишлаш билан боелиқ фикрларда мұтхассисларнинг иккиге ажralғанини күриш мүмкін: бир гурұх методистлар ўқувчи иншосидаги бирорта ҳам хато әထибордан четда қолмастығини мақсадға мувофиқ деб билишса, бошқалари күпчиликда учрайдиган, асосий хатолар устилагина тұхталып, майда хатолар устида тұхташни шарт әмас, деб ҳисоблашади. Буни агар ўқувчининг ҳар бир хатоси күрсатып борилаверса, уннинг үзігі бұлған ишончи бутунлай йүқолиб кетиши мүмкінлиги билан изөхлашади. Демак, бундай ишларни амалға оширишида ҳам меңгерға амал қилиш әңг тұғри йүл бұлади.

Д.Қуровов тұғри күрсаттанидай, «Бадий асарни у яратылған давр воқөлигінде боераб қўйишлиқ унга ноижодий ёндошишининг натижасидир. Ҳолбуки, бадий коммуникациянинг яқунловчи босқичи – асарнинг ўқилиши ва уқилиши ҳам том маңнодаги ижодий жараёндир. Ўқувчининг дикқат әထибори асар бадий воқөлигининг реал воқөликка нечөсли мослигига әмас, уннинг замиридаги МАЪНОГа қаратилиши лозим. Ўқувчи ўз воқөлигидан кечиб бадий асар воқөлигіда тұлақонли яшасагина ижод онларидаги санъаткорға рұхан яқынлашади, шундагина ўша санъаткор МАЪНО воситасида англаган оламу одам **моҳияти** унга очилиши мүмкін бұлади. МАЪНОнинг «скелеті» бұлмиш моҳият үзгартаса табиаттаға әгадирки, уннинг воситасида ўқувчи ўз замонасиины, замондошларини, ўзини теранроқ идрок этади»¹.

¹ Қуровов Д. «Адабиёт нағылар» ёки Чүлпөннинг мануу сабакы. 38-39-бетлар

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётиning пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи. 1997-йил 29-август. Тошкент. Шарқ. 1997.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чиқириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртингчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрель. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олим ва журналистлар билан суҳбат. - / Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 132-154-бетлар.
4. «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд, Пандлар, ибратлар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Б.Қосимов. – Тошкент, Маънавият, 1998.
6. А.Абдугафуров. Буюк бешлик сабоқлари. Мақолалар. -Тошкент, F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
7. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий достон. Тузувчи Абдусолик Ирисов. – Тошкент, 1981.
8. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 1 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил.
9. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик сайланма. 2 жилд. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994 йил.
10. Абу Райхон Беруний. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи А.Ирисов, - Т.
11. Адабиёт назарияси, Икки томлик, биринчи том, Адабий асар, Тошкент, Фан, 1978.
12. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2003.
13. Айзерман Л. Пятьдесят лет спустя. Статья первая. - // Литература в школе, 2006, № 6, с.25-28.
14. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. I. – Т.: Фан, 1983.
15. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. II т. – Т.: Фан, 1983.

16. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. III т. – Т.: Фан, 1984;
17. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Тўрт томлик. IV т. – Т.: Фан, 1985.
18. Алишер Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Ўн бешинчи том., Тошкент, Фан, 1999.
19. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.- . – Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик, Ўн учинчи том., Тошкент, Фан, 1997.
20. Алишер Навоий «Маҳбуб ул қулуб», «Муншоат», «Вақфия» Ўн беш томлик. Т.: 1966.
21. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.- . – Муқаммал асарлар тўплами, Йигирма томлик, Ўн тўртинчи том., Тошкент, Фан, 1998.
22. Атоулло Ҳусайнӣ, Бадоев ус-саноеъ. – Тошкент, 1990
23. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990.
24. Ахмедов С. Адабиёт дарсларида эпик жанрларни ўрганиш. Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам. – Т.: Ўқитувчи, 1986.
25. Ахмедов Қ.Ҳ.Ҳ Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасини ўрганиш. – Т.: 1968.
26. Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Тошкент, Фан, 2004.
27. Т.Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2002.
28. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент, Ўқитувчи, 1996.
29. Бебометов С. Аруз вазнидаги шеърий асарларни ифодали ўқиши - // Тил ва адабиёт таълими. 1992, 2-сон.
30. Богданова О. Ю., Леонов С. А., Чертов В. Ф. Методика преподавания литературы. Под редакцией О.Ю. Богдановой. Учебник для студентов пед. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 2-е издание, стереотипное. 2002.
31. Болтабоев Ҳ. Профессор Фитратнинг назарий қўлланмаси. - // А.Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт музаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1995. 3-19-бетлар.
32. Голубков В.В. «Адабиёт ўқитиш методикаси» М.: 1938 й.
33. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ. «Адабий ўқиш методикаси» Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952.
34. Долимов С., Убайдуллаев Ҳ., Ахмедов Қ. Адабиёт ўқитиш

- методикаси, - Т.: Ўқитувчи, 1967.
35. Долимов С., Убайлуллаев Ҳ. «Адабий ўқиши методикаси» Ўқув.пед.давнашр Т.: 1952.
36. Дўстқораев Б. Маҳмудхўжа Беҳбудий – таълим ислоҳотчиси. - // Til va adabiyot ta’limi, 2005, 4-сон.
37. Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. Учебное пособие. — М.: Флинта, Наука, 1998.
38. Жалилов Б., Шарипова М. Мактабда драматик асарларни ўрганиш. Ўқитувчилар учун методик қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1992.
39. Жамол Камол. Лирика. - // Адабиёт назарияси. Икки томлик, II том, Адабий-тарихий жараён, Тошкент, Фан, 1979, 237-238-бетлар.
40. Жўраев К. Мактабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.- Т.: Ўқитувчи, 1974.
41. Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётшунослигига ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида), фил. фан номз. дисс. авт – Т.: 2000, - 26 б.
42. Зуннунов А.С. «Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар» Т.: «Ўқитувчи» 1973.
43. Зуннунов А.З., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиши методикаси Т.: «Ўқитувчи», 1992.
44. Зуннунов А., Алиев А. Адабиётни бошқа ижтимоий фанларга боғлаб ўрганиш. –Тошкент, «Ўқитувчи», 1982.
45. Зуннунов А. Педагогик тадқиқот методикаси, Тошкент, 2000.
46. Зуннунов А., Хотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. Ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учун. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
47. Зуннунов А. Ўзбек адабиёти методикаси тарихидан очерклар. Ўқитувчилар учун қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1973.
48. Исматов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.
49. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006.
50. Исҳоқов Ф. Мактабда Гулханий адабий меросининг ўрганиши. – Т.: Ўқитувчи, 1983.
51. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси юзасидан Методик қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1997.
52. Йўлдошев Қ., Мадиев О, Л.Абдураҳмонов. «Адабиёт ўқитиши методикаси» Т.: «Ўқитувчи» 1999.


53. Йұлдошев Қ. Адабиёт үқитишининг измий назарий асослари. Тошкент. «Үқитувчи», 1996.
54. Йұлдошев Қ. «Алпомищ» талқынлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти ҳақида айрим фикрлар. – Т.: «Маънавият», 2002.
55. Йұлдошев Қ. «Адабий сабоқлар. 8». Умумтағым мактабларининг 8-сinf «Адабиёт» дарселиги учун методик құлланма. – Т.: Шарқ, 2004.
56. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У. Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти, Тошкент, Үқитувчи, 1999.
57. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти, Тошкент, Үқитувчи, 2002.
58. Қошарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони (Девону лугот иттурк), Уч томлиқ, I том, Таржимон ва нашрга тайёрловчى С.М. Муталибов, - Тошкент, Фан, 1960.
59. Ксенофона Г.Ю. Инновационные технологии обучения и воспитания школьников. М.: Педагогическое общество России. 2005.
60. Лесохина Л.Н. Нравственное развитие учащихся в процессе изучения литературы.- Сб. Искусство анализа художественного произведения. М.: Просвещение, 1971.
61. Мактабда Отахий ижодини ўрганиш. Муаллифлар Қ.Султонова, Н.Мадаминова. – Т.: 2003.
62. Методика преподавания литературы. М.Просвещение 1985.
63. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳдил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари.- Тошкент. Фан, 2006.
64. Навоий асарлари лугати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброрхимов. Т.: Е.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
65. М- Н. Османов. Синтаксическая структура бейта /на примере «Дивана» Хафиза/.- Проблемы восточного стихосложения. М.: «Наука», 1973. стр. 60-67.
66. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши, Насаф, 2000.
67. Пирназаров М. Мактабда Ўйгуннинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш.- Т.: Үқитувчи, 1972.
68. Расулов А. Танқид, Талқын, Баҳолаш. – Тошкент, Фан, 2006.
69. Рафиев А., Гуломова Н. Она тили ва адабиёт. Тошкент. 2002.
70. Рахмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Т.: Үқитувчи, 1983
71. Рыбникова М. А. Очерки по методике литературного чтения.

- М., 1985. — С. 58.
72. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. — Т.: Ёш гвардия, 1987.
73. Сайдносирова С. Ойбегим менинг. Хотиралар. Тошкент, Шарқ, 1994.
74. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент, Молия, 2003.
75. Сафо Матжон. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. — Т.: Ўқитувчи, 1996, 19-бет.
76. Сафо Матжон. Китоб ўқиши биласизми? — Т.: Ўқитувчи, 1993.
77. Сирожиддин Саййид. Қалдирғочларга бер айвонларингни. Тошкент, Шарқ, 2005.
78. Степанов Г.В. Содержательные и формальные аспекты в литературно-критическом анализе художественного произведения. — Язык и стиль писателя в литературно-критическом анализе художественного произведения. — Кишинев, «Штиинца Кишинев», 1977, с.3-12.
79. Тўхлиев Б., Саримсоқов Б. «Адабиёт» Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент, 2000.
80. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти ахборотномаси. Тошкент, Шарқ, 1999, 1-маҳсус сон.
81. Умумий ўрта таълим, АЛ ва КҲКнинг дарслеклари.
82. Фаробий. Афлотун қонунлари моҳияти.- // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993.
83. Фаробий. Фозил шаҳар одамлари қарашлари.- .- // Фозил одамлар шаҳри. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1993.
84. Фаробий. Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А.Ирисов.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
85. М. Хайруллаев «Фаробий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида». Т.: 1967.
86. Черкезова М.В. В поисках новых подходов к созданию учебников по литературе. На материале учебников по русской литературе для национальной школы. - // Литература в школе, 2006, № 5, с.23. (23-27)
87. Шарафиддинов О. Истебдод жилолалари. — Тошкент, Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
88. Элбек. Танланган асарлар. - Т.: Шарқ, 1999.
89. Ўзбек шоиралари баёзи. Дилшод. Анбар отин. Тузувчи ва сўзбоши муаллифи М.Қодирова. — Т.: Фан, 1994.

90. ЎзМЭ, Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2003, 5-жилд. Қодиров В.
91. Қосимов Б. Оқтонгларни орзулаган шоир. – Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. I-жилд. Шеърлар, ибратлар. Тўпловчи, чашрага тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Б. Қосимов. – Тошкет, Маънавият, 1998.
92. Қосимова К. 5-синфда лугат устида ишлаш. – Т.: Ўқитувчи, 1971.
93. Қуронев Д. «Адабиёт надир» ёки Чўлпоннинг мангу савози. Адабий-танқидий мақолалар. Т.: «Zargalam», 2006.
94. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент, А. Қодирний номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 2004.
95. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
96. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1996.
97. Ҳаққун Иброҳим. Ким нимага таянади? Адабий сұхбатлар. – Тошкент, «Zargalam», 2006.
98. Ҳожиаҳмедов А. Мактабда аruz вазинин ўрганиш. – Т.: Ўқитувчи, 1978.
99. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Т.: Шарқ, 1999.
100. Ҳ.Хомидий. Кўхна Шарқ дарғалари. Бадиий-илемий лавҳалар. – Т.: Шарқ, 1999.
101. Ҳусанбоев Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. Тошкент. «Ўзимкомцентр», 2003.
102. N. Karimov., U.Normatov. Adabiyot 5-sinf uchun darslik.- majmua. - T.: O'qituvchi, 2000.
103. N. Karimov., B.Nazarov, U.Normatov, Q.Yo'ldoshev. Adabiyot: umumiy o'rta ta'llim mакtablarining 11-sinf uchun darslik.- T.: O'qituvchi, 2004.
104. N. Karimov., U.Normatov. Adabiyot 5-sinf uchun darslik.- majmua. - T.: O'qituvchi, 2000.



Сюжет:




**БАДИЙЛИК
МЕЗОНЛАРИ**

- **Хаққонийлик**
- **Самимиilik**
- **Мазмун ва шакл
үйгүнлиги**
- **Оригиналлик**
- **Таъсирчанлик**
- **Замонавийлик**

АДАБИЙ АСАР ТИЛИ

- Адабий асар ва тарихий-адабий жараён
- Жонли тил, адабий тил ва бадиий тил
- Муаллиф нутқи ва персонажлар нутқи: таъсирчанлик, серқатламлилик, образлилик, архаизм ва историзмлар, лаконизм, муболага, сўз бойлиги
- Монолог, диалог
- Синонимлар, омонимлар
- Антонимлар
- Архаизмлар
- Историзмлар
- Неологизмлар
- Диавлектизмлар
- Фразеологизмлар
- Жонлантириш
- Сифатлаш
- Ўхшатиши
- Истиора
- Киноя (метонимия)
- Интонацион воситалар
- Инверсия
- Ритм



- тарихий роман
- тарихий-биографик роман
- сиёсий роман
- сатирик роман
- саргузашт роман
- илмий-фантастик роман

Роман


Драма

драма

маиший
драма

хажвий
драма

шеърий
драма



М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Адабиёт ўқитиши методикасининг бошқа фанлар билан алоқаси.....	14
Адабиёт ўқитиши методикасининг тарихий тараққиёти	18
Таълим босқичларида адабиёт курсининг мазмуни ва қурилиши.....	40
Бадиий асарни таҳлил қилиш.....	47
Эпик асарларни ўрганиш хусусиятлари.....	68
Лирик асарларни ўрганиш	76
Драматик асарларни ўрганиш	86
Бадиий асарнинг тилини ўрганиш	98
Ёзувчи таржимаи ҳолини ўрганиш.....	111
Адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш	121
Адабиёт ўқитувчиси.....	126
Адабиёт дарслари.....	130
Адабиёт дарсларида кўргазмалилик.....	137
Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш.....	141
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	155

Тўхлиев Боқижон

Адабиёт ўқитиши методикаси

Муҳаррир:

Б.Ботиров

Бадиий муҳаррир:

Н.Раҳмонов

Техник муҳаррир:

М.Йўлдошев

Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Босишга рухсат этилди: 16.04.2010.

Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$ Ҳажми 10,5 б.т. Адади 100 нусха

Буюртма № 3

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент ш., Юсуф Ҳос Ҳожиб кўчаси, 103-үй.